

P.
C-18




В. Овечкин

ОЧЕРКЛАР

ЎЗДАВНАШР

В. Овечкин

ОЧЕРКЛАР



ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1956

1953—1954 „Огонёк“ журналі кутубхонасідан.

РАЙОННИНГ ИШ КУНЛАРИ

Ёмғир уч суткадан бери сурункасига қуярди. Уч кун, ичида қуёш атиги икки мартагина бир неча соат давомида милтиллаб кўриниб қўйди. Шунинг учун у, пастқам жойлари сувга тўлиб баҳорги ўтлоқлар сингари ялтиллаб ётган далалар уёқда турсин, ҳатто томларни ҳам қури-тишга улгура олмади.

Райкомнинг иккинчи секретари кабинетида райондаги илғор, энг бой «Власть Советов» колхозининг раиси Демьян Васильевич Опенкин ўтирарди. У — семиз, қорин солиб юборган, мўйловли, оқ оралаган сочи калта қир-қилган. Плашчи ёмғирда ивиб кетган. У отда келган эди, бақувват саман оти райком ҳовлисидаги айвонда эгарланганича турибди, тизгинни узиб кетгудай бесаранжом-лик билан бош чайқаб, кишнайди. Опенкин бўйнининг йўғонлигидан зўрға қайрилиб, дамба-дам деразадан отига қараб қўяди.

Райком секретари Пётр Илларионович Мартинов юмшоқ поёндозда аста қадам ташлаб, кабинетнинг у бошидан-бу бошига юриб турибди.

— Сендан энди ғалла олмаймиз,— деди у.— Қарзингдан қутулдинг. Сени бунинг учун чақирганим йўқ, Демьян. Сен — энг эски раис, тажрибақор деҳқонсан. Қани шунақа ҳавода далада нима иш қилса бўлади? Уч минг гектар ернинг ҳосили ҳали ўриб олинмаган бўлса. Қайси бир ишни «бажаринг» деб қисталанг қилиш мумкин? Колхозларда телефонограммаларимиздан кулиб юришмасин тагин... Кеча «Завети Ильича» колхозига борганимда, раис столида ўзим юборган телефонограммани кўриб қолдиму, гапнинг очиги — уялиб кетдим. Ҳамма машиналарни ишга солинглар, деб топшириқ берибмиз, ўзим бўлса «газик» далада лойга тиқилиб қолгани учун уларнинг

олдига пиёда бордим. Машинани қишлоққача судраб олиб бориш учун уларнинг ўзидан ҳўкиз сўрашга тўғри келди.

— Бўлмасачи! Ҳамма ёқнинг қатиғи чиқиб кетди-ю!...

— Бундай ҳавода чалғи, ўроқларни ишлатиб бўлмасмикин? А?...

— Мен, Ларионич, лойгарчиликда ғалла ўриш тажрибасига эга эмасман,— Опенкин мийиғида кулиб қўйди. — Колхозимиз ўрим-йиғимни ҳамма вақт ҳаво очиклигида уддалаб олади... Хўп, ўроқ билан ўрдинг, кейин нима бўлади? Ўрилган ғаллани ботқоққа ташлаб кетаверасан. Бундай ҳаво чўзилиб кетса борми, чирийди-қолади.— Опенкин стулни ғижирлатиб, вазминлик билан дераза томонга қайрилди ва дераза табақаларини ланг очиб: — Бу шайтон ҳализамон нўхтасини узиб кетади,— деди.

— Тек тур эй, Кальян! Сени қара-ю! — У ҳовлидан ўтиб кетаётган райком отбоқарини кўриб қолди. — Никитич! Ана унга кўз-қулоқ бўлиб тур, тагин нўхтасини узиб кетмасин.

Мартинов дераза ёнига келди.

— Бундай ажойиб отни қаердан олдиларинг.

— Сальск чўлларида олдириб келдик. Дон отларидан етиштирилган будённовка зотидан. Салтга миңиладиган энг яхши от.

— Қантарилиб қолибди. Тез-тез миңиб туриш керак.

— Миңиб турибман. Қеча каучук совхозига миңиб бордим. Ўзим ҳам бир юз йигирма киломан. Бу чакана юк эмас!

— Демьян, нега шунақангги бесўнақай семириб кетяпсан-а? — Мартинов Опенкиннинг қорнига туртиб қўйди. — Шу кунларда худди қорни катта бойларга ўхшаб қолдинг.

— Нимадан шишиб кетаётганимни ўзим ҳам билмайман,— деб қўлларини силтаб жавоб берди Опенкин.— Хотиржамликдан эмас. Йириклашувдан кейин, бутунлай ўралишиб қолдим. Тўрт миңг гектар, саккизта бригада. Қанча ҳаяжонлансам, шунча семираман.

— Овқатни кўп ейсанми?

— Ҳа, иштаҳамдан хафа эмасман...

Шамолда ёмғир томчилари деразага урилиб, дераза тоқчасидаги журналларни ивита бошлади. Опенкин деразани ёпди. Мартинов яна столнинг четига бориб ўтирди.

— Тагин бултургидек бўлмайдими? — Опенкин Мартиновга тикилди. Унинг доно, қора кўзлари бир оз ҳорғин эди.

— Бултургидек? Бу нима деганинг?

— Қўшниларимиз етмиш процентга бориб таққа тўхташади-ю, бизга яна қўшимча план берасизлар, шунақами?

— Дон топшириш бўйичами? Йўқ, ҳозир бу масала жуда қатъий... Эҳтимол, фақат қарз тариқасида сўраб олиб берармиз. Сенинг ортиқча ғалланг кўп, бошқаларнинг ҳозир янчиб қўйган дони йўқ. Сен улар, учун топширасан-у, кейин узиб юборишади.

— Ана шу-да! — Опенкин қаттиқ ижирганиб ўтирган жойида ўзини уёқ-буёққа ташлаган эди, стул ғижирлаб кетди. — Айтдим-ку, албатта бирон нарса ўйлаб топасизлар, мушт билан бўлмаса, тарсаки билан туширасизлар! Урушдан кейинги йилларда бошқа колхозлар биздан қанча қарз олдилар! Менга, яхшироқ ревизор бормаяпти-да! Дебитор қарзлари учун мени аллақачон суд қилиш керак эди... Қўшни оғайниларимизнинг қарзи минг центнерга боради. Уларнинг дон топшириш планини ҳам бажарибмиз, уларга уруғлик ҳам берибмиз. Унмайди ҳам, куймайди ҳам! Раисларидан: «Оғайнилар, қачон сизлар ҳам инсофга кирасиз, қарзингизни узамизми?» — деб сўраб қолсангиз, кулишади. «Коммунизмга борганда ора очиқ бўлиб кетамиз» дейишади. Менимча-чи, — Опенкин жаҳли чиқиб ўрнидан турди, оғир пишиллаб, дубдай қотиб қолган плащчининг этакларини стулга тарақлатиб уриб, кабинет бўйлаб юра бошлади, — менимча, бу лаънати боқиндилликни битирмагунимизча, коммунизм бўлмайди! Коммунизмни ҳамма қурсин-да! Бировлар қура-миш, меҳнат қилармиш-у, бошқалар тайёр ошга баковул бўлармиш... Йўқ, бунақаси кетмайди.

— Тўхта, ҳовлиқма, Демьян Васильевич, — деди Мартинов. — Эҳтимол қарз-қурзсиз ҳам бир амаллармиз.

— Қанақа қарз-қурз! Хайру эҳсон деб тўппа-тўғриси-ни айта беринглар-да. Бу йил ҳам ҳеч ким бизга эски қарзидан бир грамм тўламайди. Сизларнинг олдингизга келиб, йиғлаб беришади, иннайкейин ўзингиз бизга: «Шошилмай туринглар, қистаманглар, уларнинг ғалласи оз қолибди, у ерда ҳам меҳнат кунларига бирон нарса бериш, уруғлик тўкиб қўйиш керак-да», деб айтасиз.

Новча, салобатли Опенкин қўпол оёқларини кенг ёзиб Мартинов олдида тик туриб қолди.

— Сен, Пётр Ларионич, мени қизғончиқлик қияпти деб ўйлама. Башарти, бировларнинг бошига кулфат ёғилган, айтайлик, дўл урган ёки сел келган бўлса, нега колхозга ёрдам бериш мумкин эмас? Мумкин. Жон-дилимиз билан ёрдам берамиз. Аммо буларнинг кулфати — эрта-лабки ширин уйқуни бузишни истамайдиган, пар ёстиқда роҳат қилишни севадиган бригадирлар билан раисдан иборат бўлса, ҳар қандай қарз бериш билан ҳам ёрдам қилолмаймиз. Ўз колхозимнинг ғамини еяётганим йўқ. Биз камбағаллашиб қолмаймиз. Яна минг центнер берсак ҳам камбағал бўлиб қолмаймиз. Лекин бу билан уларни қийин аҳволдан чиқариб бўлмайди; қолоқ колхозларнинг ишини хайру эҳсон билан тузата олмайсиз!..

— Мен ҳам қолоқ колхозларни бундай усулда кўтаришнинг тарафдори эмасман, — деб жавоб берди Мартинов, ўн беш йиллик раиснинг кўп нарса кўрган доно кўзларига тик боқиб. — Дарҳақиқат, бу билан колхозларда тартиб ўрнатиб бўлмайди, районни ҳам кўтариш қийин... Сенга қўшимча план берилмайди. Ҳар қанақасига ҳам. Опенкин ишончсизлик билан бош чайқади.

— Ҳозирча сен, Ларионич, каттамининг ўрнини босиб турганинг учун шунақа деяпсан. Виктор Семёнич келса борми, у «Қани, Демьян бойваччани бир қоқиштириб ташлангларчи!» дейди.

— Виктор Семёнични ҳам кўндиришга уриниб кўрамиз. Планини муддатидан илгари бажариб қўйган раисларни қоқиштириш жуда ўнғай нарса.

— Унинг отпускази қачон тугайди?

— Даволаш муддатини узайтириб бермасалар — шанба куни келади.

— Ҳали кўрасан, йўлдан чарчаб келиб икки соатча дам олади-да, кўрни кавлашга тушади!

Мартинов жавоб бермади, дераза олдида бориб, гапни бошқа ёққа буриб юборди.

— Колхозларимизнинг хўжалиги яхши уюштирилмаган-да! Ёғингарчилик бошландими, оёқ-қўлимиз боғланади-қўяди. Бордию бундай ҳаво икки ҳафтага чўзилиб кетса, унда нима бўлади? Дон сушилкаларини, усти ёпиқ хирмонларни ҳозиргидан ўн ҳисса кўпроқ қуриш керак. Балки донни боғ ҳолича қуритиш учун ҳам сушилкалар қуриш лозим бўлар.

— Ригалар дегин... — илгари деҳқонлар бундай саройларни рига деб атар эдилар.

— Саройлар бўлмаса, похол бостирмалар бўлса ҳам майли эди. Соддароқ бўлсину, кўпроқ бўлсин.

— Девори бўлмаса, яна соз,— деб бу фикрга қўшилди Опенкин,— шаббода уриб турса, тезроқ қурийдими... Экин майдонлари илгаригидай эмас, Ларионич. Илгари битта хўжайиннинг ҳаммаси бўлиб беш десятина экин майдони бўларди. Қани, энди тўрт-беш минг гектарга ана шунақангги ригалардан қуриб кўр-чи!

— Мен ҳам шуни айтяпман-да,— давом этди Мартинов,— бу қурилишларнинг ҳаммасини бошқачасига планлаштириш керак. Колхозга учта дон сушилжаси қурилсин, деб топириқ берамиз. Аслда эса ўттизта, элликта қуриш керак! Қарабсанки, ҳали қурғоқчилик уради, ҳали ёмғир ёғиб ўрим-йиғимни кечга суради, ҳаммаси ҳам тайёр ҳосилни жувонмарг қилади. Бу нарса қачон йўқолар экан?.. Назаримда, Демьян Васильевич, булар сени учта ташвишлантирмайди, шекилли. Сен, албатта, менга ҳосилни ўриб-йиғиштириб олишим учун икки ҳафта қуруқчилик бўлса бас деб ўйлайсан. Лекин кўп ҳам кеккайма. Ўрим-йиғимнинг биринчи кунидан бошлаб ёмғир уриб берганда нима қилар эдинг? Сен ҳам дод солардинг-да! Қўйчи, бу нарса ўн йилда бир такрорланса ҳам, биз бунақангги офатга қарши доим тайёр туришимиз керак.

Опенкин Мартиновнинг сўзларини хотиржамлик билан, жилмайиб тинглади.

— Ана шунақангги офатга ҳам ҳозирлик кўряпмиз, Ларионич. Колхозимиздан ўн киши уч ойдан бери Киров областида ёғоч тайёрлаяпти. У ердан ўн беш вагон ёғоч олдик. Яна уч марта ўн беш вагондан ёғоч юборишади. Бу ёғоч электростанцияга ҳам, клубга ҳам, бостирма, хирмонларга ҳам, сушилкаларга ҳам етади.

— Сизда-ку етади-я!..

— Мен сенга колхозимизда ишнинг нега баракали эканлигини, кишиларимизнинг ҳар ишга бир ёқадан бош чиқариб ёпирилишларини тушунтириб берай,— деди Опенкин бир оз жим тургач.— Аввало колхозимиз бой, меҳнат кунларига ғалла ҳам, пул ҳам анча-анчадан тегиб туради. Бирон кишини правление қарори билан уч кун ишдан четлаштириб қўйиш — бизда энг оғир жазо ҳисобланади.

Мартинов кулиб юборди:

— Роса тушунтирдинг-ку? Колхоз шунинг учун бойки, кишилар бир ёқадан бош чиқариб ишлашади.

— Албатта,— деди табассум билан Опенкин,— иш бир юришгандан кейин юришиб кетаверади... Биз ҳам чакана қийинчиликларни бошдан кечирганимиз йўқ... Уруш вақтида бир куни «Волни революции»нинг раиси Михай Кудряшов, эсимда йўқ, қандайдир бир иш билан менинг олдимга келиб қолди. Мен уни овқатлангани уйимга олиб бордим. Олдига қора нон қўйсам, «Уят эмасми? Ранссану, майшат қилишни билмайсан! Лоақал ўз турмушингни тузатиб ола олмайсанми?» дейди. Бунинг нима-си уят? Қаттиқчилик эди, пландан ташқари Қизил Армия фондига бир ярим минг центнер дон топширган эдик. Ўз ихтиёримиз билан топширдик. Кунимизни кўриб кетармиз, дедик. Картошкани нонга аралаштириб — бир амаллаб қаттиқчиликдан чиқиб олдик! Ўтган йили ёзда мен йўл-йўлакай уларнинг колхозида, «Волна»да бўлдим. Шахсан Кудряшовнинг уйидаги нон қанақа эканини билмайман, лекин колхозчиларининг ҳаммасиникида қора нон. Уруғликни ҳам қарзга олишади. Бизникилар аллақачон урушдан илгаригидек оқ нон ейишяпти. «Энди сенга уят эмасми? Агар ўзингни одамлардан олиб қочмаганингда, сен ҳам қора нон еганингда, эҳтимол аламзада бўлардингда, қийинчиликларни тезроқ бартараф қилиш учун кўпроқ жон куйдирардинг!..», дедим. Менинг тушунишимча, колхоз фақат биз раислар учун, бизнинг фаровон турмуш кечиришимиз учун тузилган эмас. Элга яхши бўлса, бизга ҳам яхши бўлади...

...Опенкин кетгандан кейин ҳам Мартинов узоқ вақтгача унинг тўғрисида ўйлади. Қани энди райондаги ҳамма колхоз раислари ҳам Опенкин сингари бўлса: унинг иши юришиб кетган — колхози бой, шунинг учун аъзолари ҳам яхши яшайди. Баъзи бошқа колхозларда ҳам иш «юришиб» кетганку-я, лекин меҳнат кунининг маза-матраси йўқ, чунки ҳосил паст, колхозчилар яхши ишламайди, чунки бундан илгариги йили ҳам меҳнат кунига оз ғалла олишган. Калавасини йўқотган дегани шу-да. Нима қилиб бўлса ҳам, калаванинг учини топиш керак! Лекин ким топади? Калаванинг учини халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўювчи Опенкинга ўхшаш кишилар топади... Мартинов қишда «Власть Советов» колхозининг ҳисобот сайлов йиғилишида қатнашган эди. Опенкининг кандидатурасини яна раисликка кўрсатганла-

рида, бир колхозчи сўзга чиқиб, уни «бу одам юрак-юрагидан коммунист» деб атади.

Шамол деразага келиб урар эди. Мартинов кун бўйи кўп кишилар билан гаплашди, райкомнинг ҳамма бўлим мудирларини, район агрономини, райишрокомнинг қишлоқ хўжалик бўлими мудирини — ҳар бирини ўз масаласи бўйича қабул қилди. Ёгингарчилик бўлгани учун партия активларининг ҳаммаси ҳам уйда экан.

— Шу ишимиз яхши эмас-да, ўртоқлар, — деди Мартинов. — Урим-йиғим бир аҳволда бўлса-ю, биз уйда ўтирсак. Худди мана шу пайтда ҳаммамиз колхозларда бўлишимиз керак эмасми?!

— Ҳозир у ерда нима иш қиламиз? — дейишди унга.

— Лоақал янчиб қўйилган донни сақлаб қолиш керак. Ёмғирда уюлиб ётибди. Сушилкалар, бостирма хирмонлар қуриб ғаллани топшириш керак. Машиналар юролмаса — қуритилган ғаллани хўкиз араваларда элеваторга ташиш керак.

У мабодо ёгингарчилик чўзилиб кетса райондаги ҳамма кучни нимага сафарбар этишликни пухта ўйлаб олган эди. Ёрдамчисига биргина шу масала юзасидан кичикроқ мажлис ўтказиб олиш учун кечқурун соат тўққизга ҳамма бюро аъзоларини чақиришни тайинлади.

Кечга яқин Мартинов энди овқатлангани уйига кетман деб турганида, кабинетга биринчи секретарнинг хотини кириб келди. Бу ёшгина бўлса ҳам жуда барваста, очиқ чехрали, кичкина қўнғир кўзларида қувноқлик барқ уриб турган, истараси иссиққина жувон — «Сортсемовош» район конторасининг директори Марья Сергеевна Борзова эди.

Мартинов яқинда бир колхозга борганида, унга уч йилдан бери тарвуз пишмай қолаётганини айтишди. Тарвузни кузда йиғиштириб олиб, чўчқага беришар экан. Мартинов, бу қанақа сорт ўзи, деб сўради. Маълум бўлишича, уруғлик Кубандан юборилган экан. Мартиновга Обком ва Қишлоқ хўжалик министрлиги олдида қўйиладиган каттагина бир масаланинг тугуни топилгандай туюлди. У Борзовадан «Сортсемовош» контораси қаерлардан сабзавот уруғликлари олиши тўғрисида ведомост тузиб келтиришини илтимос қилган эди.

— Мана айтганингни қилиб келдим, Пётр Илларионич, — деди Борзова ведомостни столга қўйиб, — накладнойлардан териб олдим. Дарҳақиқат, ишимиз Мичу-

рин айтгандақа чиқмаётир. Бизда яхши сортлардан ўзимизда етиштирилган уруғликлар бор, лекин область контораси уларни аллақаерларга жўнатиб, бизга бошқа сортлардан беряпти. Гарвуз уруғлари Кубандан, Қримдан, помидор уруғлари ҳам Кубандан келтирилмоқда.

— У ерларда ёз бир ярим ойча узун. Бу сортлар ана шундай ёзга ўрганиб қолган, шошилмасдан ўсади-да,— деди Мартинов.

У ведомостни кўриб чиққунча, Марья Сергеевна резина плащчининг ҳўл этакларини йиғиштириб, стол ёнидаги креслога ўтирди.

— Борзов ҳам бугун келади,— деди Марья Сергеевна.

— Қанақасига бугун келади? — бошини кўтарди Мартинов. — Унинг отпускиси ҳали тамом бўлгани йўқ-ку?

— Тоқат қилиб туролмаганга ўхшайди. Илтимосига биноан сводка босилиб чиққан область газетасини авиопочта орқали юборган эдим.

— Агар бугун келадиган бўлса, ҳозир кириб келиши керак... — Мартинов стол устидаги соатга қаради. — Поезд келди.

— Қайси поездда келар экан? Эҳтимол кечаси соат бирдагида келар, унда число ўзгаради. У, «Йигирма учинчида бораман, ғойибона ўпиб...» деб телеграмма берган.

— Шошмай тур, менга ҳам аллақандай телеграмма-лар олиб келишган эди, ҳали уларни қараб чиққаним йўқ,— Мартинов столдаги қоғозларни титкилай бошладди. — Ҳа, мана,— ундан келган телеграмма: «Йигирма учинчида бораман», фақат «ғойибона ўпиб» дегани йўқ.

Марья Сергеевна хўрсиниб қўйди.

— Яна тонготар мажлисларингиз авжига чиқадими? Яна у билан ҳар бюрода эрталабгача олишасизларми?

— Билмайман,— жавоб берди Мартинов,— Ессентуки сувларидан кейин у қандай бўлиб қолди экан. Эҳтимол, энди язва уни унчалик қийнамас.

— Турмуш қурганимизда, ҳали бу касалга мубтало бўлмаган эди. Уни кўпдан бери биламан. Борзовдаги бу қайсарлик, касалининг зўридан эмас! Икковларингиз ҳам жуда қизиққонсиз! Ут билан сувсиз... Икковингизни бошқа-бошқа районга айирворишса, эҳтимол, яхши бўлармиди?

— Шу билан учинчи кишидан эшитяпман! Бошқа районга ўтказишни илтимос қил дейишади,— деди Мартинов. — Мени сиқиб чиқармоқчимисизлар?

— Мен, бошқа районга ўтказишларини илтимос қил дейётганим йўқ, сизларни айирвориш керак, деяпман. Ё сен бу районда қолишинг керак, ё у... Хўш, айтчи, Пётр Илларионич, иккаловингиз нимани талашасизлар?

Мартинов мийиғида кулиб қўйди.

— Нега мендан сўраяпсан? Сенга у яқинроқ, ўзидан сўра!

— У ўзича тушунтиради.

— Қандай қилиб? Масалан, Мартинов газетачи, чобуққалам ўтган киши, шу ҳунарини қилиб, худа-беҳудага қоғоз қорайтириб ёта берса бўлмасмиди, партия ишида ҳеч балони билмайди, деса керак-да?

— Шундай ҳам деган...

Телефон жиринглаб қолди, Мартинов трубкани олиб узоқ гаплашди. Трубкани қўйгандан кейин унга партбилет олиш учун колхозлардан беш киши келиб кутиб турганини айтишди. Борзова ўрнидан қўзғалди.

— Хўп, Марья Сергеевна, бир гаплашармиз. Бу ведомостни олиб қоламан, сен эса менга маҳаллий уруғдан қанча ва бошқа ёқдан келтирилганидан қанча ҳосил олингани тўғрисида сводкани юборгин...

— Хўп бўлади... уйга бориб, овқатга уринай. Эҳтимол келиб қолар. Балки поезд кечиккандир.

Ёш коммунистларга партия билетларини бериб, улар билан колхозлардаги ишлар тўғрисида сўзлашиб бўлгач, Мартинов стол яшиқларини қулфлади, кийиниб, коридорга чиқиб ҳам улгурмаган эдики, райком олдидан жўнаб кетган машинанинг овози эшитилди. Зинадан дадил ва улўф сифат қадам ташлаб, ўрта бўйли, барваста, ранги заҳил Борзов чиқиб келарди. Узун чарм пальтоси ёмғирда ивиб кетган.

— Мана, ниҳоят ўзи ҳам етиб келди,— деди Мартинов коридорда тўхтаб. — Биз сени кундузги поездда келмасан деб ўйлаган эдик. Салом!

— Меҳнат аҳлига саломлар бўлсин! — Борзов қўл берди.

— Меҳнат қилиб ётибмиз. Сен нега Конституцияга хилоф иш қиляпсан? Дам олиш ҳуқуқидан тўла фойдаланмайсанми?

— Дам оласан-а! — Борзов шляпасини олиб қоқди, ҳўл пальтосининг тугмаларини ечди.

— Кабинетга кирамизми?

— Бир минутга кирамиз. Мен ҳали уйга ҳам кирганим

йўқ... Дам оласан-а! — Борзов вешалка олдида калош, пальтосини ечиб, стол ёнига келди, лекин секретарнинг креслосига эмас, ён томондаги стулга ўтирди. — Бунақа вақтда аҳмоқларгина даволангани боради! Радиодан: нуқул йиғим-терим, дон топшириш, кузги экиш деган сўзларни эшитасан, холос. «Правда» бизнинг областимизни қолоқлар қаторида уч марта бош мақоласида тилга олди.

Мартинов ҳам креслога ўтирмай, дераза олдида тик туриб қолди. Қорачадан келган юзлари офтобда яна ҳам қорайиб кетган кўк кўзли, қадди бир оз букчайган, озгин Мартинов барваста ва йилтироқ бошли Борзовга қараганда новчароқ эди. Мартиновнинг кўпдан бери сартарошнинг қўли тегмаган қоп-қора қалин сочлари бўйнида ва чеккаларида ҳалқа-ҳалқа бўлиб осилиб турарди. Борзов билан Мартиновнинг ўртасида етти ёшча тафовут бор: Мартинов ўттиз бешда, Борзов эса қирқлардан ошган.

— Айб ўзингда, — деди Мартинов, — баҳорда, экишни тамомлашимиз биланоқ жўнашинг керак эди. Ушанда путёвка ол, бориб даволаниб келгин, деб айтувдим-ку.

— Экишни тамомлаганимиздан кейин ўтоқ бошланди. Ахир, бизнинг поёни йўқ ишимиздан қачон қутулиб чиқиб кета оласан? Қишда бўлса курортга боришнинг яна қизиги йўқ... Хўп майли, қани гапир — ишлар қалай?

— Қачон келдинг ўзи? Поезд ўн учу қирқда ўтиб кетувди-ку.

— Поезддан тушиб элеваторга бордим. Машина тўғрисида телефон қилмаганимнинг боиси, МТС директорининг «газик»и дуч келиб қолди. Элеваторда ғаллани қандай ташияпсизлар деб сўрадим. Мазаси йўқ, Пётр Илларионич!

— Тўғри, бундан ҳам яхшироқ ташкил қилса бўларди, ammo... Ёмғирга қадар графикни уддалаб келаётган эдик.

— «Власть Советов», «Красный Октябрь», «Заря» сингари учта колхозингиз бир ҳафтадан бери дон топширмай қўйган экан, қандай қилиб графикнинг уддасидан чиқа олдингиз?

— Бошқа колхозлар кунлик топшириқни ошиғи билан топшираётган эдилар, «Власть Советов», «Октябрь» ва «Заря» эса қарзларидан қутулди.

— Қанақасига қутулди?

— Тамоман. Натура ҳақи бўйича бўлса — берилган счётлардан ташқари — бундан кейин қилинадиган шудгор учун ҳам топшириб қўйишди.

Борзов ачингансимон Мартиновга тикилди.

— «Қарзларидан қутулди» эмиш! Раисларга ҳам шунақа деяпсанми?.. Эҳ, Пётр Илларионич! Сенга ўрга-та бериш жонимга тегди. Қолхознинг сводкаси қани?

У Мартиновнинг жойига ўтиб ўтирди, ҳамма ортиқча нарсаларни—чироқни, кулдонни, чойи ичиб тугалланмаган стаканни шиддат билан нари суриб қўйди. Стол устидаги қалин ойна тагида графаларга бўлинган, колхозларнинг экин майдони, моллар туёғи, мажбурият планларига доир рақамлар билан олачипор бўлиб кетган бир тахта қоғоз ётарди. Мартинов Опенкиннинг: «Икки соат дам олади-да, қўрни ковлашга тушади» деган сўзларини эслаб, беихтиёр жилмайиб қўйди...

— Келиб тўғри қилган эканман.— Бир варақ оқ қоғоз, қалам олиб, бармоқлари билан ойнани сийпалаб қўйди. — «Власть Советов». Уларники қанча эди? Хўп... Давлат мажбурияти, натура ҳақи... Бу еттинчи группа бўйича. Комиссия уларни ҳосил бўйича еттинчи группага тиркабди. Башарти, уларга тўққизинчи группа берсакчи?..

— Энг юқори группаними?

— Ҳа, энг юқори группани. Қани нима чиқар экан? Ҳисоблаб кўрайлик-чи... Тўққизинчи группа бўйича Демьян бойваччадан яна бир ярим минг центнер, «Заря»дан саккиз юз центнерча, «Октябрь»дан ҳам шунча олиш керак. Мана! Еш боламисан, улардан қандай қилиб ғалла олиш кераклигига ақлинг етмайдими?

Юзидаги табассум ҳали сўнмаган Мартинов стол ёнига келди.

— Мен бола эмасман, Виктор Семенич. Бунақа ҳийлаларни мен ҳам биламан. Азбаройи худо, энди бунақанг-ги ишларга барҳам бериш керак! Нимага асосланиб улардан натура ҳақи юқори группа бўйича олинсин, дейсан?

— Шунга асосланибки, мамлакатга ғалла керак!

Ўзини қўлга олиш, қизишиб кетмаслик учун Мартинов папирос чекди ва жим туриб қолди.

— Албатта, «Власть Советов»да ҳосил бошқа колхозлардагига қараганда анча яхши. Лекин барибир улар ҳам тўққизинчи группага етказолмайдилар. Ўрим-йиғимни ҳам яхши, озода, нобудгарчиликсиз эплаб олдилар. Иккита пайкалдаги кузги буғдой билан арпани дўл уриб кетган экан, бунда уларнинг айби йўқ. Нега энди уларга тўқ-

қизинчи группа ёзилади? Яна ўтиб кетган число билан! Опенкин колхозчиларга нима жавоб қилади?

— Нима жавоб қилса, қила берсин. Бизга ғалла керак. Нега сен унга ачинасан? Пихи қайрилган одам, эплаб кетади!

— Биламан, колхозчиларни кўндиради, улар ҳам ғаллани олиб бориб топширадилар. Лекин бунинг сабаби ўз ҳолича қолади. Биз улардан хўжасизлик ва тажрибасизлик ҳукм сураётган колхозлар учун ғалла оляпмиз.

Райиждроком раиси Иван Фомич Руденко кириб келди. Райсовет жойлашган қўшни ҳовлидан чопиб ўтиб қўя қолгани учун бошланг, эғнида фақат гимнастерка бор эди.

— Салом, Виктор Семенич! Хуш келибсан! Деразадан қарасам таниш одам зинадан чиқиб кетяпти. Ўйин-кулгини чала қилдингми?

— Салом, Фомич! Ҳа, шундай бўлди.

Руденко Борзовнинг хафахол, тумтайган башарасига, папиросни жаҳл билан тишлаётган Мартиновга қаради.

— Ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ, зардалашиб қолдиларингми? Эҳтимол халакит берганди-ман?

— Йўқ,— Борзов ўрнидан туриб, Руденкога боқмасдан, унга стул суриб қўйди.— Ўтир. Хўш, Мартинов давом этчи.

— Нимани давом этаман!— Мартинов чекиб бўлган папиросини кулдонга босиб ўчириб, ўрнидан турди.— Бюро аъзоси сифатида қарши овоз бераман,— у Руденкога мурожаат қилди:

— Опенкинга ва бошқа планни бажарганларга тўққизинчи группа беришни таклиф қияпти.

— Йўғ-э? — Руденко мужмаллик билан овозини чўзди.— Буни ўйлаб кўриш керак...

— Ҳалол ишлаган колхозларда ҳам, иши қўл учидан битган колхозларда ҳам меҳнат кунига баббаравар ғалла қолсинмиш!... Мамлакатга ғалла кераклигини мен ҳам биламан, Виктор Семенич,— деб давом этди Мартинов.— Районнинг планини ҳам бажаришимиз шарт! Лекин бажаришда бажариш бор. Ҳамма ўз аравасини ўзи тортсин. Нарироққа бориб, баъзи бир жойларда ғалладан пича танқислик ҳам бўлади. Аммо кишилар тушуна бошлашади, советларча ҳаққоният шундай бўлар экан, деб тақдирга тан беришади. Агитаторларимиз ҳам халқ билан сўзлашганда: «Нимаики ишлаб топган бўлсангиз, шуни оласиз» десалар, тиллари узун бўлади. Майли «Власть

Советов»да одамлар уч ҳисса ортиқ ғалла олсинлар! Сиёсатни мана шунга асослаб қуриш керак! Бу — бир хил бажариш. Яна шундай қилиб ҳам бажариш мумкинки, кейин... — Мартинов қўл силтади, кабинет бўйлаб юра бошлади.

— Рост, Виктор Семенич, тагин қош қўяман деб, кўз чиқариб қўймайлик, — деди Руденко.

Борзов яна жойига ўтирди.

— Хўп, уларга қўл тегизмай, бошқа колхозлардан қанча ғалла ундира олишимизни ҳисоблаб кўрайлик-чи. — Колхозларнинг номи ёзилган биринчи графа бўйлаб бармоғини югуртирди. — Қайсисини олайлик? Хўш, мана «Рассвет». Шу топда унинг қанча янчиб қўйилган ғалласи бор?

— Ҳеч нарсаси йўқ, — жавоб берди Мартинов. — Ёмғир ёққангача яхши топшира ётган эдилар. Кунлик кўтарилаётган хирмонни кунда тўла етказиб беришаётган эди. Ҳозир ғаллани ўриб, ғарамга босиб қўйишган. Яна ўн процент ҳосил ўриб олинмаган.

— Уларнинг ишини МТС кейинга сурди, — деб қўшиб қўйди Руденко. — Ёш комбайнчиларни берибди, ҳаммаси курсантлар, ишлашидан кўра тўхтаб туриши кўп бўлди.

— Хўп, демак, «Рассвет»да ҳозир ғалла йўқ. Дон топшириш уларда...

— Олтимиш икки процент, — деди Руденко.

— «Красный пахарь»да қандай?

— Унда ҳам аҳвол шу.

— «Наш путь»дачи?

— У ерда бундан ҳам баттар, — Мартинов стол ёнига келди. — Ўттиз процентча ернинг ҳосили ўриб олинмаган; ўриб олингани ҳам ғарам қилинмаган... Уларда раис ҳам йўқ, — жим тургач, қўшиб қўйди. — Энг судралган колхозга энг ишончсиз кишини юборибмиз. Промкомбинатда ишнинг абжағини чиқаргани учун жазосини тортсин, деми, билмайман?..

— Хўп... «Вторая пятилетка»да-чи?

— Уларда янчилган ғалла кўп, — деди Руденко. — Аммо далада уюлиб ётибди. Қуришиш керак.

— Хўш, нега энди ҳаққоният, сиёсат тўғрисида сафсата сотиб, менинг бошимни айлантирасиз? — Борзов столга кафти билан урди. — Ҳозир, шу топда машинага ортиб элеваторга олиб чиқса бўладиган ғалла қаерда бор?

— Бундоқ бир қарачи, шу топнинг ўзида машина билан ғалла ташиб бўладими? — деди Мартинов деразага имо қилиб. Ташқарида ёмғир челақдан қўйгандек ёғарди.

— Ёмғир тўхтаса,— бир кунда ҳамма ёқ қуриб қолади. Қаерда ғалла бор? Бирлари «бажариб қўйишибди», қўлни ювиб қўлтиққа уришибди, районнинг сводкаси уларга тўрт пул, иккинчиларида бўлса, янчиб қўйилган ғалла йўқ. Биз у ерда ҳаққоният ўрнатгунимизча, обком кутиб туради деб ўйлайсизларми? Шу бешкунликда сил-жиш қида оламизми? Сводкада нимани кўрсатамиз? Си-ё-сатдонлар!..

— Агар мажбуриятлар сиёсатсиз бажарила берадиган бўлса, райком секретарларининг ҳам кераги йўқ. Бу ишни агентларга топшириб қўйилса ҳам бўла беради,— жавоб қилди Мартинов.

— Кўриб турибманки,— деди Борзов,— шу кунларда районнинг дон топширишига асосий ғов бўлаётган киши сен экансан, ўртоқ Мартинов. Ўзингни бир чеккага чиқариб олиб, бошқаларни ҳам ишдан совутяпсан. «Бажариб қўйдилар!» Партия ташкилотини пароканда қил-япсан.

Руденко ўтирган ерида бир қимирлаб:

— Энди, жуда ҳаддингдан ошдинг, Виктор Семенич,— деди ва қовоғини солиб олди.

Мартинов ўтириб, қўли билан сочларини ўйнай бошлади. Борзовга тикилиб қараганича стулнинг суяничиғига ўзини ташлади. Қорача юзи бўзариб кетди. Лекин бир нарсга дейишга улгуролмади. Борзов қўнғироқ чалди — кабинетга секретарь ёрдамчиси, малла соч ёш йигит Са-ша Трубицин кирди.

— Келдингизми, Виктор Семенич?!

— Ҳа, келдим. Салом. Ўтир, ёз... «Барча МТС директорларига, колхоз раисларига, колхоз бошланғич партия ташкилотларининг секретарларига... Районнинг ўрим-йиғимда ва дон топшириш планини бажаришда ҳаддан ташқари орқада қолаётганига фақат Сизнинг жинояткорона бепарволигингиз ва давлат манфаатларини бутунлай унутиб қўйганингиз сабаб бўлмоқда...» Ёздингми? «Шахсан сизнинг масъулиятингизга ҳавола қилинадики, ушбу телефонограммани олиш билан, дарҳол ҳамма комбайнлар ва оддий асбоблар ишга солиб юборилсин...» Ёздингми? «Молотилкаларнинг кечаю кундуз ишлаши таъминлансин... Дон топшириш бўйича кунлик топшириқ-

ларнинг бажарилиши сўзсиз таъминлансин, яқин икки-уч кун ичида ўтган бешкунликдан қолган қарз тугатилсин... Мавжуд барча авто ва от-арава транспортини галла ташишга сафарбар қилинсин... Бажармаганингиз тақдирда қаттиқ партиявий ва давлат масъулиятига тортилажак-сиз...» Имзо — Борзов.— Руденкога кўз қирини ташлаб қўйди: — ва Руденко.

Руденко қўл силтади:

— Қотиривор-е!..

— Трубицин, бу телефонограмманинг бир нусхасини сақлаб қўй,— деди Мартинов.— Эҳтимол бир замонлар келиб, бизнинг асарлар тўпламимизни нашр қилишар.

Саша Трубицин останада тўхтаб, Мартиновга ҳайрон бўлиб қаради.

— Бор, кўчира бер,— деди Борзов.— Шундай қилгинки, бир соат ичида ҳамма колхозларга бориб етсин.

Трубицин чиқиб кетди.

— Виждонингни оқлаш учун шундай «молния»ни юборяпсанми?— сўради Мартинов.— Ҳар ҳолда фалон-писмадон ишларни қилдик, қоғозлар ёздик, бир қолип-даги телефонограммалар юбордик, дейишга осон бўлади-да.

— Бўлмаса сен бирор янгироқ гап ёз. Адабиётчига осон-ку бу нарсa,— деб жавоб берди Борзов сохта хотиржамлик билан ва Руденкога ўгирилди, у билан гапиришмоқчи бўлди, Руденкодaн алланарса тўғрисида сўраган эди, у жавоб бермасдан бармоғи билан Мартиновни кўрсатди:

— Йўқ, Виктор Семенич, сен унинг гапига қулоқ солчи, унда қандай таклиф бор экан.

— Ҳўш, қандай таклифинг бор?

— Менинг таклифимми...—Мартинов стулини Борзов томон сурди.— Ёмғир савалаб турганда, ўрмонда ёғоч кесиб бўладими? Бўлади. Айвонларнинг устини похол билан ёпса бўладими? Бўлади. Ёмғир ёқангдан кириб, ичингга ўтиб ғашингга тегиб туради-ю, лекин қилса бўлади. Фронтда кўприкларни ёмғирнинг тагида ҳам, ўт остида ҳам қурган эдик. Одамни ҳар қандай шароитда ишлашга кўндириш мумкин, аммо машинани кўндирилмайсан. Ҳозир мана шунга зўр бериш керак!

Бири иккинчисига ҳалал бермайди,— деди Борзов.

— Йўқ, ҳалал беради! Биз колхоз раисининг бошини бўлган-бўлмаган нарсалар билан гангитиб қўямиз-да,

кейин фойдали маслаҳатлар ҳам унинг бир қулоғидан кириб, иккинчи қулоғидан чиқиб кетади. «Ҳамма қомбайнлар ишга солинсин». Ахир бундай телефонограммалар беҳуда сафсата-ку! — Мартинов ниҳоят қайнаб кетди. — Ундай бўлса, ҳамма ишни бирданига буюра бер ёғингарчиликка қарамай кузги экинлар экишни ҳам, шудгор қилишни ҳам!

— Биз обкомдан шундай телеграммалар олмаймизми? Баъзан телефон қоқиб: «Нега экмаяпсизлар?» — деб сўрашмайдими? Далаларимизда бўлса тизза барава-ри қор.

— Область катта. Бир жойида тизза баравари қор бўлса, иккинчи бир жойида иссиқ. Яна бир жойида ёмғир, иккинчи бир жойида қурғоқчилик. Биздачи, бизда ҳамма нарса кўз ўнгимизда... Биласанми, Виктор Семенич, ғаллакорлар директивларимизнинг нимасига тоқат қилиша олмайди? Ундаги аҳмоқона гапларга. Ахир, улар ҳам фойда билан зарарнинг фарқини сен билан бизчалик билади-да!

Борзов анчагача жим бўлиб қолди. Ниҳоят гапира бошлаганида, овозига бир оз самимийлик оҳанги бериш учун анча қийналди.

— Чин дилимдан, Пётр Илларионич, сенга шундай маслаҳат бераман: обкомга бор, мендан арз қил, устимдан нимаики гапирсанг гапир, аммо, биз бирга ишлай олмаймиз, дегин. Майли сени бошқа районга ўтказишсин. Шахсан мен сени биринчи секретарликка юборишларини тавсия этаман. Бизнинг обкомда ўзи шундай қилиш одат бўлиб қолган. Агар бирон ерда иккинчи биринчи билан муроса қилолмаса, ўзи иш боши бўлишни ҳавас қилса, ғайратли йигитга ўхшаб кўринса, уни дарров бошқа районга биринчи секретарь қилиб юборишади, қани, акаси, мустақил ишлай оласанми-йўқми, ўзингни кўрсатчи, деб синашади... Бор, гапиришиб кўр. Қачон хоҳласанг, менга деса шу бугуноқ боргин. Сенга эҳтимол кўшни районлардан бирини беришар. Мусобақалашамиз. Раҳбарлик қилиб кўр! Сен мана шу деҳқонча ҳаққониятнинг билан, мен эса пролетарчасига.

— Туф! — ўзини тута олмади Руденко. — Нималарни вайсаяпсан? Пролетарчасига, деҳқончасига! Бунақангги ибораларнинг ўзи йўқ. Большевикчасига раҳбарлик қилиш керак!

— Бу районнинг колхозлари, одамлари билан си-

нашта бўлиб қолдим,— деди Мартинов,— бошқа районга ўтишни истамайман, ундан ташқари иш боши бўлишга талабгор эмасман. Гапимга тушунмабсан, Виктор Семенич. Иккинчи секретарликда ҳам менга иш етиб ортади. Лекин мен Молчалин эмасманки, тозушимни ичимга ютиб юрсам.— Урнидан туриб, кепкасини кийди.— Юр овқатланамиз. Соғлом танда — соғлом руҳ. Боя Марья Сергеевна келган эди, телеграммангни олибди... овқат тайёрлаб тураман деган эди. Мен соат тўққизга бюро мажлисини чақирган эдим. Бекор қилмайсанми?

— Йўқ, нега,— деди Борзов.— Бюрони ўтказиш керак. Ишни бошлаб юборамиз.— Ёрдамчисига телефон қилди: — бюрога колхозларга биркитилган ҳамма вакиллар ҳам чақирилсин.

... Мажлис қизгин ўтди. Бюро аъзоларининг бир қисми кўпгина масалалар бўйича Мартиновни, бир қисми эса Борзовни қувватлади. Ҳар ҳолда мажбуриятини бажарган колхозларни юқори гурпуага ўтказишни комиссияга тавсия қилишмади. Об-ҳавонинг қандай бўлиши ва бошқа колхозларда ғалла янчишнинг боришига қараб кутиб туришга қарор беришди.

Ярим кечадан ошганда тарқалишди. Ёмғир роса қуяётган эди. Мартинов билан Руденко катта кўчадан то муюшгача бирга кетишди.

— Бугун шу қадар баджаҳлсанки, асти қўябер,— деди Руденко.— Унга сира бўш келмадинг. Ростини айтсам, ўрталарингда қандайдир яккама-якка жанг, дуэлга ўхшаш бир нарсa бўляпти.

— Бир ой ичида характерини эсимдан чиқариб қўяёзиман,— деди Мартинов.

— У, Илларионич, жонини жабборга бериб бўлса ҳам, ўзи қайтиб келган биринчи ҳафтанинг ичидaёқ сенинг вақтингдагига қараганда икки ҳисса кўп дон топирилишига эришмоқчи. Обкомдагилар сводкани таққослаб кўришиб: Мартинов қанчадан ғалла берган эди-ю қаранг, Борзов қанча берди! — деб айтсинлар дейди-да! Санаторияга ҳам «қандай қилиб обком бирданига ўрим-йиғим арафасида менга даволаниш учун рухсат берди? Ё менга нисбатан Мартиновга ишонч кўпроқми?» деган ҳаёллар билан анча хавотирда кетган эди.

Муюшга етганда Руденко чапга қайрилиб, тор кўчага кириб кетди. У қоронғуда кўлмакка ботиб кетар, калошига лой тўлар, ўз-ўзича сўкиниб «мартабаси баланд бўлгани билан ҳамманинг ҳам ақли баланд бўла бERMас экан» деб гудурлаб кўяр эди... Мартинов катта кўчадан тўғри уйига кетди. У ҳам сирганиб-тирганиб баъзан йўлнинг ўйдим-чуқур жойларида кўлмакка кириб кетар: «қанчадан қанча вақтимизни, кучимизни бўлмағур мунозараларга сарфляпмиз, шунини ишга сарф қилсак-ку — қанча иш битиб кетарди! Гап десанг қоп-қоп, иш десанг ола тоғдан топ!» — деб жаҳли чиқиб борарди.

Мартинов эрта тонгда от миниб, «Красний пахарь» колхозига жўнади. Бу колхоз қолоқлар ичида энг йиринги эди. Мартинов бу ерда икки кун турди. Коммунистларни, фронтовикларни тўплади. «Ёгингарчилик натижасида йўллар кўринмай кетганида станокли пулемётларни ўзимиз кўтариб олган, тўпларни, тортишда отларга ёрдамлашган эдикку» деб оғир кунларни фронтовикларга эслатди. Янги идора қуриш учун тайёрлаб қўйилган гишт ва ёғочни дон сушилмаси ва бостирма хирмон учун ишлатишга маслаҳат берди. Ҳамма бригадалар далага чиқди, баъзилари замбилда сомон, баъзилари дон ташишди. Ғарамдаги ғаллани янчиш учун молотилкаларнинг устига бостирма солишга киришилган ҳам эдики, иккинчи куни кечқурунга бориб ёмғир тинди-қолди. Кечаси ҳам ёмғир бўлмади. Эрталаб қуёш кўринди, шарқдан совуқ шамол эса бошлади. Анчагача ҳаво очиқ бўлди.

Районда ўрим-йиғим ва бошқа дала ишлари унча-мунча изга тушиб олди. Йўллар қуриб яна буғдой ортилган автомашиналарнинг колонналари тизилиб ўта бошлади. Колхозлар Борзов келган биринчи бешкуликда, у келгунга қадар бўлган ёмғирли кунлардагига нисбатан кўпроқ ғалла топширдилар. Район дон топшириш планини энг илғор районлар қаторида бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда, бажарди.

Бир куни Марья Сергеевна Борзова Мартиновдан сўраб қолди:

— Нега бизникига кирмай қўйдинг, Пётр Илларионич? Кечқурунлари кел.

— Раҳмат,— деб ташаккур билдирди Мартинов бир оз ҳайратланиб. Борзовлар кўпдан уни меҳмонга таклиф

қилишмаган эди. — Кечқурунлари бўш вақтимиз деярлик бўлмайди.

— Рост, бир киргин. Гапиришиб ўтирамин. Нима, иккалаларинг ҳадеб уришиб-тортишаверасизларми?

Мартинов киришга ваъда берди, лекин ўз ваъдасини бажаришга шошилмади. «Дастурхон тепасида бизни яраштириб қўймоқчимикин?» деб ўйлади у.

Шу орада Борзовни обкомга биринчи секретарларнинг ўнкунлик семинарига чақириб қолишди. Шунда Марья Сергеевна Мартиновга телефон қилди:

— Бугун шанба, Пётр Илларионич, ишни эртaroқ туғатишга рухсат этилади. Кечқурун мажлисинг йўқми? Колхозга бормайсанми? Ваъданг эсингдадир? Бўлмаса, кел, кутаман,—деди.

Марья Сергеевна уни яхшигина кийиниб кутиб олди. У «ҳадеб уйга таклиф қила беришимдан Мартинов мени нима деб ўйлар экан» деган хаёл билан бир оз хижолат тортгандек кўринар эди. Марья Сергеевнанинг шоҳи блузкасида Ленин ордени ярқираб турарди.

— Шаҳарчамиз шунақаки,—деди у буфет ёнида идиш-товоқларни шарақлатиб юбориб,—унинг бир чеккасида туриб чучкурсанг, нариги чеккасида: «Соғ бўлинг!» деганларини эшитасан. Мартинов, Борзовнинг эри уйда йўқлигида, уникага чойхўрлик қилгани кирди, деб эртага ҳамма ёққа гап тарқатиб юборишади. Мен эса, бундай гапларга сира парво қилмайман!

Марья Сергеевна дастурхон тузагунча, Мартинов ҳамма хоналарни айланиб чиқди. У ўтган йили, янги келган вақтида бу уйга икки марта келган эди. Болалар хонасида Борзовнинг онаси болаларга эртaк айтарди. Борзовларнинг иккита ёш боласи: олти яшар ўғли ва тўрт яшар қизи бор. Катта қизлари Нина уйда йўқ — кинога ёки дугоналариникига кетган бўлса керак. Залдаги пианино тепасида катта сибирь мушуги ухлаб ётибди. Ҳамма хоналарнинг деворига чуғурчуқ, майна, саъва солинган қафаслар осиб қўйилган. Овчарка ва ирланд сеттери зотидан бўлган икки ит панжаси билан полни тарақлатиб Мартиновнинг орқасидан юрарди. Ошхонанинг бурчагида ёстиқча тепасида кичкина типратикон думалоқланиб ётарди. Афтидан, Борзов қуш ва жониворларни яхши кўрса керак.

— Марья Сергеевна, орденни нима учун олгансан? — деб сўради Мартинов, диванга ўтирар экан.— Баъзан

кўкрагингда кўриб қоламан, кўпдан сўрамоқчи эдим. Партизанлик қилганмисан?

— Йўқ, партизанлик қилмаганман. Урушдан олдин эди...— Марья Сергеевна хўрсиниб қўйди.— Орденни тракторда яхши ишлаганим учун беришган.

— Шунақами? Сен тракторчимидинг?

— Эссиз, энди фамилиям ҳам одамларнинг эсидан чиқиб кетган!

— Борзовами?..

— Йўқ, Борзова эмас. Қизлигимдаги фамилиям Громова эди.

— Громова?.. Шунақами! Хўп, кечир, билмабман. Қизликдаги фамилиянгни мен қаёқдан билай?.. Паша Ангелина билан мусобақалашган Маша Громова менман дегин? Портретларингиз «Правда»да ёнма-ён босилган эди-а? Ўша сенмисан ҳали!

— Ҳа, ўша Маша Громоваман... Аслим Ростов обла-
стидан.

— Эсимда, Ростов областидан.

— Дон казаклариданмиз... Борзов ҳам ўша ерда ишлаган эди, бизнинг районимизда, райком комсомолнинг биринчи секретари бўлиб ишларди. Ўттиз саккизинчи йилда танишганмиз. Мен унинг иккинчи хотиниман, биринчиси ўлган. Нина ўша ўлган хотинидан... Қани, столга яқинроқ ўтир... Ўзингчи, Пётр Илларионич, қайси юртдансан? Илгари нима иш қилардинг?

— Биографиямнинг фахрланадиган жойи йўқ. Иши ўнгидан келмаган ёзувчиман,— Мартинов хийла очилиб ҳикоя қила бошлади,— бундан ўн икки йилча бурун битта очерк ёзгандим, «Комсомольская правда»да босиб чиқаришди. Ана шундан кейин адабиётга мубтало бўлиб қолдим. Романларга икки центнерча қоғоз исроф қилдим — лекин бирон тузукроқ нарсачиқмади. Кейин газетачи бўлиб кетдим. Кўп жойларни кезиб чиқдим, махсус мухбир бўлиб ишладим. Сизларга келишимдан олдинги охириги йили Н. областида район газетасининг редактори эдим. У ерда ҳам ёзишни қўймадим. Редакциядан жавоб кутаётганимни ўғилчам ҳам биларди. Бир куни югуриб келиб: «Дада, тезроқ уйга бор, сенга катта хат олиб келишди!»— деди. «Э, роса суюнтирдинг-ку, ўғлим!»— дедим ичимда. Кичикроқ бўлгани яхши эди. Катта бўлса, демак, қўлёзма қайтиб келибди». Катта раҳмат, барака топкур, бир танқидчи софдиллик билан тўппа-тўғри ёзиб-

ди: «Роман ёзиш, чамамда, сизнинг қўлингиздан келмай-
диганга ўхшайди. Ўзингизга бошқа бир ихтисос танланг,
ўртоқ», дебди. Мана бошқа иш танладим. Мақсадимиз
бўлса, ҳаммамизники ҳам бир. Ўзим танлаганим йўқ,
партиявий ишга ўтишни таклиф қилишди, розилик бер-
дим. — Мартинов кулиб қўйди. — Райком секретарларини
газеталарда кўп танқид қилган, сўккан эдим. Қани, ўзим
қандай бўлар эканман!..

— Сир бой бермайману, — деди Марья Сергеевна бир
оз жим қолгач, — лекин ўша ишимни ташлаганимга, кол-
хоздан кетиб қолганимга баъзан ачинаман, ўзимни-ўзим
койийман. Ҳали ҳам Паша Ангелина билан мусобақалаш-
ган бўлардим!.. Ким билади, ҳозир қайси биримизни кўп-
роқ ёзган бўлардилар! Борзовга турмушга чиққач, трак-
торда яна бир йилча ишладим, сўнгга ташладим. У мени
бекордан-бекорга бригадиримиздан қизғонар эди. Аёллар
бригадасига шунақангги вазмин ақлли йигитни бригадир
қилиб тайинлашган эдики, нимасини айтасан, елкасига
миниб олсанг ҳам, гинг демай тура берарди. Лекин чи-
ройлик, келишган йигит эди. Қизлар унга суқланиб қара-
шарди. Аммо директор уни жуда қаттиқ огоҳлантириб
қўйган эди! Саҳар пайтида уйга келсам — мотоцикл ми-
нар эдим — уйда тергов бошланарди: «Кечаси ким би-
лан бўлдинг? Сен ахир, кечқуруноқ смена топиширинг
керак эди-ку» — дерди, «натик»им билан — дердим. «Ше-
ригим бегоб бўлиб қолди, унинг ўрнига ишлашга тўғри
келди», дердим. Эрталаб, ҳақиқатан ҳам, ўтган кеча ше-
ригим ишладими ёки йўқми деб аниқлагани МТСга бо-
рарди... Кейин уй солиб олдик, рўзғор ишлари... Дам
олиш учун уйга келганда унга асойишталик, ўнғайлик
керак... Ана шунақа. Маша Громованинг шуҳрати узоққа
бормади. Бу ерга келгандан кейин менга бирон иш бер-
гин, деб ёлвориб сўрай бошладим. Мана шу конторага
директор қилиб юборишди. Роса резаворчини топишди-
да! Мен бу уруғликларнинг нима эканлигини тушуна-
манми! Онамнинг уйида ҳам карам кўчат ўтқазган
эмасман. Ўсиб-улғайдим, қиз болалигимданок машина-
га ўтирдим, техникани билдим, холос... Хўп, ўтган ишга
салавот. Энди менинг юзимга қизил бўёқ ўрнига автол
суртиб юрадиган вақтим ўтиб кетди, — деб кулги аралаш
қўшиб қўйди, Марья Сергеевна. — Искирт бўлиб олсам,
эрим кўнгилсиз бўлиб қолади. — Столни кўздан кечириб
чиқди.

— Яна нима қўймадим? Нон йўқ-ку. Чой дамлаш ҳам эсимдан чиқибди. Хўжайкаликни ҳам роса ўрнига қўйибмизу!

— Кечир, гапингни бўлдим, ўзинг тўғрингда гапириб бўлганинг йўқ эди,— деди Марья Сергеевна ошхонадан қайтиб келгач.

— Менда гапириб тугатадиган ҳеч нарса қолгани ҳам йўқ... Газетадан тўппа-тўғри шу ерга келдим. Тақсимот бўйича. Бизнинг областимиз илғор. Биздан ҳаммаси бўлиб неча киши олишгани эсимда йўқ, лекин мен ишлаган райондан икки киши — мен билан яна бир йигитни олишди. У райком инструктори эди. Бу ерга нима вазифага келганини билолмадим. Бир хил ўртоқлар хайрлаша туриб: «Сендан ажрагимиз келмаяпти, лекин на чора — энг яхши кадрларни қолоқ область учун танлаб олиш тўғрисида буйруқ берилган», дейишди. Баъзилари эса: «Сендан қутулиш учун жўнатишяпти, Мартинов, газетангга танқидни ҳаддан ташқари кучайтириб юбординг, конференцияларда ҳам кескин гапирдинг», деб айтишди... Лекин, умуман бу ерга келганимга афсусланмайман. Ҳамма ерда ҳаёт, одамлар...

— Сенга Борзов билан ишлаш қийин-да.

— Қийин...

Марья Сергеевна Мартиновнинг рўпарасига ўтирди.

— Сени нега чақирганимни биласанми?— унинг ажин туша бошлаган мулоим, сепкилли, қувноқ юзи жиддийлашди. — Ўша райкомда бошлаган гапимизни давом этдириш учун... Ол, еб ўтир, Пётр Илларионич.— Унинг олдига пишлоқ, салат солинган тарелкани, нонни суриб қўйди.

— Сенга қайсисидан қуяй? Мен Дон бўйида ўсганман, соҳибкорлар ўлкасиданман, биз винони яхши кўрамиз.

— Барибир. Ўзинг қайсидан ичсанг, ўшанисидан қуя бер.

Марья Сергеевна иккита қадаҳга оқ вино қўйди.

— Менга тушунтириб берчи, Виктор Семенич билан ораларингда нима бўляпти?

Мартинов дарров жавоб бермади.

— Бу жуда узун гап, Марья Сергеевна... Ўзинг пленумларда, партактив йиғилишларида бўласан-ку.

— У менга: Мартинов амалга интиляпти, ташкилотда обрў ортдириш учун курашяпти, мени суриб чиқариб юбормоқчи, дейди.

— Шунга ишонасанми?

— Йўқ, ишонмайман.

— Чакки қиласан,—Мартинов жилмайди.— Мен партиявий иш унинг касби эмас деб ҳисоблайман. Обкомда ҳам бунга ишботлаб беришга ҳаракат қиламан.

— Шунақама...

— Менинг обрў ортдириш учун курашаётганим, амалга интилаётганимга келсак, бу — бемаъни гап. Эҳтимол, бу ерга бошқа ўртоқни биринчи секретарликка тавсия қилишар. Нега энди иккинчи бўлиб ишламасканман? Иш билармон одам билан ишлашни, ундан ўрганишни жуда-жуда хоҳлар эдим. Аммо Борзовда ўрганишга арзийдиган ҳеч нарсаси йўқ. Хафа бўлма, Марья Сергеевна...

Мартинов винодан бир хўшлаб қўйди.

— Ўттиз саккизинчи йилда турмуш қурганмидинглар?

— Йўқ. Ўттиз саккизинчида танишиб, ўттиз тўққизинчи йили турмуш қурганмиз... У билан ўн иккинчи йил бирга яшайпман.

— Дондан бу ерга қачон кўчиб келгансизлар?

— Борзов уруш йиллари шу атрофларда жанг қилган. Полк командирининг сиёсий қисм бўйича ўринбосари бўлиб хизмат қилган эди. Область озод қилингандан кейин уни шу ерда қолдиришди... Биз келганимиздан бери шу билан учинчи районда ишлаши. Ҳаммаси ҳам шунақангиги — ўрта даражадаги районлар. Улардан биронтаси ҳам илғор бўлолгани йўқ.

— Демак, ўша районларда ҳам унинг оёғидан тортиб турадиган юк — қолақ колхозлар бор экан-да. Бундай юк билан баланд парвоз қила олмайсан.. Менга айтчи, Марья Сергеевна, сен асли нима қилмоқчисан? Бизни яраштириб қўймоқчимисан? Ахир, биз у билан уришганимиз, бозорда гап таллашиб қолганимиз йўқ.

— Йўқ, сизларни мурасага келтириб бўлмаслигини кўриб турибман. Фақат, асли нима тўғрида тортишаётганликларингни билиб олмоқчиман, холос.

— Хўп, майли... Агар сен собиқ Маша Громова бўлмаганимга эди, ҳамма айтадиган нарсамни гапириб ўтирмаган бўлардим. Аммо сен қишлоқни фақат сутфуруш аёллар орқали биладиган хонимлардан эмассан. Ўзинг колхоздан чиққансан.

— Ана холос! — кулиб юборди Марья Сергеевна, — зап хонимни топдинг-ку! Мени трактор ремонтининг сифатини текширадиган комиссия қилиб тайинлагин, деб

Виктор Семеничга неча марта айтганман. Мен қабул қилиб олган трактор мавсумда минг гектар ерни шудгор қилиб бермаса, отимни бошқа қўяман!

— Гап сенинг машиналарни ва қишлоқ хўжалигини билишингдагина эмас, ўйлайманки, булар сен учун азиз ва яқин нарсалар...

— Менинг бутун уруғ-аймоғим колхозда яшайди. Онам ҳам, бувим ҳам, иккита иним, учта синглим ҳам ўша ерда... Районимиздаги колхозчилар ҳозиргача ҳам менга хат ёзишиб туришади. Бутун қувончлари ва қайғуларини баҳам кўришади.

— Орқаворатдан унинг тўғрисида гап юритаётганимиз,— деб давом этди Мартинов, анча жимликдан кейин,— бир оз яхши бўлмаяпти, лекин бу гапларни унинг ўзига ҳам гапира бераман. Гапирганман ҳам. Агар бугунги оқшом учун сенга у-бу дейдиган бўлса, ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб беришинг мумкин... У билан бирга яшаб, уни яхши билиб олганингдан кейин миянгга шу нарса келмадими: мана у, шудгор қилинглар, дон топширинглар, турли-туман планларни бажаринглар, деб ўзини ҳар ёққа уради, тиқилинч қилади, шунда у мамлакатга ғалла кераклиги ва жуда кўп кераклигини, эртага ҳам кун бору — ғалла бизга келгусида ҳам зарурлигини, агар бирор колхозда шудгор қилинмай қолса, баҳорга чиқиб у ердагилар танг аҳволга тушиб қолишини, бизнинг барча сводка ва рақамларимиз замирида кишиларнинг яхши ёки ёмон турмуши ётганлигини юрак-юраги билан ҳис қиладими? Балки, у фақат ўзи тўғрисида ўйлар? Яъни, фалон-фалон нарсалар бажарилмадими, демак районим ёмон районлар, ўзим эса ёмон секретарлар қаторига тушиб қоламан, деб қўрқар. Ахир, обрўйимга доғ тушади, деб ҳадиксирар.

— Ваҳимали нарсаларни гапиряпсан, Пётр Илларионич,— деди ўйланиб қолган Марья Сергеевна.

— Ўзинг қақирдинг, бу гапларни ўзинг бошладинг, энди қулоқ сол. Ўртамизда нима бўляпти, нима тўғрисида баҳслашяпмиз? Менимча, энг асосий нарса тўғрисида.. Нега районимиз ўртача район? Нега биздаги ҳамма колхозлар ўртача колхозлар? Шундай бўлгандаку — майли эди-я! Йўқ. Районда жуда бой, мустаҳкам колхозлар ҳам бор, заифлари ҳам бор. Биз мана шу иккаласини қўшиб ўртача сон чиқарамиз. Ўйлайманки, бунақангги хилма-хиллик илгари ҳам бўлмаган.

Албатта ҳар бир қишлоқда камбағаллар, ўрта ҳол деҳқонлар, кулаклар бўлган — одамлар ҳар хил яшаганлар, лекин бир волостдаги қишлоқлар ўртасида ҳозирдақангги тафовут бўлмаган! Бир колхознинг даромади уч миллиону, ёнгинасидаги бошқа бириники уч юз минг. Ерлари баббаравар ва бир хил, бир хил иқлимда яшашади, битта қуёшдан нур олишади, битта МТС машина беради-ю, яна шунақангги тафовут бўлса! Ахир, қачон бунинг сабабини топамизу, бунақангги хилма-хилликка барҳам берамиз? Колхозлар тузганимиздан бери озмунча вақт ўтгани йўқ. Уруш бўлди, оккупация, вайронагарчиликлар юз берди,—лекин урушнинг тугаганига ҳам анча бўлиб қолди... «Қолоқ колхоз» деганларида Виктор Семеничга ёқмайди, «Орқада қолган» деб тузатади. Бу вақтида даволанмаган касаллик эмас, вақтинчали ҳодиса эмиш, бугунча орқада қолган бўлса эртага етиб олар эмиш. Лекин биз таъбирни аниқ қилиб айтганимиз билан роса қирқ учинчи йилдан бери «орқада қолган» колхозлардаги кишиларга енгил бўлармиди?

Хўш, биз қолоқ колхозларни қандай қилиб судраб чиқаряпмиз? Мана бундай қилиб — этакдан кесиб, енга улаяпмиз. Утган йили бешта колхозда янчилмаган ғалла ғарамларда қолиб кетди, «Власть Советов», «Труженик», «Победа» колхозлари эса буларнинг мажбуриятини бажардилар. Тагин — «қарз тариқасида» ва «келгуси йил ҳисобига» эмиш. Бир вақтлари бундай нарсаларни каллаварамлик деб атар эдилар. Бунақада илғор колхозларда ҳам ишнинг пачавасини чиқариб қўйиш мумкин. Энг яхши колхозчиларнинг қўли ишдан совуб кетади — нима, биз умр бўйи ялқовлар учун ишлаймизми?» дейишадиган бўлиб қолишади... Ҳечда, қолоқ колхозлардагилар ўзлари пиширган шўрванинг тамини охиригача татиб кўрсинлар. Ёмон ишладингларми ҳақни ҳам меҳнат кунингизга қараб ола беринглар. Қўшни «Власть Советов»да эса — беш килограммдан бериш керак!.. Кишилар ўз айбларини сезсинлар ва биз ҳам ўз хатоларимизни, ўз айбимизни тушуниб олишимиз керак. Мана шундай колхозларга чинакам раҳбарлар беришимиз керакми? Ахир, ҳаммаси ҳам раисларга боғлиқ! Агар колхоз бошлиқсиз бўлса ниҳоятда иш биларман, зўр вакиллар ҳам у ерда тартиб ўрнатолмайди. Райондаги ўттиз минг аҳолидан ўттизта яхши раис танлаб ололмаймизми?.. Ғалати бўляпти, Марья Сергеевна! — Мартинов бирданига стул суянчигига

суяниб кулиб юборди ва пахмайиб кетган сочларини қўли билан ўйнай бошлади. — Колхозларга вакиллар юборамиз — бунга бизда одамлар етади. Тўғри у ерда улар ойлаб, бутун ёз бўйи қолиб кетадилар. Уларсиз ҳам район марказида ҳаёт ўз йўлида, ҳамма конторалар ёзиб-чиза беради. Хўп, биз бир кишини вакил қилиб юборар эканмиз, демак, у ишни йўлга қўяди деб ишонамиз, уни раисга қараганда ақллироқ деб ҳисоблаймиз. Ундай бўлса, уни колхозда бутунлай қолдириб қўяберсак бўлмайдими? У бошлиқ бўлган контора усиз ҳам ишни бажараётган бўлса... Ростини айтсам, бу конторалар бизда шунақа кўпайиб кетганки, саноғига етолмайсан! Зигирпоя тайёрлаш контораси, унинг ёнгинасида каноп толаси тайёрлаш трести. Уларнинг иккаласини зигирдан ёки канопадан қилинган бирон чилвир билан қовуштириб қўйса бўлмайдими?.. Мана, айтяпман-ку, қишлоққа гастроль учун одам етишадди, лекин доимий ишга танлаб ололмаймиз. Баъзан колхозларга раислик учун шунақангги ўткинчини юборамизки, аслда уни колхознинг ёни-верига сира йўлатмаслик керак!

— Балки, Борзов кадрларни яхши билмас?

— Мана шундан бошлаш керак-да! Яхши одамларни кундуз кунни чироқ ёқиб бўлса ҳам излаш керак! Кадрларсиз оёғимиз осмонда бўлади!.. Жойларда, колхозларнинг ўзидан ахтариш керак. Олий ва ўрта маълумотли мутахассисларни раисликка юборилсин деб, шунчадан шунча янги йўл-йўриқ берилгани билан ҳеч ким бизга пастдан юқорига кўтариш тақиқлансин, деб айтгани йўқ!.. Қишда, колхозларимизда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтаётган вақтда, мен Борзовга шундай воқияни айтиб берган эдим, — деб давом этди Мартинов. — Бу Н. областида бир районда юз берган эди. У ерга область газетасида ишлаб юрганимда борган эдим. «Сеятель» деган энг қолоқ колхоз бор эди. Бу колхозни нима қилишларини билмай қолган эдилар. Колхозга ўнлаб раис келиб кетган бўлса ҳам, бирортаси ишни удалай олмаган. Одамлар ишга чиқмайди, ҳаммаси бозорда чайқовчилик қилади, ҳосил паст, меҳнат кунига тийинлар чиқади. Бир ҳовуч юлғич — муттаҳамлар иш бошига чиқиб олган. Янги одамни қўйишса, ё уни ўлгудай ичириб бирон қалбаки ишга тиқишади, ё шу даражага олиб бориб қўйишадики, у ҳамма нарсани ташлаб, бир неча кунлаб одамлардан беркиниб олади, раисни уйдан ҳам топиб бўлмайди,

идорадан ҳам, ҳамма нарсадан қўлини ювиб, қўлтиққа уриб билганингизча ишлай беринг, деб биронта ғарамнинг тагига кириб уйқуни уради!.. Навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишини ўтказиш учун «Сеятель»га вакил бориши керак. Райком секретари вакилга: «Уларга кимни тавсия қилишимни ҳам билмайман. Ўзимни ёки райижроком» раисини тавсия қилсаммикан? Бу колхозга раис бўлмаган шу иккаламизгина қолдик, холос. Синчиклаб қарачи, балки уларнинг ўзида бирон тузукроқ йигит бордир?» — деб айтади. Правлениенинг ҳисоботини эшитиб, раисни ишдан олишади, шундан кейин колхозчилар вакилдан: «Нега ҳеч кимни олиб келмадингиз? Ким учун овоз берамиз?» — деб сўрашади. Вакил: «Энди сизларга раис ташиб юрмаймиз. Колхоз сизларники, бу ерда сизлар яшайсизлар — маслаҳатлашиб, ўйлашиброқ ўзларингиздан сайланглар!» — деб айтади. «Бизда сайлайдиган одам йўқ!» деб бақаришади ва бирданига кимдандир садо чиқади: «Нега сайлайдиган одам йўқ экан? Ана Степан Горшок-чи. Унинг нимаси раисликка ярамайди?» Тўполон, кулги кўтарилади. «Степан Горшок сайлансин!», «Степан, тур, ўзингни халққа кўрсат!» Лекин ҳамма ҳам кула бермайди. Кўпгина колхозчилар жиддийлик билан таклиф қиладилар: «Степан Горшков сайлансин!» «Степан Горшков сайлансин!»

Степан олдинги скамейкада ўтирарди — оёғида эски чорик, шимининг бир почаси тиззасигача йиртилган, бошида милиция фуражкаси, — бир вақтлар шаҳарга кетиб қолиб, у ерда милицияда ишлаган, кейин яна колхозга қайтиб келган. Трактор бригадасида прицепщик бўлиб ишларди, жуда ишчан, меҳнат кунлари кўп, аммо колхозда уларнинг эвазига оладиган ҳеч нарса йўқ. Оила си — бемор хотини ва еттита боласи бор.

«Степан Горшков сайлансин!» деб бақаришади. «Горшок¹ бўлса ҳам шу бўлсин, макитра² бўлса ҳам!» Вакил эса колхозга правление мажлисидан икки кун олдин келган эди. У ҳам раисликка Горшковни кўз остига олиб қўйган экан. Вакил ишни табеллардан бошлайди. Кўрадики, Степаннинг меҳнат кунлари бошқа колхозчиларникидан икки ҳисса кўп. «Ўзи қанақа одам?» деб қизиқади. Унинг ҳақида башараси кўримсизлиги, шимининг йир-

¹ Горшок русча — хурмача.

² Макитра украинча — хурмача. Сўз ўйини бўляпти.

тиқлигидан ташқари ҳеч қандай ёмон сўз айтишмайди. Балки у, колхознинг иши туфайли бозорга бориб келиш учун сира вақт тополмагандир... Кулги, ҳазил-мutoйиба билан иш овоз беришга яқинлашади. Горшков сўз сўраб ўрнидан туради. «Ўртоқлар, ишонч билдирганингиз учун раҳмат, аммо ҳали вақт ўтмай туриб, овоз бермасдан илгари яхшироқ ўйлаб кўринглар. Тагин кейинчалик афсус еб юрманглар. Балки, баъзи бировларга ёмон бўлар», дейди-да, ўтиради. Ҳазилкашлар яна бақиривади: «Ёмон бўлмайди! Бундан баттар бўлиши қийин!» «Қани, овозга қўй!». Овозга қўйивади. Степан Горшковни колхоз раислигига сайлашади.

Эртасига Горшков раисдан ишни қабул қилиб олиш учун правлениега келади. Эгнида ўша кийим, оёғида чорик, фақат шимини ямаб олган. Собик раис ўзи ишни қандай қабул қилиб олган бўлса, шундай тезлик билан топшираман деб ўйлайди: «Мана сенга печать, мана печатнинг ёстиқчаси, ўтир, ишни бошлаб юбора бер». Степан: «Ревизия қилдирмасдан туриб олмайман» дейди. Унга: «ахир ҳисобот йиғилиши олдидан, ниҳоят уч кун илгари ревизия бўлган эди-ку!» — деб айтадилар. «Тўғри ревизия бўлди, аммо, ўғри-ўғрини текширди» деб туриб олади у. Райондан ревизорлар чақиради. Икки ҳафта ревизия бўлади. Омборлардаги ҳамма ғаллани, маҳсулотларни тортиб чиқади. Ўзи бухгалтериядаги ҳар бир қоғозни текшириб чиқади, уч йил илгариги делоларни ҳам варақлаб кўради, умуман ишни шундай қабул қиладики, собик правление ва ревизия комиссия аъзоларидан беш кишини 7-август қонуни бўйича турмага жўнатади. Кейин бригадирларни тўплаб: «Эшикма-эшик юриб, итларнинг жиғига тегиб, одамларни ишга судрашингиз бас, бўлди. Қимки бу йил нонсиз қолишни истамаса, сизнинг такаллуфингизсиз ҳам далага чиқади», дейди. Ҳар оилада ҳам янги раис ишни қандай қабул қилиб олгани, қандай қилиб муттаҳамларнинг адабини бергани тўғрисида гап-сўз кетади. Одамлар: «энди иш юришиб кетса, меҳнат кунларига у-бу ололсак керак. Уйда ўтириб, яна қуруқ қолмайлик» деб ўйлай бошлайдилар. Кейин ҳаммалари битта қолмай ишга чиқиб кетадилар.

Шундан бери колхознинг омади юришиб кетди. Ерни яхшилаб ҳайдашди, вақтида экишди, ўриб-йиғиштириб олишди, ҳосилга, ғаллага эга бўлишди! Бир йўлга тушиб олгандан кейин хўжалик тез ўсади! Икки йилда

«Сеятель» районда илғор колхоз бўлиб қолди. Ишни тузатиб берсин деб Горшковни бошқа бир қолоқ колхозга юборишмоқчи бўлишган эди — қаёқда дейсан: колхозчилар оёқни тираб туриб олишди! «Степан Егорични бермаймиз!» Москвага одам юбориб ҳам бўлса олиб қолишди.

— Бу бизнинг колхоздаги воқияга жуда ўхшайди, — деди Марья Сергеевна. — Бизнинг ҳам яхши бир раисимиз бор эди, уни райкомнинг қишлоқ хўжалик бўлимига мудир қилиб олишди. Бизда шунақа — раис ўзини ишда сал кўрсатиб қўйдимиз, уни районга кўтаришга ошиқашади. Биз бўлсак, бир йилдан кейин янги раисни вазифасидан туширдик, — унинг даврида иш чаппасига кетди, — эскиси, Иван Романович Шулга сайлансин, деб қарор чиқардик. У райкомда ишлайди, биз бўлсак уни зўрлик қилиб, сайлаб қўйдик. Шу қарор билан обкомга бордик, — ютиб чиқдик, бизга Иван Романовични қайтариб беришди.

— Шундай! Арзийдиган ходимларни кўтаришга ошиқамиз. Гўё бизнинг муассасаларимиз ўзлари учун яшайдилар. Ўзлари учун эмас, колхозлар учун яшаши керак. Агар райком ва райсоветнинг ҳамма бўлимларида профессорлар, экономика фанлари докторлари ўтирганда ҳам, қаердадир колхозларда лапашанглар, пиянисталар қолса — аҳвол яхшиланмайди!..

— Мен бир кун илғор Горшков билан, — деб давом этди Мартинов, — унинг ўтмиши, колхозни тўғрисида сўзлашиб қолдим. «Ўғрилар, ўткинчилар, — дейди, — колхозимизни талаётганликларини кўрганда юрагим зирқираб кетарди. Колхоз тузишда актив қатнашганман, кулакларга қарши курашганман, менга деразадан туриб ўқ узишган, уйимга ўт қўйиб кетишган. Ана шу колхозда ишлаб, бу муттаҳам ўғрилар дастидан яланг оёқ қолишгача бориб етдим. Ҳар қанақа аблаҳ масхара қилиб: «Мана, Степка, бизга бу дунёда ваъда қилган жаннатинг, — ўзинг ҳам энди одам отага ўхшайсан» дейдиган бўлиб қолди. Ўзлари колхозни ўпиришади-ю, яна масхара ҳам қилишади. Эх, ихтиёр қўлимда бўлгандами сенларни роса таъзирингни берардим!..»

Мен бу воқияни Виктор Семеничга нима мақсадда сўзлаб бердим? Албатта бир фикрни кўзлаб туриб. Биз ҳам ана шунақа «юраги зирқираган» кишиларни қидириб топишимиз керак. Қимки, бормасанг партиядан ўчирила-

сан деган дўқ остида ёки фақат район марказида энди иш бермай қўйилганлиги учун колхозга борар экан,— бундай раиснинг баҳоси бир пул! Нима бўлди, денг? Мен унга сўзлаб бердим-у, у пинагини ҳам бузмади. Эртасига ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказгани «Наш путь» колхозига борди, ўша муттаҳам Камневни сайлагунарича, колхозчиларни уч марта қўл кўтаришга мажбур қилди. Энди бўлса молларни ўлдириб юборгани ва растратаси учун Камневни суд қилишга тўғри келяпти.

Камневнинг кандидатурасини бюрода муҳокама қилганимизда, биз унинг ҳақидаги ҳамма нарсаларни билмас эдик. Фақат промкомбинатда ишни эплай олмаганлигини ва ёғ заводида ўғирлик қилгани учун ишдан олинганилигини билар эдик, холос. Ўртоқлар: бу эски иш, бунинг учун у жазога тортилган. Келасида ҳисобга олади, дейишди. Аммо колхозчилар Камнев тўғрисида шунча нарсаларни айтиб беришдики, албатта Борзов оёғини тираб туриб олмасдан ўз хатоси учун йиғилишдан узр сўраши ва бошқа киши тўғрисида бош қотириши керак эди. Камнев — асли қўшни қишлоқлик, уни у ерда ҳамма яхши билади. «Гапга печану, ишга чечан эмас» дейишади. Партизанлик медалини алдов йўли билан олган, деган гаплар бўлди. Соқолини ўсдириб, қўшни райондаги қариндошлариникида яшаган, уни у ерда ҳеч ким танимас экан, бутун қаҳрамонлиги — шундан иборат. Тағин уруш вақтида эвакуация қилинган молларни сотиб чайқовчилик ҳам қилган. Лекин Борзов ўзиникини маъқул қилиб туриб олди, ҳеч нарсани текшириб ўтирмади. Бюронинг қарори борми,— уни турмушга татбиқ қилиш керак, деб хиралик билан йиғилишни кўндирди. Райком нолойиқ кишиларни колхозларга юбормас эмиш. У, агар кишилар бирон ерда ва бирон нарсада бизнинг хатомизни тўғрилаб қўйсалар, райкомнинг обрўсига путур етади, деб ўйлайди.

— Қашфиёт очдим! — Мартиновнинг чеҳраси бирдан очилиб кетди, ўрнидан туриб, хона бўйлаб юра бошлади.— Ҳамиша мени бир савол қийнар эди: нега бизда партия активлари ўртасида колхозларга раис бўлиб боришни истайдиган кўнгиллилар кам? Бундай ўйлаб қарасанг: бир умр қишлоқда вакил бўлиб турганимдан, бир оёғим идорамда, бир оёғим колхозда бўлганидан кўра, мени раисликка юбориб қўя қолинглар! — дейдиганлари ҳам йўқ.

Бошқа ишдан олинадиган шунақа кишиларга, иш ҳақини ҳам катта белгилашган. Ҳосил яхши бўлса, йирик колхоздаги раис оладиган ҳақни райком секретари ҳам ололмади. Шунақа бўлсада, хоҳловчилар йўқ. Бу район қандайдир алоҳида хусусиятга эгами, деб ўйлайман. Бизнинг районда бу нарса проблема эмас эди. Ниҳоят тагига етдим! Борзовдан қўрқишади. Бу ерда ҳам ўз идорасини колхоздаги шонли ишга, халқ билан ишлашга бажонидил алмаштирадиган кишилар бор, бироқ Борзовдан қўрқишади. Нима яхши иш қилмайин, ҳаммаси бекорга кетади, деб хавфсирашади. Давлат мажбуриятларини ортиқ олиш учун катта группа белгилаб ҳам қийнайди, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ ёмғир қуйиб турганда комбайнлар ишламагани учун виговорни ҳам дўндириб қўяди. Колхоз раиси сўкканда иш учун сўкишларига, ёрдам берганда эса чинакамига ёрдам беришларига, ўз бошимчаликнинг қурбони бўлиб кетмаслигига ишонмас экан, унинг учун бундан ёмони йўқ. Чунки раислик қийин иш, албатта бир эмас, бир неча марта адашишинг мумкин. Умуман, шундай хулоса чиқарса бўлади: агар қаердаки, колхоз раислигига партия интизомини рўкоч қилибгина одам юборишга муваффақ бўлаётирмиз, деб зорланишаётган экан, бунинг сабабини райкомнинг ўзидан қидир... Балки бу раиснинг психологиясини қаердан билади, деб ўйларсан? Айтишни унутибман, ахир мен ҳам уч йил колхоз раиси бўлганман. Очеркимни ҳам ўша ерда ёзгандим. Мени ҳам «кўтаришган», «Э,— дейишган,— бизда ўз ёзувчимиз бор экан-ку!» Мени район газетасининг босмахонасига мудир қилиб тайинлашди. Худди ўша ердан газетага ўтиб кетдим.

— Сенинг кашфиётларингдан Петр Илларионич, мен бугун кечаси сира ухлаёлмасам керак,— деди Марья Сергеевна.— Ростини айтсам, гоҳи ўйлаб қоламан,— деб қўшиб қўйди у ғамгин табассум билан,— у мени нега севиб қолди? Мен чиройлик қиз ҳам эмас эдим... Ўша вақтларда донгдор стахановчи қизларга уйланиш расим бўлиб кетган эди. Бизда райижроком раиси ҳам звено ошлиғи бўлиб ишлайдиган оддий қизга уйланди, у ҳам иринчи марта орден олганлардан эди. Унинг тўғрисида ам ҳамма газеталарда ёзишган...

— Сизларнинг ўртангизда нима бўлган, энди мен бунисини билмайман,— деб жавоб берди Мартинов,— бу

ишда тўғри хулоса чиқариб олиш учун сенга ёрдам бера олишим амримаҳол.

Чекиб, «чойдан қўйинг деб», ўрнига ўтирди.

—Бепарво ва совуққонлик билан қилинса, ҳарқандай жонли ишни ҳам гўрга тикиб қўйиш мумкин,— деб давом этди у,— мана, ҳозир бизга: қишлоқ хўжалик мутахассисларини, агрономлар, зоотехникларни колхозларга раис қилиб юборинг, дейишяпти. Тўғри! Аллақачонлар шундай қилиш керак эди! Ахир, нима бўляпти. Саноатда, заводларда цех бошлиғи — албатта инженерлардан бўлади.

Завод директори тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. У ерда кадрларни ўқитишади, пухта тайёрлаб чиқаришади. Ахир, баъзи колхознинг иш ҳажмига қарасанг — заводнинг худди ўзи: минг гектарлаб деҳқончилиги, ҳар хил ёрдамчи тармоқлари бор, сугориш системалари қуради, дарахт ўтказиш билан шуғулланади. Биз ўз-ўзидан етишиб чиққан туғма одамларни топиб олганмиз. Энг яхши раисимиз Демьян Васильевич Опенкиннинг черков мактабининг уч синфи ҳажмида маълумоти бор, холос. Биз раисларни ўқитяпмизми? Ҳа, ўқитяпмиз. Мана уч йиллик область колхоз мактаби бор. Бизга район бўйича иккита ўрин беришган эди, иккита одам жўнатдик. Ҳамма раисларни ана шу мактабдан бир қур ўтказиб олгунимизча — эллик йил ўтади. Албатта, колхозлардаги раҳбарлик ишларига агрономларни кўпроқ кўтариш керак. Эртами, кечми, албатта бригадирларимиз ҳам ҳаммаси агрономлардан бўлади. Аммо бу нарса ҳозир бизда қандай қилиняпти?..

Борзовнинг столи тепасида разнарядка ётади: саккизта агрономни колхозларга раис қилиб юбориш керак. Хўп, бўпти, юборамиз! Кимни юбориш, қандай қилиб юбориш керак — бу уни унча ташвишлантирмайди. Иш қилиб топшириқни сон жиҳатдан муддатида бажариб, обкомга ҳисоб бериб олса бўлгани. Бироқ агроном колхоз раиси вазифасини эплаб кета олиши учун дипломдан ташқари ташкилотчилик талантига ҳам эга бўлиши керак-ку, у халқнинг раҳбари, тарбиячиси бўлиши керак-ку. Аввало бу жуда қийин вазифада совет ҳокимияти учун сиддиқил хизмат қилишга бел боғлаган киши бўлиши лозим!.. Биз бўлсак қолоқ колхозга мана Аксеновни юбордик. Бу киши сельхозснаб конторасида йигирма йил ўтирган, бошқа ихтисос бўйича, яъни ҳисобчи бўлиб

ишлаган, қандайдир нарядлар ёзиш билан шуғулланган, институтда ўрганган нарсаларини эҳтимол унутиб ҳам юборгандир. Қолхознинг қийинчиликларидан қочиб, сельхозснабда жон сақлаб юрган. Бу ичи пўк одамдан нима яхшилик кутишимиз мумкин? Лекин обкомга юбориладиган ҳисобот учун ярайди — қўлида олий агрономлик маълумотга эга эканлиги тўғрисида дипломи бор...

Агар ёш йигит конкурс бўйича кинематография институтига ўта олмани учунгина қишлоқ хўжалик институтига кирган, унинг колхоздаги практикаси эса фақат каникул вақтида колхозга ҳашарга чиққанидан иборат бўлса,— шунақалардан кўп наф етадимиз? Биз шундай агрономлардан ҳам иккитасини раисликка юбордик. Лекин у болалар менга маъқул бўлди. Комсомоллар кўрқишмайди. Ғайратлари қайнаб-тошган, биз энди кўникиб қолган нарсаларга янгича назар билан қарашади. Шундай илғор фан, механизациямиз бўла туриб, шу чоққа лоақал гектаридан икки юз пуддан ҳосил ололмаганимизга ҳайрон бўлишади. Башарти уларга ёрдам берилса, эҳтимол уларнинг иши юришиб кетар. Лекин биринчи кунданок: «Сиз мутахассиссиз! Сиз бошқа раислардан кўп биласиз! Мен сизларнинг адабингизни бераман!» деб столга муштлай бошланса, улардан нима иш чиқишини била олмайман...

Ҳозирча очеркнинг давоми йўқ, чунки у қарийб ҳаётнинг ўзидан нусха кўтариб ёзилмоқда. Эҳтимол у повестгача ўсиб чиқар, лекин бунинг учун ҳаётдаги воқиаларнинг ўсиб ривожланиши зарур. Мен бир районда шундай кишиларни учратиб, уларнинг Мартинов билан Борзовники сингари мунозараларини эшитиб тураман.

Бу район тўғрисида обком қандай қарор қабул қилади, шундан кейин иш қандай бўлади, очеркнинг биринчи бобларида ўқувчига тақдим этилган кишиларнинг шахсий тақдирлари қанақа тус олиб кетади,— буларнинг ҳаммасини ҳаётда кузатиш керак. Балки бу келгуси бобларнинг мавзуси бўлар.

БИР КОЛХОЗДА

Июль кунларининг бирида — ўрим-йғим арафасида «Красное знамя» колхози идораси олдида райондаги ҳамма колхозлардан ўттиздан ортиқроқ юк машинаси келиб тўпланди. Ҳар бир машина колхозчилар билан лиқ тўла эди. Аммо «Красное знамя» колхозининг аъзолари бундай маъракани биринчи марта кўраётганлари йўқ. Ҳатто ёш болалар ҳам турли-туман маркали машиналарнинг тўпланишидан ҳосил бўлган бу виставкани хотиржамлик билан тамоша қилмоқдалар. Улар бир чеккада, дарахтлар кўланкасида ястаниб ётиб ўз аро чуғурлашмоқдалар.

— Тагин шартномани текширишармикан?

— Қанақа шартномани? Кўряпсан-ку, қанча машина келди, шартномани бутун район бир бўлиб текширармиди!

— Экскурсиямикан?

— Албатта, экскурсия-да.

— Далага чиқишадими?

— Аввал далага чиқишади, кейин фермаларга боришади. Электр билан сигир соғиш қанақа бўлишини кўришади.

— Кейин, кимларни таклиф қилишса, ўшалар раисни-кида зиёфатда бўлишади...

— Ҳаммалари эмасми?

— Ҳаммаларини едириб-ичира берса, Павел Федоричнинг ойлиги ҳам етмайди-ку.

— Колхозимизга меҳмон келмаган кун йўқ деса бўлади.

Фақат битта машина болаларнинг диққатини ўзига тортиди. Улар машинага яқинроқ келиб, унинг ҳар хил андозадаги гилдиракларини, эски консерва банкасидай пачақланган кабинкасини узоқ тамоша қилдилар.

— Ҳа, болалар? — Шофер кабинкадан бошини чиқар-

ди. — Бунақасини илгари кўрмаганмидиларинг. Билиб бўбсанлар? Бу «ГТТ» маркасидаги машина.

— Биринчи марта эшитяпмиз.

— Ҳамма гап шунда-да! Передоги билан мотори немис машинасидан, орқа мотори «форд»дан.

— «Гитлер — Трумэнни — Тортади»—деб тушунтирди кузовда ўтирган колхозчилардан бири.

— Қаёққа тортади? — сўради унинг ёнида ўтирган аёл.

— Кейин суриштирамиз. Ҳали ҳозирча ишлатиб турайлик.

Правление идорасидан райком секретари Стародубов билан «Красное знамя» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назаров чиқиб келдилар. Уларнинг иккалови ҳам новча, ёши қирқлардан ошган, ёшига яраша басавлат, эгниларида пистолки ранг гимнастёрка, галифе шим, оёқларида хром этик. Гавдаси ва кийими бир хилда бўлгани учун узоқдан қараганда уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Стародубов Назаровни «газик»-нинг орқасидаги жойга ўтказиб юборди. Ўзининг ҳаракатларини бошқалар кузатиб турганликларини билгани учун ҳеч қаёққа қарамай, қўл силтади, шофер ёнига ўтириб олгач, эшикни зарб билан ёпди.

— Қани, жўнадик!

Моторлар гувуллаб, тўзон кўтарилди. Колонна бутун қишлоқ бўйлаб ярим километр узунликда чўзилиб кетди. Стародубовнинг ҳар қандай йўлни писанд қилмайдиган ихчам, армияча «газик»и эса энг олдинда бормоқда. Қишлоқдан чиққандан сўнг дала йўли учга бўлиниб кетди.

— Қайси томонга!— деб сўради шофер машинани сал секинлатиб.

— Менимча, дўл урган далалардан бошлайлик, Дмитрий Сергеич,— деди Назаров,— у ерда ҳосил ёмонроқ.

— Кейин Лисицин участкасидаги жавдор буғдойни, кўндалангига экилган ерларни, лавлагини кўрсатмоқчимисан? Охирида ҳаммани қойил қилай, дейсан-да? Ҳа, айёр! Хўп, майли Стёпа, ўрта йўлдан ҳайда.

Чим ўсиб ётган ўнқир-чўнқир жойга келганда машина зарб билан ирғиб кетди, Назаров бошини тўсинга уриб олди ва пешонасини қашлаб қўйди.

— Амортизациясини қаранг!.. Қачон райком ўзига «Победа» сотиб олади?

Стародубов мийиғида кулиб қўйди-ю, индамади.

— Бизга «Победа» беришмоқчи эди, ўртоқ Назаров,— деди шофер,— Дмитрий Сергеич унамадилар.

— Обкомда ё «Победа», ё «газик», истаганингиздан бирини олинг дейишди. «Менга ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам иш берадиган машина керак», дедим. Шунини танлаб олдим.— Стародубов шу сўзларни айтгач, Назаровга қайрилиб қаради ва: — Ўзингизчи тўрт карра миллионерсизлар-ку, қачон «Победа»га пул чиқарасизлар?

— Ҳеч қачон чиқармайдиганга ўхшаймиз, Дмитрий Сергеич.

— Нега энди?

— Правлениега енгил машина олиб бериш тўғрисида ҳатто умумий йиғилишнинг ҳам қарори бор. Лекин, нима учундир менинг олгим келмаяпти. «Победа»га тушиб олсам, колхозчилар кўзига ғалати кўриниб қолмайин, деб қўрқаман. Улар менинг ана шу аравамга ўрганиб қолишган.

— Қайдаги бемаъни гапларни гапирасан-да. Колхоз ўсяпти, иш кўпайиб боряпти, ҳамма ёқдан кўз-қулоқ бўлиб туришинг зарур. Колхозни айланиб чиқиш учун ортиқча вақт сарф қилишнинг нима ҳожати бор?

— Гап ҳамма бригадаларни тушгача чопқир отдай айланиб чиқишдамас, ишни дўндириб қўйганингга ақлинг етса, баъзи бригадаларга ҳафталаб бормасанг ҳам бўла беради.

— Бу албатта, шунақаку-я...

Шундан кейин «Красное знамя» колхозининг узок чегарасига бориб тўхтагунга қадар бир-бирларига сира сўз қотишмади.

— Мана, ўртоқ колхозчилар,— деди райком секретари,— экскурсиячилар машиналардан тушиб, Назаров билан ўзининг атрофига тўпланишгач,—бу буларнинг дўл уриб кетган участкалари. Бу ерда ҳосил мўлжалдагига етмай қолади.

— Ие, буниси ҳали мўлжалдагига етмайдиганими?..

— Албатта етмайди,— деди Назаров.— Тузукроқ қаранглар-а, қанчадан-қанча бошоқни ер билан яксон қилиб кетган.

— Яксон қилиб кетгани билан соғлом қолгани ҳам кўп-да!*

— Соғлом қолгани кўплигига сабаб: аслида теги мўл бўлган,— деди Стародубов.— Биласизларми, дўстлар, шундай мақол бор: семиз озгунча, ориқ жон беради.

— Бизда мана шу мўлжалга етмайдиган даражада ҳосил бўлса ҳам жон дер эдик, Дмитрий Сергеич! — деб гап бошлади «ГТТ» маркали машинада келган «Ударник» колхозининг аъзоси Христина Соловьева. — Кўриб турибсиз, буларнинг ери ҳеч нарсага ярамайдиган ер экан. Балчиқ билан бўрнинг ўзи. Ундан фақат ўйинчоқ ҳуштак яшаш мумкин. — Ўз раисига аччиқланиб кўз ташлагач, давом этди: — Бизнинг серҳафсала бошлиқларимиз шундай бемаъни ерларга тушиб қолсалар, нима қилар эдилар-а? Қоратупроқ ерларда етти центнердан оляпмиз-а!

— Агар «Красное знамя» колхозининг ерлари энг яхши ерлар бўлганида, мен сизларни бу ерга экскурсияга олиб келиб ўтирмас эдим,— деди Стародубов. — Сизларни ерни тамоша қилинглар деб эмас, ҳосилни тамоша қилинглар, деб олиб келдим.

— Ундай бўлса, энди мақтаниб қўйсам ҳам бўларкан,— деди Назаров мийиғида кулиб. — Тупроқшуносларнинг айтганига қараганда, бутун область бўйича бизнинг еримиздақа ёмон ер йўқ. Ернинг сатҳига эътибор беринглар-а.

— Аллақачон эътибор бердик, Павел Федорич! — «Общий труд» колхозининг раиси Филипп Конопельченко Назаровнинг ёнига келди. — Дўнглик, жарлик, ёнбағирликдан иборат. Бамисоли Карпат тоғлари дейсан!.. Афсуски, экскурсияга тракторчиларимизни олиб келмабмизда. Бунақа ерда бир ишлаб билар эдилар! Комбайн-помбайнлари билан тикка жардан думбалоқ ошиб тушмасалар бўлгани эди! Трактор бригадангда тонналаб ёнилғи нормадан ортиқ сарфланса керак-а?

— Бизнинг колхозга шу билан уч марта келяпсан-у, Филипп Петрович, ҳар сафар ҳам ортиқча кетган ёнилғи тўғрисида қўйнимга қўл солиб кўрмоқчи бўласан. Бунақа нарса йўқ, дедим-ку, йўқ!

— Эҳ, мени алдай олмайсан, Федорич! Ўзим ҳам ўн йилдан бери раислик қияпман. Ернинг сатҳи шу таҳлитда бўлса-ю, ёнилғи ортиқча кетмаса, бўлмаган гап! Тракторчи ортиқча ёқилган ёнилғи учун бир марта беш юзни тўлаб кўрсин-чи, кейин ҳафсала билан ишлаб бўбди...

— Бизнинг тракторчиларнинг нега ортиқча ёнилғи кетказмасликларининг сирини кейинроқ айтиб бераман, Филипп Петрович. Ёлғиз ўтириб гаплашамиз. Ҳозир чалғитмай тур, одамлар далани кўриб олишсин.

Стародубов ҳаммага мурожаат қилди:

— Хўш, ўртоқлар, сизларча «Красное знамя» колхози шу ердан — дўл уриб кетган участкадан қанча бугдой ола олади?

— Шошмай тулинг, йўлдан сал нарироққа борайлик, кўрайлик. Иван Спиридонич! Сенинг мўлжалинг қандай?

— Мўлжали нимаси? Дурадгорнинг ўғли дадасига қараб шундай деган экан: «Қўй энди, дада, чамалаб ишлашни йиғиштир, энди бизнинг ихтиёримизда газ ўлчов бор». Ўлчаб, ҳисоблаб кўрайлик, кейин бир нарсa деймизда.

Даланинг ҳар жой, ҳар жойидан бир неча квадрат ерни ўлчаб чиқишди, бошоқлардан юлиб, қафтларида уқалашди, донни шамолда шопургандан кейин тарозида тортиб кўришди. Қимдир меҳмонлардан бири лабораторияда ишлатиладиган кичкина тарози ҳам олиб келган экан.

— Ўн уч центнердан олиш мумкин, Дмитрий Сергеич.

— Анави машинадагилар нега пастга тушишмади? Ўртоқлар, нега сиз далани машинада айланыпсизлар? Сайр қиялпсизми ё ҳосилни кўряпсизми? Ҳаммангиз тушинг, кўринг, ипидан игнасиғача синчиклаб ўрганинг! Ўйингизга борганингиздан кейин «Красное знамя» колхозида кўрган нарсаларингиз тўғрисида ҳисоб беришингиз керак, ахир!

Ҳамма шундай қарорга келдики, мана шу энг ёмон участкаларда ҳосил кам деганда ўн икки-ўн тўрт центнердан бўлади. Шундан кейингина Стародубов:

— Қани, машиналарга чиқинглар! — деб команда берди.

Юк машиналарнинг колоннаси тор, илон изидай буралиб кетган, ўйдим-чуқур дала йўлини тўзғитиб жўнаб қолди. Ғалласи бўлиқ ерлар кела бошлади, райкомнинг пастак «газик» машинаси айрим жойларда кўринмай кетар, унинг кетидан фақат қуюқ тўзон қолар эди.

Стародубовнинг сигнали билан колонна тўхтади. Экскурсиячилар машиналардан ерга сакраб тушиб, ғаллазор орасига таралиб кетдилар. Улар ғаллаларни кўздан кечи-

ришар, қўл билан ушлаб кўришар, кафтларида бошоқларни уқалашар эди.

— Хўш, бу ерда қанчадан бўлади? — Стародубов ҳаммага синчиклаб қараб, мурожаат қилди.

— Бу ерда бемалол йигирма центнердан дейиш мумкин, Дмитрий Сергеич. Кам эмас.

— Кўпроқ чиқмасмикин?

— Бу ўрим-йиғимда маълум бўлади. Гармсел уриб кетмаса бўлгани. Кўриб турибсанку, дони ҳали қотмаган, думбул...

— Раисга, қанча ўғит солинган, бундан илгари бу ерга қайси экин экилган эди, мана шу ажойиб экинларни нима билан озиқлантиргансиз, деган саволлар йўқми?

— Унга берадиган саволларимиз кўп, Дмитрий Сергеич!

Назаров яқин келиб:

— Менимча, ҳамма саволларга клубда тўпланган чопимизда жавоб берганим дуруст. Меҳнатни ташкил этишимиз тўғрисида ҳам, агротехника тўғрисида ҳам гапириб бераман. Ҳозирча одамлар кўришсин, қаноат ҳосил қилишсин.

— Қани, машиналарга!..

Лавлагизор ёнида анча тўхтаб қолишди. Ям-яшил лавлагизор орасида бирорта ҳам бегона ўт йўқ. Икки марта ўтоқдан чиқарилган эгатлар бирам теп-текиски, лавлаги комбайни мана шунақа ерда юради-да!.. Лекин Христина Соловьевага бошқа нарсa ёқиб қолди.

— Мана бу ернинг раҳбарлари биз, хотин-қизларга ғамхўрлик қилади деса бўлади! Ҳар бир звенога қарашли участканинг рўпарасида капача, соя-салқинда овқатланишади, дам олишади. Раиснинг ўзи ҳам бир вақтлар қўлига чопқи ушлаб ишлаган бўлса керакки, эрта-тонгдан қош қорайгунгача бел ростламай ишлаш қанақа бўлишини унутмабди.

— Христина Семеновна, биз бу капаларни фақат қуёшдан сақланиш учунгина қурган эмасмиз,— деди Назаров унга ўгирилиб қараб,— лавлагини кавлаб оладиган давр — кузга, шамол хўштак чалиб, ёмғир савалаб турадиган вақтга тўғри келади. Одамларга исиниб туриш учун бирор жой керак-да, ахир.

— Ана уни қара! — Христина Соловьева бошқа бир колхозчи аёлни туртди. — Бу ерга иккинчи келиши-му, у менинг исмимгача билиб олибди-я!

— Битта қапа даланинг у бошида, иккинчиси бу бошида. Нега бунақа қилгансизлар? — деб сўради, Филипп Конопельченко.

— Бунинг ҳисоби жуда содда, ўртоқ Конопельченко, — жавоб берди Назаров. — Агар ёмғир аёлларни даланинг нариги четида босиб қолса, қўшни звенонинг капасига чопиб кириб олишади. Агар бу четида бўлса, бунисига.

— Аёлларни бу ерга машинада олиб келиб, машинада олиб кетасизлар-а, хўш бунинг ҳисоби қанақа? — сўради Стародубов.

— Шунақами? Аёлларни лавлаги участкасига машинада олиб келиб, машинада олиб кетасизларми? — хотинлардан бир нечаси бараварига сўраб қолди.

— Нима бўбди? Колхозимизда бешта машина бор. Боринг минг сўмлик ёнилғи кетсин, лекин бундан келадиган фойдани айтмайсизми! Қишлоқ билан бу ернинг ораси етти километр. Бориб қайтиш ҳаммаси бўлиб ўн тўрт километр йўл босиш керак. Бунда иш қачон қилинади? Правление мажлисида шунга қарор қилганмиз: эрталаб соат олтида ҳамма машиналар идора олдида пассажирларни кутиб туради. Машинада боришни хоҳлайсанми, соат олтида кел. Олтидан чорак ўтганда келдингми, тамом, машиналар кетиб қолган бўлади. Қайтишда ҳам шунақа. Пиёда юрмайин, машинада кетайин десанг фалон соатгача ишла, роппа-роса белгиланган вақтда машина келиб, олиб қайтади. Шунақа қилиб иш кунидан тўла фойдаланяпмиз. Ўтоқ қилиш суръати икки ҳисса тезлашиб кетди.

— Ҳисобни қаранг! Одамларга ҳам қулай.

— Бўлмасачи! Йўлда ўткизган вақтингга меҳнат куни ёзилмайдикун.

— Хўш ўртоқ колхозчилар, — деди Стародубов қўли билан далани кўрсатиб, — сизнингча мана шу ердан гектаридан қанчадан қанд лавлаги олишаркин?

— Яна бир-икки марта ёмғир ёғиб бергандайди...

— Метериологлар ваъда қилишяптику.

— Агар ўз вақтида йиғиштириб олсалар...

— Нега йиғиштириб олишмасин? Нима, буларда интизом ёмон эканми?

— Бу гапларнинг нима кераги бор, Дмитрий Сергеевич! — деди бир колхозчи фуражкасини астойдил ерга уриб. — Сен нега бизни ташвиқот қиласан. Ҳаммамиз

ҳам ғаллакорлармиз, энди деҳқончилик қилаётганимиз йўқ. Бу ердан уч юз эллик центнердан олса бўлади!

— Бутун Совет Иттифоқи бўйича шунақа ҳосил олинса борми, уйларни гиштдан эмас, қанддан қураб эдик!

— Худди эртақлардаги сингари дарёларда сув ўрнида сут билан шарбат оқар эди.

— Қани, машиналарга!..

Клуб кишилар билан лиқ тўлган эди. Мажлисни Стародубов очди. Президиум сайлашмади. Бу мажлис бўлмай, балки экскурсия натижаларини яқунлашга бағишланган, шунчаки йиғилиш эди.

— Ўртоқлар, мен шу билан бу ерга бешинчи марта экскурсияга одам олиб келяпман,— деди Стародубов. — Назаров лавлагини ўтоқ қилишга ёнилғини аямаганидек, биз ҳам бу ишга ёнилғини аямаймиз. Ҳар бир колхозга қўшимча лимит берсак ҳам майлики, ҳамма одамлар бу ерда бўлиб, ҳамма нарсани ўз кўзлари билан кўрсинлар, ишонсинлар! Тракторчиларни ҳам олиб келамиз, уларга бу ердаги «Карпат тоғлари»ни ва бу тоғларда битган ҳосилни кўрсатамиз!.. Павел Федоровичга сўз берайлик. У бизга буларнинг ҳаммасига — далалардаги озодаликка, фермалардаги тартиб, даромадларга, қурилишга қандай қилиб эришилганини айтиб берсин. Қани, ўртоқ Назаров! Кейин яна гаплашамиз.

Назаровнинг доклади қуруқроқ бўлди. Рақамлар-у, фактлардан бўлак ҳеч гап йўқ. У бунақа мажлисда биринчи марта сўзлаётгани йўқ, шунинг учун эскириб кетган «тезис»ларига деярлик қарамади ҳам, ҳаммаси ёд бўлиб кетган. Бу йил хўжаликка солинган капитал маблағларининг ўзи миллион сўмни ташкил этади. Ўтган йили колхозчилар меҳнат кунига тўрт килограммдан ғалла ва олти сўмдан пул олдилар. Бу йил ҳосилдорлик планини бажара олсак, меҳнат кунининг қиммати янада баланд бўлади. Меҳнатнинг ташкил этилиши — Уставда кўрсатилгандақа: асосий эътибор — бригадаларни мустақамлашга қаратилган, техника экинларида эса звенолар ҳам унутиб қўйилмаган. Тўққиз юз етмиш бешта ишга яроқли колхозчининг орасида меҳнат кунлари юзасидан белгиланган минимумини бажармаган биронта киши йўқ. Кўкламги экиш саккиз кун ичида тугалланди, фақат куз-

да шудгор қилинган ерларга экин экилди, бирор гектар ер баҳорда ҳайдаб экилгани йўқ. Разнарядка бўйича тақсимланган минерал ўғитларнинг пули батамом тўланиб, ташиб олинган. Минерал ўғитлар, уни олишдан бош тортиган колхозлар ҳисобига ҳатто кўп ташиб олинган. Маҳаллий ўғитлардан тўла фойдаланилди, на фермаларда, на колхозчиларнинг ҳовлисида бирон грамм ҳам эски гўнг топа олмайсиз, чунки ҳаммаси далага ташиб чиқарилган. Экинлар тасдиқланган агрономия қондаларига қатъиян риоя этилган ҳолда парвариш қилинади, чунончи, фалон марта ўтоқ, пистон марта озиклантириш ўтказилган. Фермаларда боқилаётган чорва моллар фақат зотли бўлиб, улар кўп маҳсулот беради. Чорва моллар сонини кўпайтириш плани ҳамма турлар бўйича йигирмаўттиз процент ошириб бажарилган. Чорвачиликдан мана шунча даромад олинган ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Назаровнинг доклади зерикарли эди. Рақамлар, фактлар ажойибку, лекин ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлиб қолганга ўхшайди. Ҳамма колхозчилар қишлоқ хўжалик артели Уставини ва министрлик юборган агрономия қондаларини аниқ бажарганликлари учунгина колхоз илғор бўлиб қолган, гўё ҳеч қандай кураш, қийинчилик, камчилик бўлмагандай. Назаров ўз докладида бирон марта ҳам «мен», «менда», «мен қилдим» деган сўзларни тилга олмай, нуқул «биз», «бизда», «биз қарор қилдик» деб айтди. Камтарлиги-ку жойида, лекин бу камтарлик раиснинг раҳбарлик ролини яшириб кетди.

Мен Назаровнинг колхоз тўғрисидаги, бу ерда беш йил ичида бошдан кечирилган воқиялар ва қилинган ишлар тўғрисидаги ҳикоясини бошқача вазиятда бир неча марта эшитишга муяссар бўлганман. У кўп кишилиқ йиғилишнинг минбарига чиқиб гапиргандагига қараганда, кичкина йиғилишда булар тўғрисида завққа тўлиб, анча яхши сўзлаб берган эди. У зийрак кузатувчанлик хусусиятига эга бўлиб, баҳслашганда халқнинг образли тилидан фойдаланар, қизиққонлик ва тийранлик кўрсатар эди. Бугун бўлса бу ерга, клубга ҳамма «Красное знамя» колхозининг ютуқларини эшитишга, Назаровни мақташга, уни бошқарисларга намуна қилиб кўрсатишга тўпланган бўлиб, баҳслашувнинг юз бериши гўё кутилмаётгандай эди. Эҳтимол, шунинг учун у ўз докладини ҳафсализлик билан қилгандир.

Докладдан кейин меҳмонлар орасидан бир колхозчи

Назаровнинг ҳамма саволларга жавоб бериб бўлишини кутиб ўтирмасдан сўради.

— Ўртоқлар, сиз Павел Федоровичдан сўрайдиган нарсангизни билмаяпсиз,— деб қизгин гап бошлади у. — Агротехника тўғрисида, қора буғдойни қачон экиш, йўнгичқани қачон ўриб олиш маъқуллиги тўғрисида бизга ўз агрономимиз ҳам айтиб бера олади. Китобга қарасанг, шундай ёзилган, амалда бўлса баъзан тамоман бошқача бўлиб чиқади, ҳамма ишни жонли одамлар қилади. Павел Федорич, бизга мана шуни айтиб беринг. Сиз бу ерда неча йилдан бери раислик қиляпсиз?

— Қирқ еттинчи йилнинг кузидан бери.

— Сиз колхозни қабул қилиб олганингизда бу ерда ҳамма нарса ҳозиргидақамиди ёки ёмонроқмиди?

Назаров жилмайиб қўйди.

— Сал ёмонроқ эди.

— Ўша йилги меҳнатимиз учун беш юз граммдан аванс берилган эди. Қозонни сувга ташлаб қўйган эдик! Аҳволимиз шу эди! — деб залда ўтирган «Красное знамя» колхозчиларидан кимдир биров овоз чиқарди.

— Ўртоқ Назаровга қадар бу ерда аҳвол қандай бўлганини сен биздан сўра — деб кўтарилди бошқа бир меҳмон. Биз бу колхозни ўзимизникидай яхши биламиз. Чегарадош қўшнимиз. Районда энг қолоқ колхоз эди! Чорва моллари ўладиган колхоз ҳам шу эди, колхозчиларнинг ярми минимумни бажармайдигани ҳам шу эди. Ҳар йили биз уларга қарзга уруғ берар эдик.

— Бизни худди мана шу нарса қизиқтиради-да,— деб давом этди биринчи колхозчи. — Павел Федорич, сиз бу колхозни қандай муъжиза билан энг бой колхозга айлантирдингиз? Энди биз хўжалигингизни ҳавас билан тамоша қилишга келяпмиз? Ё бўлмаса ердан тилла топиб олиб, бу нарсаларнинг ҳаммасини бирданига сотиб олдингиз, бинога келтирдингизми? Ёки сизлардан шафқат қилиб мажбурият олишмайдими? Хўш, гапиринг!

— Бизнинг жойларда тилла бўлмайди, ҳеч қандай табиий бойликлар йўқ. Ҳатто сув ҳам йўқ эди. Артезиан қудуқлар қавлашга тўғри келди. Фермаларга ўн километр наридан бочкаларда сув ташиб келтирар эдик. Қишлоғимиз ҳам ўз оти билан Сухоярово — қуруқ жар деб аталади... Натура ҳақини бўлса, биздан ҳали еттинчи гурупадан пасайтириб олингани йўқ. Бу йил эса энг юқори — тўққизинчи гурупа бўйича тўлаймиз.

— Хўш, хўш, Павел Федорич,— деб бояги колхозчини қувватлади Христина Соловьева,— ишни нимадан бошладингиз, бу ерга — пачоқ жамашовга қандай келдингиз? Қандай қилиб интизомни мустаҳкамладингиз, фермаларда тартиб ўрнатдингиз? Бизнинг раҳбарларимиз эшитишсин, ўрганишсин, эҳтимол бу уларга фойдали бўлар.

— Нимадан бошладим? — Назаров содда-қувлик билан жилмайди, гарданини қашлади. — Ўртоқлар, бунга анча бўлди, нимадан бошлаганимни эслай олмайман... Эски раисдан печатни қабул қилиб олдим, идоранинг оstonасини тузатдирдим, чироқнинг пилигини қийиб ташладим, чироқ шишасини артдим. У вақтда электр йўқ эди... Тағин нима қилдим?

— Бўлди, бўлди,— деб пешонасини тириштирди Стародубов. — Майнавозчилик қилмасдан гапир. Унутмагансан, ҳаммаси эсингда. Кишиларга сўзлаб бергин.

— Хўш, нимадан бошладим... Одамларни ҳалол ишлашга ўргатдик, илғорларни рағбатлантирдик, ялқовларни, колхоз мулкига чанг солувчиларни жазоладик, бригадирликка яхши кишиларни тайинладик...

— Эҳ! — деб қўл силтади «Красное знамя»нинг колхозчиси, бочка ясайдиган уста Никита Родионич Королев, у биринчи қаторда ўтирар эди. — Иш билади-ю, ўзи ҳақида гапиришни билмайди! — У ўрнидан турди. — Мен гапириб бериб қўя қолайми? Мен ёлғиз унинг ҳақидагина гапирмайман. Илгариги раисларимиз тўғрисида ҳам гапираман.

Залда жонланиш пайдо бўлди. «Красное знамя» колхозчиларидан кўпи меҳмонлар орасида ўтирар, улар Никита Родионичнинг гапга чечанлигини яхши билишар эди.

— Бопла, Родионич, гапира бер!

— Ёзганингни ўқиб бера қол!

— Колхозимизнинг йилномачиси—деди Назаров Стародубовга қайрилиб қараб.

— Эшитганман, эшитганман. Колхоз тўғрисида китоб ёзганман, Родионич?

— Бўлмаса-чи! Колхознинг тарихини ёзганман. Биздан кейин невараларимиз, эвара-чевараларимиз қолади, улар ҳаётнинг лаззатини татиб яшайдилар, механизация, электростанция, вентиляция бўлади. Буларнинг ҳаммаси қандай вужудга келганини улар қаердан била оладилар? Армияда дивизияларнинг тарихини ёзиб боришади. Мен

бўлса, бўш вақтларимда, кечқурунлари раисларимиз ҳақида, уларнинг қандай одам бўлганликлари, бошларидан кечирган саргузаштлари ҳақида ёзиб боряпман. Павел Федорич менинг дафтаримда еттинчи номерни эгаллайди. Унгача олтита раисни кўрган эдик... Хўш, гапира берайми ё тўхтаб турайми? Сўз берасизларми?

— Берамиз! — деб залдагилардан бир нечаси бақирди.

— Четдан қараган кишига яхшироқ кўринади. Родионич дуруст гапириб бера олади.

— Майли, гапирсин.

Стародубов билан Назаров кўз уриштириб олдилар.

— Унақа бўлса Никита Родионич, саҳнага чиқиб гапиргин, — деди Назаров, — ҳаммага яхшироқ эшитилсин.

Кўринишида эллик ёшлар чамасидаги новча, ориқ, кўкраги ичига кириб кетган, узун бармоқли Никита Родионич саҳнага чиқди.

— Ўтган ҳамма олтита раис ҳақида гапириб ўтирмайман, — деб сўз бошлади у, — вақт етишмайди. Яхши раислар ҳам, шунчаки дурустлари ҳам, ёмонлари ҳам, ичувчилари ҳам, ичмайдиганлари ҳам, хотинбозлари ҳам ва аксинча занчалиш бўлганлари учун хотинларга ёқмай ўтганлари ҳам бўлди. Ҳар хил раисларни кўрдик. Битта-си бизни уч қадам олдинга силжитса, иккинчиси тўрт қадам кейинга тисалтирар эди... Энг сўнгги раисимиз Сторчаков ҳақида гапириб бераман, Павел Федорич, сен ишни ўшандан қабул қилиб олган эдинг... Бу раис сизгача бўлган эди, ўртоқ Стародубов, — деб райком секретарига қайрилиб қаради. — Ўша вақтда районимизда шундай қоида бор эди: кишиларни жазолаш учун колхозга юборар эдилар. Масалан, ҳамма ерда миси чиқиб, ишга ярамай қолса, колхозга раис қилиб жўнатишарди. Васька Сторчак ҳам шу йўл билан бизга тушиб қолди. У Покровскийда гишт заводининг директори бўлиб ишлар эди. Бундай қараганда еса бўладиган ҳеч нарса йўқдай: гишт, тупроқ, қумдан бўлак ҳеч бало йўқ. Шундай бўлса ҳам у ўғирлик қила бошлаган. Бунинг устига ичкиликбозлик билан шуғулланган, номаъқул ишлар қилган. Уни бюрога чақиришади. Қилган ишлари ҳақида ҳисоб беради, — хўш, ишдан оламизми? Ишдан олишади. Маст қиладиган ичимликлари йўқ заводга директор қилиб тайинлашади. Уни қарангки, ичимлиги йўқ заводга! Бир адабингни егин! Бу сизгача, эски секретарнинг вақтида бўлган эди.

Дмитрий Сергеич,— деб яна Стародубовга қараб қўйди.— Тихомиров деган секретаримиз бор эди. У киши мана шунақароқ иш қилар эди... Хўш, Сторчак ана шу ичимликсиз заводда ишлаб, у ерда ҳам ишнинг пачавасини чиқаради. Айтишларига қараганда, завод қошида қандайдир лаборатория бор экан, бу лабораторияга спирт берилар экан. Заводнинг ёрдамчи хўжалиги, чўчқалари бор экан, лекин улардан ишчилар баҳраманд бўлмай, директорга закуска тайёрланар экан. Сторчакни яна бюрога судраб қолишади. «Тузалмадингми — энди «Красное знамя»га раис бўлиб борасан. Сухояровога! У ерда оддий сувни ҳам осонлик билан топиб ичолмайсан», дейишадди. У бизга ҳисобот йиғилиши куни келди. Вакил: «Мана шу ўртоқни сизларга тавсия қиламиз», деди. Биз бўлсак, ичмайдиган ва чекмайдиган, лекин бир пуллик иш бермаган раисларни кўриб, пичоқ сўнгагимизга етиб қолган эди. Хўжалик кўтарилиши ўрнига, орқага кетди. Шайтонни раис қилиб берсанг бергинки, аммо тури бошқа бўлсин! Сторчакни сайладик. У раҳбарлик қила бошлади. Донбасслик қандайдир ошнасига шундай мазмунда телеграмма юборади: «Сизларда картошка қанчадан?» У ерга икки вагон картошка жўнатдик. Декабрь ойи эди, совуқ, картошка музлаб қолди, вагондан ағдариб юбориб йўлларни ифлос қилганимиз учун штраф ҳам тўладик. Роса фойда қилдикку! Баҳор келди — ер шудгор қилинмаган, уруғ йўқ. Биз Сторчак билан ёз бўйи сарсон бўлдик, ўрмийиғимни ўз ҳолига ташлаб қўйдик, дон топширишни барбод бердик — у биз билан хайрлашиб қолди. «Хўш, ўртоқлар мен кетяпман,— деди.— Мени яна районга ишга кўтаришяпти».

— Родионич, уни қаерга кўтаришди? — деб кейинги қатордан овоз чиқди. — Нима учундир мен унутиб қўйибман.

— Тагин қандайдир «Заготкождерсирье» конторасига директор қилиб кўтаришган эди, шекилли... «Хайр, яхши қолинглар. Энди мен кетяпман», деди. Биз ундан: «Василий Гаврилич, сенсиз биз қандай қиламиз?» деб сўраб қолдик. «Бир бало қиларсизлар, бирон кимсани юборишар», деди.

Шундай қилиб, биз Василий Гаврилич билан эсон-омон хайрлашдик. Бир ҳафтача бераҳбар ишладик. Бу ерда вакил бор эди, ўша бригадирларга наряд бериб турди. Иннайкейин бизга Павел Федорични олиб келиш-

ди. Аммо уни олиб келишди дейиш ҳам нотўғри. Бу ерга юборишларини унинг ўзи сўраган. У район партия комитетида инструктор бўлиб ишлар эди, шундайми, Павел Федорич? Шундай қилиб, ўзи бу ерга раис бўлиб келишни истаганини билдирди. Бизга бу жуда ёқиб тушди. Ахир, бу одам энг қолоқ колхозга ўз ихтиёри билан келишга қарор қилган. Демак, у колхоз ишига, ғаллакорлик касбига майили бор экан-да. Яна унинг бирор жойда ишлаб, миси чиққанлигини, уни ишдан олишганларини эшитмаган эдик. Хўш... Биз уни раисликка сайладик, у ишни қабул қилиб олди. У қишлоққа келганида, эғнида фронтдан кийиб келган эски шинель. Ўзи озғин, лекин башараси ёш эди. У кейинча меҳнатга уч-тўрт килодан дон тақсимлай бошлаганимиздан кейин семириб кетди... Павел Федорич-чи. Ростини айтганда сен ишни шундан бошладингки, дастлабки кунлардаёқ райком сени партиядан ўчиришига сал қолди. Эсингдами?

— Ҳа, унутганим йўқ.

— Кўряпсизларми? Ҳаммаси эсида-ю, айтиб бергани уялади... Ёки, бу ерда партиясизлар олдида бу ҳақда гапириш мумкин эмасдир?

— Гапир, гапир! — Қўл силтади Стародубов. — Мен буни эшитмаган эдим.

— Шундай бўлиб эди,— деб давом этди Никита Родионич,— ўшанда ҳали биз ғаллани янчиб бўлмаган эдик. Декабрь ойида тагин. Ғалла янчаётган эмас, жон талашаётган эдик, десам бўлади. Ҳар бригададан беш киши ишга чиқар эди. Одамларда ҳафсала деган нарса қолмаганди. Кўриб туришибдики, ҳосил ёмон, мажбурият бажарилган, уруғ билан емга зўрға ортиб қолади, меҳнат кунларига бўлса ҳеч нарса тегмайди. Барибир ғарамда қолган ғаллани, ярмини сичқон тортиб кетган бўлса ҳам янчиб олиш керак. Шунини андиша қилиб сал-пал тимирскиланишарди... Албатта, ҳосилнинг шундай бўлгани учун аввало ўзимиз айбимиз, лекин очигини айтганда яхши раҳбаримиз бўлмагандан кейин биз нима ҳам қила олардик? Биз ахир, Васька Сторчакдан «суд қилдираман» деган гапдан бўлак, одамгарчиликка хос сўз эшитганимиз йўқ-да... Павел Федорич бригадаларни айланиб чиқди, ишимизга зеҳн солди, кўрдик, кунига бир центнердан янчяпмиз, иш шу тариқа кетадиган бўлса янчиладиган ғалла келаси қишгача етади. Қишлоқни айланиб, ишга чиқмай, уйда ўтиргашлардан ҳол-аҳвол сўради,

уларнинг ҳолига ҳам мушук йиғлайди. Айтайлик ўзи бева хотин, бола-чақалари бор, улар билан биқиниб олган, уйда бўлса на ёқилғи бор, на сигирга ем-хашак. Уйнинг тепаси очиқ, шамол уриб туради. Бечора уйда ўтиради-ю, нимага ўтирганини, қачонгача ўтиришини ўзи ҳам билмайди. Раис кечқурун ҳамма бригадирларни идорага тўплаб, уларга шундай топшириқ берди: галла янчиш уч кунга тўхтатиб турилсин, ишга чиқаётган эркакларнинг ҳаммаси бева хотинларнинг уйини ёпиб берсинлар. Уларга похол ташиб келтириш учун қанча керак бўлса, шунча от берилсин, эркаклар фақат шу иш билан, яъни уйларнинг устини ёпиш билан шуғуллансинлар. Тагин, жуда муҳтожларига ёқилғи учун торф келтириб берилсин. Бир вақт қарасангиз, вакил келиб қолди-ку! «Сизга нима бўлди, ақлдан оздингизми?! Галла янчишни тўхтатиб қўйибсиз?! Ўртоқ Назаров! Сени бу ерга нима учун юборган эдик? Сени бу ерга интизомни бузишга юборганмидик?!», деб бояқишни машинага ўтқазиб, Тихомировнинг олдига судраб қолди... У ерда Тихомиров билан икковларининг ўрталарида қандай гап-сўз бўлганини билмайман, чунки мен йўқ эдим, буни ўзи гапириб бера қолсин.

— Тарих бу ҳақда индамай ўтадими? — деб кулди Стародубов.

— Йўқ, тарих индамай ўтмайдику-я...

— Ёзганларингни ўқиб бера бер, — деди Назаров. — Шундай бўлганми, йўқлигини кейин мен айтиб бераман.

— Миш-мишларга қараганда райкомда бюро аъзоларини дарров тўплаб, Назаровнинг бошини танасидан жудо қилмоқчи бўлган эканлар. Кейин, ҳар ҳолда мулоҳазага боришибди: «Биров колхозни эндигина қабул қилиб олган бўлса-ю, уни дарров партиядан ўчириб юборсак, сиёсий жиҳатдан нотўғри бўлади-ку?...» Назаров ҳам албатта ёлвора бошлаган. «Келинлар, менга яна бир ҳафта муҳлат беринглар, — деган, — кейин комиссия юборинглар, мен ҳақмй, йўқлигини текшириб кўрсин». Шундай бўлганмиди?

— Ҳа шундай...

— Бир ҳафтадан кейин, десангиз, ҳар бригададан биттадан эмас, ўттизтадан одам ишга чиқиб кетди!..

— Нега шундай бўлди? — деб гапни бўлди «Красное знамя» колхозчиларидан Королева. — Родионич, сен буни

айтиб бера олмайсан. «Тани бошқа дард билмайди» деганларидек, сен бизга ўхшаб бевалик балосини бошдан кечирмагансан. Аёлларимиз қўшиқда куйлашганларидек: «Уруш тугади мана, мен эса қолдим бева...» Павел Федорич бизнинг бригадамизга келди. Биз уруғлик ғаллани тозалаб омборларга ташиётган эдик. Эркакларнинг ҳаммаси масъул ишларда: бири омборчи, бири тарозибон, бири хирмонбоши, бири учётчик. Ўтириб чекишу, латифа айтишдан бошқа нарсани билишмайди. Шамол машинасини айлантирган ҳам аёллар, машинага ғалла ортган ҳам, тагин бунинг устига бизга яшикдан ўлчов қилиб қўйишган — қуриб кетгурга роса бир центнер ғалла кетади. Қани энди уни кўтариб, машинага ағдариб бўлса! Ичагимиз узилиб қола ёзарди. Павел Федорич биздаги бу қоидаларни бироз тамоша қилиб турди. Бир маҳал қарасак, жаҳли чиқиб, рангги бўзариб кетяпти. Бояги яшикни олиб, ерга чунон урмайдими! Пачоқ-пачоқ бўлиб кетди. «Кимнинг кучига ўлчаб, шунақа сандиқ ясатдингиз,— деди,— хотинларни майиб қилмоқчимисиз? Шу билан ғалла ортишни тезлаштираман деб ўйлайсизми?» Қандай яшиклар ясаш ҳақида бир қоғозга чизиб берди, йигирма килограммдан ортиқ ғалла кетмасин, деди. Кейин ҳамма эркакларни оддий ишларга тарқатиб юборди. Аёлларни эса, омборчиликка, учётчиликка тайинлади... Эҳ, бизга ўхшаган аёлларнинг ҳам ғамини ейдиган кишилар бор экан-ку, деб ўйлаб қолдик. Хўш, биз нега севинмайлик, шундай киши учун — колхоз учун нега яхши ишламайлик? Ёмон ишлашга кимнинг виждони йўл қўяди.

— Қисқа қилиб айтганда,— деб давом этди Никита Родионич,— иккита молотилкани қўйиб, ишни икки сменада гулдиратиб юбордик, қарабсизки, ўн икки кун деганда қолган ғалланинг ҳаммасини янчиб бўлибмиз. Қор ёққунча тугаллаб олдик. Райондан комиссия келиб кўрадики, хато қилишган экан, раисга бекордан-бекорга дўқ уришган экан. Кўринишича, колхознинг иши оёққа босиб кетадиганга ўхшайди...

Назаров бошда, колхозчилар унинг ҳақида гапира бошлаганларида бир оз хижолат тортди. У биринчи қатордаги, Никита Родионич туриб кетган стулга бориб ўтирди. У ўзини қўйгани жой топа олмаётгани сезилиб турар эди. Сенинг ҳақингда гапираётганларида, залга орқангни қилиб ўтириш — ноқулай, одамларга бетма-бет қараб ўтирсанг яна яхши бўлмайди, худди виставкада турган-

дек, мана кўриб олинглар, мен ҳозир қанақаман деяётган-дек бўласан. Ҳозир унинг хижолати ўтиб кетди, бошини кўтариб, кўзларини катта очиб, залга ёнлама қараб ўтирар эди. Залдаги одамларнинг ярми — «Красное знамя»нинг колхозчилари, ҳамманинг икки кўзи унда эди. Ҳамма чехраларда у яхши, илиқ табассум кўрди. Бугунги йиғилиш Назаровни ҳаяжонга солиб қўйди... Йўқ, у ҳамма нарсани ҳам шундай бўлсин, деб қилмаган эди. Кўпини юракдан қилган, уларни ўзи ҳам аллақачон унутиб юборган. Халқ эса эсдан чиқармабди. У бу ерда беш йил ишлади. Беш йил — умрнинг катта бир бўлаги. Унинг ҳар бир босган қадамини билар эканлар...

— Павел Федорич ишни мана нимадан бошлаган эди, — деб сўзини якунлади Никита Родионич Королёв. — Тушунарлими, ўртоқлар? Қишлоқ хўжалиги — бу шундай нарса: агар кишининг руҳини кўтарсанг, у сенга уч бара-вар кўп иш беради. Кўп ишласак нима бўлади? Ўз вақтида экамиз, ўриб-йиғиштирамиз, яхши ҳосил оламиз. Яхши ҳосилдан эса кишининг руҳи тағин ҳам кўтарилиб кетади! Қишлоқ хўжалиги тўғрисида яна сизга шуни айтмоқчиманки, раис эрталаб соат тўртда оёққа турадиган бўлса — пар ёстукда роҳат қилиб ётиш бригадирлар учун ҳам ноқулай бўлиб қолади. Бригадирлардан эса бошқалар ўртак олади. Шундай қилиб, бутун колхоз бўйлаб жонсарақлик деган нарса пайдо бўлади...

Клубдан ҳамманинг димоғи чоқ бўлиб, ҳамма ҳаяжонланган ҳолда тарқалди. Ҳар қачонгидек аёллар кўз ёши қилиб олдилар. Христина Соловьева бир қўли билан кўз ёшини артар экан, ўз раисининг орқасига келиштириб туриб бир мушт туширди ва:

— Эҳ!... — деб юборди.

У мана шу бир оғиз сўз билан кун бўйи кечирган ҳисларини ифода этди.

Стародубов аёлнинг бу овозига тез қайрилиб қаради.

— Бопла, бопла, Христина Семеновна! Бу, териси қалин раисингга сира омон берма! Уни кўчадами, идорадами қаердаки учратсанг: «Нега бизнинг ишимиз «Красное знамя»никидан ёмон?» деб сўрай бер.

— Ўзимиз ҳам, Дмитрий Сергеич, ҳозир шунақа бадтарин бўлиб қолдик! — деб бир неча аёл бирданига гапирди. — Бизни бу ерга ўз бошингларга бало қилиб олиб келдинглар!

— Ҳали райкомга, сизнинг олдингизга келиб ҳам: нега бир текис раҳбарлик қилмаяпсизлар, нега бизнинг колхозларимиз судралиб қоляпти, деб сўраймиз.

— Нима, биз арпангизни хом ўрганмизми?

— Ё қўлингиз бизгача етмайдиган — калтами?

Стародубов хурсанд бўлиб кулди.

— Шундай қилинглар, қизалоқлар, шундай! Денгизчилар айтади-ку: «Шундай ушлаш керак!..»

Лекин хайрлашатуриб, Назаровга ҳам худди:

— Павел Федорич, одамлар ўз кўзлари билан кўриб, ўргангани ҳадеб сенга экскурсияга келишяпти. Бунга ўрганиб қолмаяпсанми? Сен ва сенинг колхозчиларинг учун ўргангани боришга арзийдиган жой йўқми? Ахир, сенинг колхозинг Совет Иттифоқида энг илғор колхозми? — деган маънода дўстона ачитиб бир нарсa демоқчи бўлди.

Аммо Стародубов Назаровга буни айтмади. Назаровни ўнга яқин киши — қўшни колхозларнинг раислари, бригадирлар, МТС директори, Христина Соловьева ва бошқалар ўраб олган эди. Назаров уларга «Овқатланиш учун меникига борасизлар», дейишга улгура олди. Қолган кишилар тамадди қилиб олиш учун баъзи бири сельпога, баъзиси ўз машинасига қараб чошиб кетди. Стародубов Назаровнинг енидан ушлаб олди.

— Городенское ёнидаги дала бор-ку, ўшани сал кечроқ шудгор қилибсизлар. Буни эҳтимол ҳамма ҳам сезгани йўқдир, фақат шудгорнинг тозалигига, унда битта ҳам ўт йўқлигига эътибор беришди. Шудгорнинг тозалигига сабаб шуки, бу дала фақат бир ҳафта илгари ҳайдаб қўйилган. — Стародубов мийиғида кулди. — Тўғрими? Мени алдай олмайсан!

— Молларни боққани қолдиргандик, Дмитрий Сергеич. Келаси ёзда кўрасиз, ўша далада бугдой сира ҳам ёмон бўлмайди. Ишонинг, молларни боққани сира жойимиз йўқ. Бизнинг чорвачилигимизга яна беш юз гектар ер керак. Лекин уни қаердан оламиз?

— Экиш керак, кўпроқ экиш керак! Сунъий ўтлоқлар вужудга келтириш зарур. Хўжаликни маданий усулда бошқариб, худо берадиган ўтга умид боғлашнинг кераги йўқ.

— Сунъий ўтлоқлар ҳам бор, аммо етишмаяпти. Молларни боқиш учун кўпроқ жавдар эсмоқчи бўлган эдик, лекин ўзингиз «Маяк»ка уруғ қарз бердирдингиз-ку... Қаёққа кетяпсиз, Дмитрий Сергеич?

— Кетаман. Стёпа! Машинани олиб кел!

— Меникига кирайлик, овқатланиб олайлик! Эрталабдан бери ҳеч нарса еганингиз йўқ. Соат олти бўляпти.

— Йўқ, раҳмат, борайин. Уйда бирон соат дам олам. Кечқурун эса, ижрокомнинг мажлиси бор.

— Ҳамиша мажлисни баҳона қиласиз. Бекор гап, бугун ижрокомнинг мажлиси йўқ! Нега бўлмаса менга маълум қилишмади? Мен ижрокомнинг аъзосиман.

— Бошқа бир иш... Эсимдан чиқиб қолибди. Қандайдир комиссия бор, йўқ, борайин.

— Бизнинг дастурхонимиздан ҳазар қиласизми?

— Ҳечқиси йўқ, бошқа бирон куни. Хайр. Сенчи, дастурхон устида ҳам уларга ўз раҳбарлик методларинг тўғрисида гапириб бергин. Назаримда бугунги кун бекорга ўтмади. Бу ерда кўрганлари одамларнинг қалбидан чуқур жой олди. Павел Федорич, сен энди, чидайсан, ҳали сени кўп безовта қиламиз, ишдан қўямиз. Ўз хўжалигингни ҳали кўп экскурсантларга кўрсатасан.

Ҳамма билан хайрлашиб, «газик»ка ўтириб, жўнаб кетди...

Назаров машинанинг орқасидан қараб қолар экан, хўрсиниб менга шундай деди:

— Уч йилдан бери районимизда ишлайди-ю, лекин колхозимизда бир стакан сут ҳам ичган эмас, на менинг уйимга киради, на районга борганимда ўз уйига таклиф қилади. Фақат вазифамиз бўйича учрашиб турамиз. Ажралишар эканмиз, гўе бир-биримизга энг асосий нарса ҳақида гапира олмагандай бўламиз...

Мен «Красное знамя» колхозида жуда кўп бўлганман ва райкомда Дмитрий Сергеич Стародубов ҳузурида бир эмас, бир неча оқшомни бирга ўтказганман. Мен бу районга аллақандай меҳр билан астойдил боғланиб қолдим. Бу ерда кўпгина камчиликлар, чала қолган ишлар мавжуд бўлса-да, ҳаёт томири қизгин уриб туради, ҳамма ишда районда «биринчи калла» ҳисобланган райком секретарининг моҳир ва улдабурро қўли сезилиб туради.

Лекин ҳар сафар ҳам мен «Красное знамя» колхози ва унинг раиси Назаров тўғрисида сўз очганимда, унинг ташкилотчилик таланти ва бошқа инсоний фазилатлари ҳақида завқланиб гапирганимда, Стародубовнинг кўзлари

сўниб қолар, қовоғи тушиб кетар, «ҳа, яхши колхоз, ҳа, яхши раис» деган маънода чайналиб қўяр ҳамда гапни бошқа ёққа буриб юборар эди. Бу эса мени кўнгилсиз ажаблантирарди. Стародубов маҳкам оёққа туриб олган, теваарак-атрофга донғи кетган «Красное знамя» ҳақида гапиргандан кўра, райондаги энг қолоқ колхоз ҳақида, у ерда икки кун туриб нималар қилгани, шундан сўнг қандай яхши ўзгаришлар юз бергани тўғрисида сўзлашни минг карра афзал кўрарди.

Буни нима дейиш мумкин? Ишга қизғончиқлик билан қарашми? Бу колхозга энди вакиллар юбориш керак эмасми? У ерда «кампания»лар райком вакиллари бўлмаса ҳам ўз йўли билан бораверади. Энди у ерда Стародубовга қиладиган иш йўқми?

Бир куни мен Стародубовга ана шу саволларни тўппа-тўғри бериб қўя қолдим. У ҳам менга бошқачароқ қилиб бўлса ҳам, тўппа-тўғри жавоб берди.

— Балоғатга етиб қолган болаларингиз борми?

— Ҳа, студент ўғлим бор, иккинчи курсда ўқияпти.

— Менинг ҳам иккита студент ўғлим бор... Ўнинчини битириб институтга киришди, стипендия олишяпти, катта одам бўлиб қолишди — жуда бўлмаганда отасиз ҳам кун кечиришаверади. Сен энди уларга даркор эмассан... Ўсиб, вояга етган болаларингни мустақил ҳаётга кузатиш — аламлидир...

Бир куни Стародубов билан Назаров райкомда менинг олдимда ҳазиллашиб, «колхоз қурилишига мен кўп куч сарф қилганми, сенми?» деб мақтанишиб қолишди.

— Менинг-чи, ўртоқ Назаров,— деди Стародубов,— колхоз қурилишига боғланганимга йигирма саккиз йил бўлди.

— Қанақасига? — қўл силтади Назаров,— колхозлар тузилганига бор-йўғи йигирма икки йил бўлди-ю, биз ўттизинчи йилда колхоз туза бошлаган эдик.

— Сизлар-а? Сизлар эҳтимол ўттизинчи йилда туза бошлагандирсиз. Биз бўлса, Курск областидаги Глебов қишлоғининг батраклари ва камбағал деҳқонлари йигирма тўртинчи йилдаёқ коммуна тузган эдик. Мен бу коммунада тракторчи бўлиб ишлаганман. Районда биринчи мен тракторчи бўлган эдим!

Назаров мийиғида кулиб қўйди.

— Дмитрий Сергеич, мен ҳам минг тўққиз юз йигирма иккинчи йилдан бери колхозчиман, десам, худди ҳозиргидақа таажжубланишади. Ўзим кубанлиман. Бизда қизил партизан коммунаси бор эди. Отам отряд командири эди, коммуна раислигига ҳам уни сайлашди. Ушанда мен ўн тўрт яшар эдим. Дастлабки вақтларда коммунага қарашли сигирларни боқиб юрдим.

— Демак, иккаламиз «подполье» стажига эга бўлган колхозчилардан эканмиз-да?

Комсомоллик йилларини, кулакларни битириш даврини, бандитизм авж олган вақтларни, ёстиқ тагига тўппонча қўйиб, ечинмасдан ухлаган кунларни эслаб чақчақлашишди... Стародубов бирдан безовталаниб қолди, ўрнидан туриб, стол устига ёзиб қўйилган сводкага қалам юргизиб чиқа бошлади.

— Павел Федорич, сен тухум топшириш бўйича бажармабсан. Яхши эмас-да, сводкамизга нуқсон етказилган. Илғор колхоз бўлса. Сендан илтимос қиламан. Йигирманчигача бир амаллаб бажаришга ҳаракат қил...

Назаров ҳам ўрнидан қўзғалди-да, хўрсиниб қўйди.

— Бажарамиз, Дмитрий Сергеич, ўрнига бошқа бирон нарса топширамиз... Инкубатордан нега жўжа олмаганимизни сизларга тушунтирдим-ку. Янги паррандахонани қуриб битказа олмадик. Бунинг устига апрелда қор ёғиб, совуқ тушиб қолди. Жўжани нега олиш керак эди? Ўлдирганими? Паррандалар сонини кўпайтириш планини бир оз кам бажардик, аммо сигирлар бўйича план бир юз қирқ бўлди. Буниси муҳимроқ-да. Ўрнига сут топширамиз. Бугун нечанчи? Ўн иккинчи, ўн тўққизинчида сизга квитанциясини кўрсатаман.

«Красное знамя» колхозининг ишларига яқинроқдан назар сола бошлаганимдан кейин эса шу нарсани кўрдим: йўқ, ўсиб, вояга етган бу ўғилга ҳам ота ҳали керак! Фақат ота ҳам ўғиллари институтга киргандан кейин, ўзининг олий ўқув юртида ўқиган ва титилиб кетган дарсликларига назар ташлаб, унутганларини такрорлаб, янгиликларни ўрганиб турсин. Чунки ўзидан ёрдам сўраб турувчи болаларига нисбатан ҳар қандай минутда ҳам кўпроқ нарса биладиган ва тушунадиган бўлсин...

Стародубов райондаги ҳамма колхозларни илғор «Красное знамя» колхози даражасига кўтаришга берилиб

кетди ва бунӣ жонӣ-дили билан амалга оширди. Энди районда жуда орқада қолаётган колхозлар йўқ эди, деса бўлади. Стародубов вақтида, кейинги йилларда партия активлари орасидан ҳақиқатан энг яхши кишиларни колхозларга раис қилиб юборилди. Бир қанча агрономлар ҳам жўнатилди. Булар чўнтагида олий қишлоқ хўжалик маълумотига эга эканлиги тўғрисида дипломи туриб, отни аравага қўшишни билмайдиган кишилар эмас, балки колхоз ишини севадиган, тажрибали ташкилотчилар эди. Стародубов машина-трактор станциялари билан кўп шуғулланди. Бир куни мен борлигимда собиқ тракторчиларнинг кенгашини чақирди — чунки ҳар бир колхозда машинасини ташлаб кетган ва бири омборчи, бири қоровул бўлиб ишлаётган беш-олтитадан эски тракторчи ва комбайнчи борлигини билар эди — уларнинг ҳаммасини маълум бир куни, маълум соатга райкомга тўплашни буюрди. Кенгашда ҳар бир кишидан нега машинани ташлаб кетганлигини батафсил сўраб чиқди. МТСдаги тартибсизлик чўчитдими, колхозлар ҳақингни вақтида тўлаб турмадиларми, бригададаги маиший шароитлар ёмонмиди, деган саволлар берди. Тракторчиларнинг турмушини яхшилаш билан шуғулланишга ва ҳар бир колхоз билан улар ўртасидаги ҳисоб-китобни текшириб кўришга ваъда берди. Ўзларингиз кўриб турибсизларки, — деди уларга, — МТС ҳар йил кўкламда янги машиналарга шогирд болаларни ўтқазиб қўймоқда, бунинг оқибатида бой техниканинг кучидан тўла фойдаланилмапти. Бу техника сизга ўхшаган тажрибали қўлларга топширилганда, бундай бўлмас эди. Ажойиб, қийин, лекин фахрли касбларини ташлаб кетганликлари учун уларни уялтирди ва койиди. Бу кенгашга қатнашганларнинг кўпи ўз машиналарига қайтишди.

Биз Стародубов билан ўртача колхозга борганимизда раисга керагича маслаҳат ва амалий таклифлар бера олар эди. У аҳвол қийинроқ бўлган жойга — ўртача колхозга борганда, ўзини балиқ сувда юргандагидек ҳис қилар эди. «Красное знамя» колхозига боришни эса ёқтирмас эди. У ерга фақат экскурсия ўтказгани борарди, холос.

Чиндан ҳам у ерда Стародубовга қиладиган иш йўқмиди?

Ҳақиқатан ҳам, йўнғичқани қачон йиғиштириб олишни ва сунъий ўтлоқларга нима экишни Назаров райком сек-

ретари ва ҳар қандай агрономдан ёмон билмас эди. Айтганча, уларнинг ўз агрономлари ҳам бор эди. Мажбуриятлари ҳам улар унча қисталангисиз тўлашарди, уларга вакил жўнатишнинг ҳождати йўқ эди. Хўш, нега Назаровдан шунини сўраш мумкин эмас:

«Шундай бой колхознинг кишилари қачонгача похол том тагида ўтиришади? Шамол эсиб турганда ёнғин чиқса борми — қишлоқнинг ярми куйиб, кул бўлиб кетади. Сен иш бошлагандаёқ бригадирларни бева хотинларнинг уйини похол билан ёпиб беришга мажбур этган эдинг. Ахир, ўшандан бери беш йил ўтди. Эндиликда ўша уйларнинг томини черепица билан ёпиш керак. Агрошаҳарчалар сизларни қўрқитиб қўйдими. Агрошаҳарчалар қуриш эрта кўтарилган масала деб қораланди, чунки бундан муҳимроқ, биринчи даражали вазифалар — ҳосилдорликни ошириш вазифалари бор. Эҳтимол, сизга шаҳар қуришнинг зарурати йўқдир. Лекин қишлоқни ободонлаштириш керак. Сизнинг даромадларингиз ҳозирнинг ўзидаёқ маиший қурилиш билан шуғулланиш имконини беради. Капитал харажатлар учун миллион-миллион пулингиз бор!»

«Хўжалигингизда боғдорчиликка нега бу қадар менсимаслик билан қаралади? Боғлар колхознинг ҳам бойлиги, ҳам тўқинчилиги, ҳам турмушнинг зеби-зийнати-ку. Ун гектар эски, ташландиқ шохлари саниб кетган дарахзор, сизнинг мавқингизга муносиб боғ эмас. Сиз икки юз гектар яхши боққа эга бўлишингиз керак!.. Шундай ҳам бўлади: қишлоқнинг хўжайини бирон нарсага — ё буғдойга, ё чўчқачиликка, ё бўлмаса йилқига берилиб кетади, балки у олмани яхши кўрмас. Лекин колхоз раиси бир ёқлама иш тутмаслиги керак. Чунки колхозда диди ва талаби ҳар хил бўлган минглаб кишилар яшаб, меҳнат қилади. Колхоз раиси ёқтирмайдиган тармоқлар бўлмаслиги керак».

Энг муҳими нима денг? «Красное знамя» колхозини ҳосилдорлик масаласида уч йилдан бери ўрнидан силжидмайди. Яхши ҳосил оляпти, лекин бир жойдан қимирламаётир, ўсиш тўхтаб қолган... Ерга маҳаллий ўғитлар ҳам, химиявий ўғитлар ҳам йилдан-йилга кўп солинмоқда. Сабаб нима? Ҳамма бригадалар илғорлар даражасига кўтарилди-ю, қотди-қолдими? Ҳеч ким янада яхши ҳосил олиш йўлини қидирмаяптими? Ёки тупроқнинг жуда майдаланиб кетгани, унинг структураси бузилиб қолгани

таъсир кўрсатяптими? Балки колхоз далаларида жорий, этилган ўтдалалаб экиш системаси ҳам тупроқ структурасини керагича тиклай олмаётгандир? Колхознинг ерлари ҳақиқатан ҳам ҳайдала бериб, чанги осмонга чиқариб юборилганку-я. «Карпат тоғлари»-чи! Дўнглик жойлардаги тупроқ йил сайин баҳорда ювилмоқда, шунинг ўзи ернинг унумдорлигига нақадар зарар келтиряпти!

Шу чоққача Назаров ишда ўзини саводли, маълумотли раҳбар сифатида кўрсатиб келди, у деҳқончилик маданиятига доир масалалардаги билимлари билан кўп мутахассисларнинг оғзини очиб қўйган эди. Лекин унинг агрономия соҳасидаги билимлари — бу кўпйиллик деҳқончилик тажрибаси, кўп ўқиганлик, ҳар хил агротехника дарсликлари ва журналларини қунт билан ўрганишдан бошқа нарса эмас. Шунинг ўзини ижодий иш деб бўлмайди. Ҳатто у раҳбарлик қилган йилларда ҳам колхоз деҳқончилик соҳасида принципиал жиҳатдан биронта янгиликни жорий этиб, шу билан намуна кўрсата олганича йўқ. Ҳосилдорлик масаласида боши берк қўчага кириб қолмаслик учун, Назаров бутун кучини тўплаб, жонкуярлик билан янги имкониятлар қидириши керак.

Балки унинг Қурган областига, ураллик машҳур новатор-полевод, колхозчи олим Терентий Мальцев олдига бориши керакдир? Мальцевнинг алмашлаб экиш тажрибасини худди мана шу ерда, ўртарус полосасидаги тупроғи чангга айланиб кетган далаларда ўтказиш жуда-жуда муҳимдир! Биринчи қарашда Мальцевнинг агрокомплексига шу нарса жуда «қўрқинчли» бўлиб туюлади: у ерни олти йилда икки марта чуқур қилиб ҳайдайди, тўрт йил давомида эса буғдой билан арпани ҳайдалмаган, лекин дискли лўшчилик билан юмшатиш билан ерга экади. Далани ҳайдамаслик мумкинми? Биронта қолоқ колхозда «ҳа, ҳайдамаслик мумкин», деб кўрчи, кейин бегона ўтларни шундай кўпайтириб юборадиларки, уларнинг олдида чакалакзорлар ҳам ип эшолмай қолади. Аммо, «Красное знамя» — илғор колхоз. Колхознинг агрономи бор. Бригадирлари етарли даражада агротехника билимига эга. Мальцев таклифларини бу ерда оёқ ости қилиб юбормайдилар, бунга ишона берса бўлади.

Мальцев Зауральедаги ўз колхозида бундай алмашлаб экишни «камбағалчилик»дан жорий этгани йўқ. У бундай алмашлаб экишни ер ҳайдашдан қутулиш учун ҳам эмас, балки ҳосилни ошириш мақсадида, тупроқнинг структура-

сини тезроқ тиклаш, демак унинг унумдорлигини ошириш учун киритди. У ишлаётган «Завети Ленина» колхозида ерни йил сайин ҳайдамайдиган бўлиб қолдилар. Бу дала-ларда ҳосилдорлик йилдан-йилга ошмоқда.

«Завети Ленина» колхозининг аъзолари янада огирроқ табиий шароитларда «Красное знамя»га қараганда юқори ҳосил олмоқдалар. Ўша ерга боришни Назаровга мас-лаҳат бериш, уни бунга мажбур қилиш ва ҳатто тўппа-тўғри, вагонга ўтқазиб, жўнатиш керак. «Павел Федоро-вич, гарчи сен Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлсанг ҳам, Терентий Семенович Мальцев олдига бориб, ундан ўргансанг уят бўлмайди. У лауреат ва яқинда академик бўладиган одам. Курган областининг Шадринск райони шундай жойки, қишлоқ хўжалик фанидаги энг қизиқ во-қиялар ҳозир ўша жойда ўтмоқда!..»

...Ҳа, эндиликда «кампания»лар бўйича Назаров учун биқинга туртиб турадиган вакилларнинг кераги йўқдир. Лекин б и р и н ч и с е к р е т а р н и н г колхоз ишларини, колхоз ҳаётини чуқур ўрганиши зарур.

Бир куни Стародубовдан сўраб қолдим:

— Айтингчи, Дмитрий Сергеевич, мана сиз уч йилдан бери районни илғор қиламан, ҳамма колхозларни кўтара-ман, деб уриниб ётибсиз. Сиз ўзингиз, ўз кучингиз билан енгиб ўта олмайдиган, сизга, маҳаллий шароитга боғлиқ бўлмаган ғовлар ҳам борми?

— Бор, албатта, — Стародубов бир оз жим қолди. — Энг зўр иллат — колхозларга кампания тариқасида раҳ-барлик қилинаётгани. Бизга обкомдан вакил келади. Фа-қат бир нарсани, айтийлик, ғалла тайёрлашни талаб қилади. Бошқа гап қулоғига сира ҳам кирмайди. Ахир, бу вақтда қишлоқ хўжалигидаги ишлар тўлиб-тошиб ётган бўлади! Келаси ҳосилнинг, келгуси йилги ғалланинг ғами-ни ейиш керак! Биттасини унутсанг, ҳамма қилган ишинг бир пул бўлиб кетади! Бизни сиқишади, биз ҳам талваса-га туша бошлаймиз, биз ҳам фақат ғалла тайёрлаш бўйича вакиллар жўнатамиз — на шудгор, на уруғ тўкиш, на қиш учун чорвага ем-хашак жамғариш — буларнинг биронта-си ҳеч кимни қизиқтирмайди. Ғалла тайёрлашни тамом-лаганимиздан кейин: ие, шудгор қилиш керак эди-ку! — деб шошиб қоламиз. Бу вақтга келиб қарасангиз, ёғингар-

чилик, совуқ бошланган бўлиб қолади.. Менимча, колхозларга бундай раҳбарлик қилиш методлари юз йилга эскириб кетган!.. Бундай методлар қишлоққа бир-икки йилни мўлжаллаб келган, кейин ўқишга ёки каттароқ вазифага кўтарилиб кетишни ўйлайдиган, «мендан кейин нима бўлса-бўлар» дейдиган баъзи бир райком секретарларини балки қаноатлантирар. Лекин мен қишлоқда туғилиб, қишлоқда катта бўлганман, бу ердан ҳеч қаерга кетишни ўйламайман. Мен бу районга ҳам навбатдаги поезд келгунча чемодан устида ўтириш учун эмас, балки ишлагани келганман.

Стародубов кулиб қўйди.

— Райком секретарларини алмашлаб экишнинг лоақал бутун бир даври ўтганга қадар бир жойга саккиз-ўн йилга биркитиб қўйиш керак! Худди бригадаларга участкаларни биркитиб қўйганимиздек! Колхозларда эгасизликка қарши курашамиз, аммо ўзимизнинг ўртамизда, район ва область миқёсидаги раҳбарлар ўртасида эгасизлик шу қадар авж олиб кетганки, нимасини айтасиз! Бири экади, иккинчиси ўради, учинчиси ҳаммаси учун жавоб беради!..

— Тағин нима бизга боғлиқ эмас?.. Мана, планлаштиришни олайлик.— Стародубов китоблар сақланадиган шкафга ўгирилиб Семенов Тянь-шанскийнинг «Россия» тўпламидан «Ўрта Россия қора тупроқли области» деган томни олди.— Бизнинг районларимиз, тўғрироғи эскичасига айтганда уездимиз, дуккакли экинлардан, нўхат, чечевицадан кўп ҳосил олганлиги билан машҳур бўлиб келган.— Китобнинг варағини ағдарди.— Мана ҳатто фотосурат бор: кемага нўхат ортишяпти. Бу ерда нўхат жуда яхши битганини чоллар ҳам эслашиб туришади, чунки ер ва иқлим шунга жуда мос. Чолларни қўйинг. Тажриба станциямиз бор — станциянинг бир неча йилдан бери тўплаган факт, исботларига эгамиз. Қарангки, бир гектар ҳам нўхат экишга план беришмайди. Арпа экишни планлаштиришади. Арпа бўлса, бу ерда азалдан дуруст битмайди. Бунга ҳам далил-исботлар бор. Қани, арпанинг ўрнига нўхат экиб кўрингчи! Бир неча марта ёздиқ, жанжал қилдик, далил-исботлар келтирдик, ҳеч кимдан садо чиқмайди. Ахир, нўхат ҳам керак! Хўш, нега шунақа планлаштиришади? Эҳтимол, арпа яхши битадиган районларга нўхат беришаётгандир. Бу бепарволик билан кабинетдан туриб планлаштиришдир!

— Тағин нима?.. Мана, ёнилғи нормасини олайлик... Ёнилғининг ортиқча сарфланаётгани учун кўп ҳолларда албатта, ўзимиз айблизмиз. Тракторчилар билан яхши ишламаймиз, МТСда ёнилғини эҳтиёт қилишмайди. Цистерналари тешик, ташишда, заправка қилишда ёнилғининг кўпи ерга тўкилади. Аммо, мана шундай ҳолни олиб кўрайлик. Колхознинг бир участкасида ўттиз беш-қирқ центнердан, мисли кўрилмаган ҳосил етиштирилган. Техникамиз бўлса, бундай ҳосилдан кейинда қолган. Юқори ҳосилли участкаларда ишлайдиган комбайнлардан районимиз учун ҳали сира олганимиз йўқ. Оддий комбайнлар эса, бундай ғаллани бутун хедери билан қамраб кета олмайди. Хедернинг ярим кучи билан ғалла ўришади, шунини ҳам молотилка янчиб улгура олмайди. Демак, бу ерда тракторчига нормани бажармаганлиги учун меҳнат кунлари ҳам оз ёзилади, ҳам у ёнилғини икки барабар кўп кеткизади. Тўғри, МТС директориға айрим участкалар учун ёнилғи нормасини кўпайтириш ҳуқуқи берилган, лекин кўп эмас. Ҳосил ўн центнерли ерларда эса тракторлар билан комбайнлар чопқиллаб юради, нормани ошириб бажарганлар ҳам ўша ерда, ёнилғини тежаб қолганлар ҳам, «ўрим-йиғим илғорлари» ҳам. Ақлга тўғри келмайдиган иш. Тракторчи учун яхши ғаллани ўргандан кўра ўртача ғаллани ўриш анча фойдали бўлиб чиқади!.. Сиз, Назаровнинг «Карпат тоғлари» да қандай бўлаётганини биласизми? Албатта, ёнилғи ортиқча сарфланаяпти, ернинг сатҳи ўшандай бўлгандан кейин бу муқаррар гап. Унинг колхозида ҳосилнинг ўзи ҳам ҳамиша шундай бўладики, комбайнлар чопқиллаб юра олмайди. Лекин унинг виждони ортиқча сарфланган ёнилғининг пулини тўлаш учун кузга бориб тракторчи сигирини сотишиға йўл қўя олмайди. Чиндан ҳам, шундай бўлса болаларнинг «қўли ишдан совуб кетади». Биласизми, у нима қилади? Тракторчилар учун, уларнинг ортиқча сарфланган ёнилғиси учун колхоз кассасидан пул тўлайди. Ё бўлмаса ёнилғи сотиб олиб беради. Бу нарса қонунсизку-я, аммо ер ишлари органларимиздаги ўртоқлар бундай масалаларни тегишинча ўйлаб кўрмаётганларидан нима қила оласан? Қисқаси, ҳали ҳосил бутун қилган ишларимизни баҳолайдиган ўлчов бўлиб қолгани йўқ. Обкомда районнинг биринчилигини, айтийлик, унинг ўрим-йиғимдаги биринчилигини қандай белгилайдилар? Фалон район ғалла ўрим-йиғимини юз процент бажаради — у сводкани безаб

турибди. Улар ўрим-йиғимни далаларида ўриб-йиғиб оладиган нарсанинг ўзи йўқлигидан тезда тамомлашади. Бошоғини бошоғига уриштирсанг, овоз чиқмас эди. Етти центнердан ҳосил олишган. Группанинг ҳам уларга энг пастини беришган, донни ҳам давлатга ўн саккиз центнердан ҳосил олган қўшни районга қараганда уч баравар кам топширган. Хўш, бир ҳафта илгари рапорт топширганликлари учунгина улар «илғор» бўлдимиз?.. Бизга боғлиқ бўлмаган нарсалар жуда-жуда кўп. Агар, тўсқинликлар бўлмаганда, мен бу ерда уч йилдан бери кўп иш қилган бўлар эдим.

Назаров эса маҳаллий шароитга боғлиқ бўлмаган ғовлар ҳақида худди ана шу саволни берганимда ўз колхозни тўғрисида эмас, МТС тўғрисида гап юритди.

Ҳозир колхозда менга ҳеч нарса халақит бермаяпти, десам бўлади. Дмитрий Сергеич билан асосан мурасага келиб олганмиз. Тихомировнинг вақтида анча ёмон эди. Районда ҳамма нарса учун илғор колхозлар балога қолишарди... Эмтээсимизга қарасанг, раҳминг келиб кетади. Ахир, нима бўляпти — капитал қурилиш учун уларга бир тийин ҳам беришмайди! Урушдан илгари иморатлари жуда яхши эди. Немислар ҳаммасини вайрон қилиб кетди. Ушандан бери аҳволлари чатоқ. Устахона йўқ, битта саройчалари бор — учта трактор аранг сиғади, ундан колхозимиздаги темирчилик устахонасининг ўлса, ўлиги ортиқ. Ҳамма асбоб-ускуна ёзин-қийин очиқ ҳавода ётади. Лоақал соддагина айвонлар қуришга ҳам қурбилари етмайди: министрлик пул бермайди. Бу нима — давлат маблағларини тежашми? Бундай тежашга тушуна олмайман! Ўзим раҳбарман, нимадан қисиб қолиб, нимага аямасликни яхши биламан. Тийинни деб, сўмдан айрилсан! Ўзиюрар комбайнлар, молотилкалар, тракторлар, сеялкалар қиш бўйи қор тагида ётади. Асбоб-ускунанинг хизмат қилиш умри уч-тўрт марта қисқаради. Нега илгари деҳқоннинг лобогрейкаси йигирма беш йил хизмат қилар эди? Чунки ўримни тамомлагандан кейин латта билан артиб, қисмларга ажратиб, мойлар эди-да, саройга киргизиб қўяр эди. Бизда бўлса сеялкалар очиқ ҳавода, офтобда, ёмғирла, қорда қолиб кетади. Биласизми, экиш вақтида дискни сеялкани тўғри созлаш, скрипкани созлаш билан баравар. Мана шу скрипкалар қорда ётади-я! Ёғочи чирийди, қайишиб кетади, уруғ ташлайдиган аппаратларини занг босади. Эҳ!.. Эмтээсга фонд ажратадиган ўша

молиячилар қўлларига қалам олиб, деворсиз том, стун, ёғоч, майда-чуйда нарсалар қанча туради-ю, бу томнинг тагида қутқариб қолинадиган асбоб-ускуналар қанча туради,— шунини бир ҳисоблаб кўрсалар бўлмасмикин?.. Эмтээсдаги тракторчилар қишда қандай яшайди, денг? Ремонтга баъзилари ўн беш-йигирма километр жойдан келишади, ҳар куни шунча жойга бориб келиб жонларига тегади. Ахир, ётиб қоладиган, ётганда ҳам иссиққина ухлайдиган, ечиниби-кийинадиган, юз қўлини юва оладиган жой бўлиши керак. Эмтээсда ётоқхона йўқ. Бирлари идорада, яна бирлари кочегаркада — тўғри келган жойда ётиб қолишади. Текшириб қарасангиз — директор айбли эмас. Яна ўша гап — унга қурилиш учун пул беришмаяпти — бошининг минг ёққа ургин, ҳеч нарса қила олмайсан. Мен эмтээсимизнинг директоридан сўрадим: «Балки областда фақат биргина сен бахтсизлардандирсан? Ё бўлмаса пул сўраб ундириш қўлингдан келмайдими, ёки сендан ўпқаланиб қолиб, жазонинг беришяптими?» — «Нега биргина бўлайин? — дейди. — Область бошқармасига кенгашга тўпланишганимизда, директорлар бир-биримиздан сўраймиз. Қўпларга капитал қурилиш учун фонд ажратишмаётибди. Бу «тежаш» бизни роса белимизга теляпти! Қиммат баҳо машиналар эрта сафдан чиқяпти, кадрлардан айриляпмиз, тажрибали тракторчилар МТСдан кетиб қолишяпти... Қишлоқ хўжалиги министрлигининг ходимлари буни кўришадими? Кўришади. Нега бўлмаса фонд талаб қилишмайди?

Стародубов бир куни Назаровдан менга шикоят қилиб қолди:

— Қип-қизил якка хўжанинг ўзи. Ўз колхозни доира-сида ўралишиб қолиб, бошқа ҳеч нарсани тан олмайди.

— Ўралишиб қолди? Бу унга сира ярашмайдиган қилиқ.

— Бюро аъзоси, ижрокомнинг аъзоси-ю, район ман-фаатлари учун қайғирмайди. Ўтган йили ғалла мажбу-рияни бўйича бу йилнинг ҳисобига саккиз юз центнер аванс топширган эди. Ҳозир биз бу авансни чиқариб таш-ладик. Лекин буни райондан чиқариб ташламайдилар-ку! Бунинг устига планларни колхозларга юборганимиздан кейин яна ўн минг центнер дон топширасизлар, деб теле-грамма юборишди. Бошқа районларда аҳвол чатоқ-да.

Қарздор бўлиб қолишмасин, деб қўрққанларидан бизга қўшимча беришибди. «Биз бунимга кимга тақсимлаймиз?» деб сўрасак, «кимга тақсимласангиз, тақсимлай беринг» дейишади... Назаровга: «Павел Федорович! Келаси йил ҳисобига бирор минг центнер тўлаб юбор!» десам, хасислик қияпти... «Дмитрий Сергееч, ўйлаб кўрамиз,— деди.— Мен директор эмас, раисман-ку. Қани, колхозчилар нима дер экан...» Агар шу ўн минг центнерни бажармасам, обкомдагилар менга нима дейишади?..

— Мабодо, ана шу минг центнерни топширса, илғор колхозингиз меҳнат кунига дон тақсимлашда қолақ колхозлар билан барабар бўлиб қолади-ку?.. Аъзолари ёмон ишлаган колхозлар даражасига тушиб қолади-ку?.. Дмитрий Сергеевич, балки мана шу ҳодиса юқори идораларга мурожаат қилишни талаб этадиган ҳодисалардандир? Сизда ҳам, Назаровда ҳам қанчадан-қанча пишиб қолган масалалар бор. Сизлар, колхоз қурилишининг шу қадар яхши практикалари, икковингиз биргалашиб ўтириб, колхозларни мустаҳкамлашга халақит бераётган ҳамма нарсаларни ўздан ўйлаб кўрсангиз-да кейин юқорига ёзиб юборсангиз бўлмайдими?

Стародубов стол устидан «Совет Иттифоқи Коммунист-тик партияси Устави»ни олиб очди, варақлаб кўрди.

— Ҳмм... Мана биз учун ёзиб қўйилган: «Партия аъзосининг ишдаги ярамас ҳолларни яширишга, партия ва давлат манфаатларига зарар етказадиган нотўғри ҳаракатлар ҳақида индамай туришга ҳаққи йўқ», «Партия аъзоси Совет Иттифоқи Коммунист-тик партияси Марказий Қомитетига партиянинг ҳамма инстанцияларига ҳар қандай масала ва ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир...», «Партия аъзоси... дабдабазликка ва ишдаги муваффақиятлар билан хотиржамланишга қарши кура-шиши керак»...

Мен «Красное знамя» колхозининг «солномачиси» Никита Родионич Королев билан ҳам суҳбатлашдим.

— Дмитрий Сергеечгача бизда шундай секретарлар ҳам бўлган эдики,— деб ҳикоя қилди у,— улар кўпроқ бой колхозларга борар эдилар. У ерда жонлари роҳат қилиб дам олади, аёлларнинг шовқин-суронидан бошлари оғри-майди. Қолақ колхозининг биронта бригадасидан ўтиб қолсалар борми, машинани соатига юз километр тезликда

ҳайдатардилар, одамлар уларнинг кетидан қолган тўзонни ҳидлаб қоларди, холос. Бундан ёмон нарса йўқ. Бу — раҳбарлар қийинчиликлардан қўрқади, халқ билан умумий тил тополмаган, деган сўздир. Бу — ўтакетган пасткашлик!...

— Никита Родионич, сиз «Колхоз тарихи»да райком секретарлари тўғрисида ҳам ёзиб борасизми?

— Бўлмасачи! Менимча, колхоз учун ёмон раисдан, колхоз раиси учун эса ёмон райком секретаридан каттароқ кулфат йўқ. Ҳар иккаласи ҳам ножўя бўлса борми, колхознинг кулфати икки баравар ошиб кетди дея беринг... Ўртоқ Стародубов менинг дафтаримда тўққизинчи номерни эгаллайди... Эҳ, бизда ўртоқ Круглих дегани бор эди! Немислар вақтида партизанликда юриб, ҳалок бўлиб кетди. Бамисоли бургут эди! У бўлганда, бизга тиним йўқ эди! Ҳар куни Павел Федоричимизнинг ёғини олган бўларди!.. Дмитрий Сергеич ҳақида эса, нима ёзишимни билмайман. Ҳали ҳозиргача на ижобий, на салбий — бирон нарсасини сезганимча йўқ. Умуман, районнинг ишига қараганда ёмон раҳбарлик қилмаяпти, дейишади, лекин бизнинг колхозга қандай қарайди — буни тушуна олмайсан. Экскурсиячиларни олиб келади-да, уларга ютуқларимизни кўрсатиб — сизлар ҳам мана шундай қилишингиз керак, дейди. Бизга эса бир марта ҳам — мана шундай қилинглар! — деб айтгани йўқ. Наҳотки, биз энг олий нуқтага етиб қолган бўлсак? Худди шимолий қутбга келгандай: қаёққа қарасанг, жанубга, орқага йўл бору, олдинга йўқми?.. Нега тўхтаб қолдик деб, бу ҳақда биз, колхозчилар ташвишланяпмиз? Чунки биз хўжайинмиз, бу ерда биз яшаймиз. Эҳтимол ўртоқ Стародубовни бирорта ўқишга юборишар, Павел Федорични ҳам биздан олиб, каттароқ ишга кўтариворишар. Ҳозирча яхши одамлар бизга тушиб қолган экан, улар билан янада олдинроққа силжиб олгумиз келади! Икковининг ўртасида нега дўстлик йўқлиги ҳақида сизга шуни айта оламан. Ҳамиша ё семиз ориқ билан, ё новча пакана билан дўст бўлади. Иккаласи баб-баравар бўлса, бир-бировига термулиш зерикарлими, нима бало? Энди ақллари баб-баравар бўлсачи — ким кимга ўргатади-ю, ким кимни олдинга туртади?..

Охирги келишимда Стародубов билан Назаровни райкомда қизғин баҳслашаётган ҳолда учратдим.

Бундан олдин шундай воқиалар бўлиб ўтган экан.

Стародубов бир куни районни айланиб чиққандан кейин жуда кеч уйга қайтаётган экан. Йўлда, Сухояровага келганда, у жалада қолибди, ҳатто унинг ҳамма ерда юра берадиган «газик»и ҳам лойга тиқилиб қолибди. Бунинг устига машинанинг устини очиб қўйган экан. Тунаб қолишга тўғри келибди. Колхозчилардан суриштириб билса, Назаров кундуз куниёқ юк машинасида МТСга кетган, бирор жойда тиқилиб қолган бўлса керак, ҳалигача қайтмаган экан. Стародубов уникига бормасдан «газик» тиқилиб қолган жойнинг яқинидаги уйга кириб қўя қобди. Бу собиқ звено бошлиғи, ҳозир бош парранда боқар бўлиб ишлаётган Марина Фомичеванинг уйи экан. Қўшни аёллар Фомичеваларникида райком секретари тунаб қолаётганини эшитиб уларникига чиқишибди. Уйда соат иккигача чироқ ўчмабди, колхоз ҳаёти тўғрисида секретарга жуда кўп нарса айтиб беришибди, унга кўпгина саволлар беришибди, ҳазил-мутуйибалар ҳам, жиддий гаплар ҳам, ҳатто колхоз раиси устидан, бенуқсон ва тенги йўқ Павел Федорич Назаров устидан арз-шикоятлар ҳам бўлибди.

Колхозчи аёллар билан умумий йиғилишда эмас, балки уйда ўтириб бўлган ана шу самимий суҳбатдан кейин Стародубов билан Назаров ўртасида райкомда юқоридаги даханаки жанг бошланган экан. Мен баҳс роса авжига чиққанда келиб қолибман.

— Сен ўша хотинларнинг сўзини эшитсанг эди! — деди Стародубов... — Эҳ, қандай ажойиб халқ-а!..

— Нима, мен уларни ҳеч қачон кўрмайман, эшитмайманми? — жавоб берди Назаров. — Улар билан кунига ўн мартадан учрашиб тураман.

Стародубовнинг ёзув столига «Т» ҳарфи шаклида тиркаб қўйилган узун ва энсиз столнинг икки томонида иккови ҳам кабинет бўйлаб бир-бирига қараб юрар эди, икковининг эғнида ҳам орден колодкалари қадалган офицерлик гимнастёркаси бор, иккалови ҳам новча, елкадор, сал семиз... Иккаловининг кўзида ҳам аллақандай ўхшашликни: юморнинг жонли учқунларини, кўзларининг тегида ва чеккаларида ажинларни кўриш мумкин. Фақат Стародубов малласоч, сочлари орқага қайтариб таралган, Назаровга қараганда офтобда ёқимлироқ қорайган. Юзи худди упа сепгандай оқиш-қора, Назаров эса далада юра бериб, офтобда кўпроқ қорайиб кетган, сочи ма-

шинкада олинган, қоши сийрак, ҳиндилардай қизил бадан.

— Бу, эҳтимол сизга ғалати туюлгандир. Улар билан биринчи марта учрашяпсиз. Мажбурий қўниш тариқасида! Мен бўлса, колхозда яшайман... Улар меҳнаткаш, стахановчи аёллар, хўжалик ҳақида қайғиришади! Буни сини биламан, тагин нима?

— Аммо, сен бу стахановчи аёлларнинг қўлини тутяпсан-да.

— Мен қўлини тутяпман?..

— Шошма, жаҳлинг чиқмасин!.. Павел Федорич, иккаламиз ҳам баъзи нарсаларни кўздан қочириб қўйганга ўхшаймиз. Модомики, одамларга ҳаммадан кўра сен яқинроқ экансан, демак биринчи навбатда сен кўздан қочиргансан... Айтчи, сизларда қайси бригада энг илғор ҳисобланади?

— Учинчи бригада, Николай Грачёв бригадаси. Мусобақанинг текшириш материалларини сизларга тақдим этганмиз.

— Ахир, сизда мусобақа йўқ-ку!

— Нега мусобақа йўқ экан? Ҳамма бригадаларнинг шартномаси, текшириш комиссияси бор, ёз бўйи уч-тўрт марта текшириш ўтказиб турамиз!..

— Гап шартномада, қоғозда эмас-да!.. Хўш, сизларда кимнинг бригадаси энг қолоқ?

— Васюков Михаилнинг бригадаси, олтинчи бригада.

— Ҳосилдорлик бўйича учинчи бригада билан олтинчи бригада ўртасида қандай тафовут бор?

— Саксон килограмм...

— Бир центнер ҳам эмас?.. Иккаласининг фарқи озгина. Буни қанақасига қолоқ бригада дейиш мумкин?

— Демак, менинг айбим колхозимизда қолоқ бригадаларнинг йўқлиги экан-да?

— Қолоқ бригадаларинг йўқ экан, деб сени айблаганимда-чи, Павел Федорич,— деб Стародубов кулди ва унинг рўпарасида тўхтади,— мен қип-қизил аблаҳ бўлар эдим. Ҳамма бало, сизларда қолоқ бригадаларнинг йўқлигида эмас, олдинга кескин ёриб чиққан бригадаларнинг йўқлигида! Фаҳмладингми?.. Лавлагидаги звенолар-чи? Биладан, ҳамма ҳосилни жамлаб кўрмагансизлар, аммо энг ёмонлар билан энг яхшилар ўртасида катта тафовут бўлмаслиги эҳтимол. Текислашиб қолдингларми? Шунақами?..

Стародубов астойдил куйиб-пишиб баҳслашар, қўллари пахса қилар, ҳатто баъзан тўхтаб, столни муштлаб қўяр. Лекин мунозарада ўзининг устунлигини англаганидан, мустаҳкам таянч нуқтасини топиб олганини сезганидан бўлса керак, қувноқ эди. Назаров қошларини чимираб, зарда билан бирин-кетин папирос чекар. Стародубовга хўмрайиб қараб қўяр эди. Стародубов унинг шаънига аччиқ сўзлар айтганида аччиқланганидан ҳатто лаблари титраб кетарди... Ҳа, Павел Федорич танқидни эсдан чиқариб юборибди! Неча йилдан бери кишилар таълим олгани, фақат унинг олдига келишади-ю!

У райком секретарига жавоб бергунга қадар, узоқ вақтгача фикр қилди.

— Мен, Дмитрий Сергеич,— деди у,— колхозга раис бўлиб келганимдан кейин дастлабки кунларданоқ шунга қарор бердим: бунақа кўз бўямачиликка барҳам бериш керак! Уч гектар ердаги рекордлар билан ўзимизни овунтирамиз-у, қолган минг гектар ерда ҳосилдорлик юзасидан давлат планини бажармаймиз!

— Тўғри қарор қилгансан... Фақат сен умуман ҳар қандай рекордларни ҳам бекорга кўз бўямачилик, деясан. Дастлаб, кичкина участкаларда бўлса ҳам, агар илғор фанни жорий этсак, астойдил ишласак, еримиз мана нима бера олади, деб колхозчиларнинг кўзига кўрсатиб қўйиш керак эди. Кейинчалик, бу нарсани кимдир, қаердадир кўз бўямачиликка айлантириб юборди...

— Қаердадир эмас! Бизда, районимизда ном чиқарган иккита звено бор эди: бири «Вперед» колхозида, Агриппина Плотникова звеноси, иккинчиси Чкалов номли колхозда Ефросинья Сомова звеноси. Фақат шулар билан мақтанишар эди. Бу звенолар теварагида қанчадан-қанча шовқин, дабдаба! Ҳамма слётларда фақат улар тўғрисида гапиришар эди. Район эса уч йилгача сурункасига дон топшириш планини бажармади!.. Мен колхозга келганимда аёлларга шундай дедим: ҳосил учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб курашамиз. Минерал ўғитларни ўн барабар кўп ташиб келтирамиз, ҳаммага етарли бўлади! Бир жуфт ортиқча ҳўкизни, бир центнер ортиқча уруғни деб, бир-бирингиз билан буйдалашиб, жанжаллашиб юрмаслигингиз учун мана, сизга ҳамма нарсани баббаравар тақсимлаб бераман, ҳеч кимга, ҳеч қанақа имтиёз бўлмайди!

— Жанжални ҳам босибсан, мусобақани ҳам йўққа чиқарибсан...

— Мусобақани йўққа чиқарибсан?.. Илгариги мусобақа — косибчиликнинг ўзи эди, Дмитрий Сергеевич! Парихонлик эди! Ҳар бири ўз бўлтагида ўтириб, иссиқ-совуқ қилишдан бўшамас эди.

— Сен бўлса, мусобақани нима билан алмаштирдинг?.. Сизларда ҳам рекордчи аёллар бор эди. Плотникова билан Сомовага ўхшаш машҳур бўлишмаса ҳам, ўз вақтида анча иш қилишган эди. Хўш, механизация юксак даражада бўлса, тракторчилар ҳамма майдонларда экиб, йиғиштириб берсалар, раис бетамиз бўлмаса, агротехникани бошқалардан яхшироқ билса, бундай колхозчилар мусобақадан чиқариб юбориладими? Ўҳ, шундай бўлмаса керак!

Стародубов ўтирди-да, бир минутча жим турди.

— Марина Фомичева: «Биз, сержантлар бўлмасак, сизлар, батальон ва полк командирлари жанг қила олармидингиз?» — дейди. Эшитяпсизми? Армиянинг тартиб-қоидаларини билишади! Уруш вақтида кўп нарсани кўриб, кўп нарсани эшитганлар. «Фронгда, — дейди, — жангчиларни ким атакага қўзғатади? Сержантлар! Сержантларсиз армия — армия эмас», ҳа... Марина сендан хафа.

— Нега?

— Сенинг раҳмдиллигинга. Юра берма, ўтир, кўзни тиндириб юборяпсан!.. «Етти йил, — дейди, звено бошлиғи бўлиб ишладим, кишиларга раҳбарлик қилишни сал-пал билиб олдим, далага ҳам ўрганиб қолдим, беш марта курсга юборишди, агротехникани ўргандим, Павел Федорич бўлса мени бош паррандабоқар қилиб тайинлаб қўйди. «Дам олгин, — дейди, — ўлгунча бел букиб ишлармидинг». Йўқ, мен дам олишни истамайман! Ғаллачиликда звеноларни йўқ қилдингларми? Тўғри қилдинглар, механизацияга ҳалақит берар эди, — хўп энди бўлмаса, менга бригада беринглар! Васюков Михаил, — дейди, — олтинчи бригада бошлиғи эмас, нарядчиси — Павел Федорич нима буюрса, шуни қилади, ўз бошича бир иш қилолмайди. Менга шу бригадани, мана бу қизларни беришмайдими, — бу қизларга мен етти йил раҳбарлик қилганман, уларни ҳам бирини омборчи, яна бирини учётчик қилиб ҳар томонга таратиб юборишган, — Москвага, академияга бормаيمانми, мен билиб-билмай товуқларнинг патини

силаб юргунча агротехникада нима янгиликлар бўлганини у ердан ўрганиб қайтмайманми. Балки, биронта академик бизни оталикка олар! Олишарди ҳам!.. Колхозда ҳосилнинг чегараси йўқлигини кишиларга кўрсатиб қўярдик!.. Павел Федорич,— дейди,— калласини ишлатмайдиган ёрдамчиларни яхши кўрса керак. Унга фақат бригадир номаъқулчилик қилмаса, бемаҳал арақ ичмаса, сахархез бўлса, айтганларини гап қайтармай ўрнида бажо келтирса бўлгани»...

Назаров столга яқин ўтирди.

— Бекорларни айтибди Марина!

— Билмадим... ўзи зийрак хотинга ўхшайди... Сенда қолоқларнинг йўқлиги — бу, жуда яхши нарсаси, — деб давом этди Стародубов, — ҳаммасини илғор қилгансан. Лекин яна кимдир олдинга ёриб чиқиши керакми?.. Хўп, сизлар ҳақиқатда ҳам умуман юқори ҳосил оляпсизлар, аммо бу ҳосилнинг охириги чегараси эмаслигини ҳамма тушунадик. Мана шу тепаликдан сенинг биронта бригаданг узоқроққа сакрамоқчи. Ўзида ҳозир сизларда қўлланилаётганидан ҳам мураккаброқ агротехника комплексини синаб кўрмоқчи. Жуда соз, дастлабки пайтларда бу бригадага кўпроқ ёрдам бериш керак бўлар. Уларга кўшни кўпайтириш керак — чунки улар ерни тузукроқ ишлашади — уруғни кўп бериш керак — эҳтимол улар экинчи нормасини кўпайтиришар. Минерал ўғитларни ҳам кўпроқ сўрашлари мумкин. Ҳаммадан зарури — ташаббускор бундай кишилар ҳақида кўпроқ ғамхўрлик кўрсатиш керак. Лавлагиди бўлса, звенолар қолган. Балки, биронта звено гектаридан уч юз эмас, минг центнердан ҳосил олиш мумкинлигини ҳаммага кўрсатишни истар! Сен бўлса: «Кўз бўямачилик! Алоҳида шаронтилар!» дейсан. Йўқ. Йўқ! Бу маяк!.. Илғорларни «абადий биринчилик» билан талтайтириб юбормаслик, мусобақани ўрнида қотириб қўймослик керак, десанг, бу — бошқа гап. Бир бригада олдинга отилиб чиқдими, ҳосил олишига қараб унинг тажрибаларини текшириб кўр, бу ҳамманинг қўлидан келадиган иш эканлигига кишиларни ишонтир — дарҳол қолган бригадаларнинг ҳаммасини ҳам унинг даражасига етказ. Кейин олдинга қараб интил! Менингда шундай, тўғрими-а?.. Паст даражадами, юқори даражадами қотиб қолдингми, барибир буни қотиб қолиш дейилади, қадрли Павел Федорич! Бундан ваҳимали нарсаси йўқ! Энг яхши, намунали колхозимизда ҳаёт тўхтаб қол-

ган. Уч йил мобайнида ҳосил ярим центнерга ҳам қўпаймабди! Бу, бюро мажлисида махсус муҳокама қилишга арзийдиган масала! Сени роса сўкамиз! Ўзимиз ҳам ландовурлик қилибмиз, қарай олмабмиз, деб гарданимизга олишимиз керак... Кўнгилчан одамсан,— деб мийғида кулиб қўйди Стародубов,— колхозчилар ҳам сени кўнгилчанлигинг учун севиб қолишган. Энди бўлса, кўряпсанми, ўпкаланишяпти... Биласанми, халқ ўзини аяшларини ҳам, керак бўлганда туртиб ҳам туришларини севади. Сен бўлса: «Менга қолоқлар ҳам, рекордчилар ҳам керак эмас! Ҳамма учун ўзим фикр юритиб, ўзим қиламан!» дейсан. Ўз обрўйинг билан ҳаммани ва ҳамма нарсани босиб қолибсан... Балки, колхозда сендан бўлак ўнлаб кишилар ҳам Олтин Юлдузча тақиб юришни ишташар. Тақиб юришга муносиб эканликларини исботлаб ҳам берадилар!

Назаровнинг куйган юзи гоҳ бўздек оқариб кетар, гоҳ териси тарс ёрилиб, қон отилиб кетадигандай бўлиб қизариб кетар эди. Бармоқлари билан ўчиб қолган папиросини сиқиб ушлаб турган столдаги қўли қалтирарди.

— Дмитрий Сергеич, оборот маблағларининг сўнгги тийинларигача суперфосфат ва йўнғучқа уруғи сотиб олганимда, на бу юлдузчани, на обрўни хаёлимга келтирган эдим,— деди у.— Ўша вақтда Сторчакнинг ва ўзимгача ишлаб, колхозни издан чиқарган бошқа раисларнинг айби билан тўланмай қолган ярим миллион қарз-ни узиш дардида эдим. Майли, деб ўйладим, колхоз ишлари кенгашига ёзаман, аҳволимизни эътиборга олишар. Ҳосилсиз эса биз яшай олмаймиз!

— Ишонаман, Павел Федорич, ишонаман,— Стародубов унинг елкасига қўлини қўйди.— Колхоз яхши бўлсин деб, кечалари ухламай ўйлаб чиқишингга ҳам ишонаман. Лекин ҳаммасини бир ўзинг уддалаёлмайсан. Ҳамма учун бир ўзи фикр қилиб чиқа олмаслигини тушунса ана шуни ақлли калла дейиш мумкин. Бундан ташқари ўзинг фронтчисан, асосий кучлар билан жанг олиб бориб, олдинга ҳамиша разведка юбориш кераклигини яхши биласан!.. Яқинда кабинетни қулфлаб, уч кунга сенинг колхозингга бораман, биргалашиб, уйларни айланиб чиқамиз, кишилар билан сўзлашамиз — кўрасан, бир эмас, бир нечта янги Мария Демченколарни топиб оламиз!..

Назаров ўрнидан туриб креслони зарб билан бир чеккага суриб қўйди-да, яна кабинет бўйлаб юра бошлади.

— Ўзим ҳам топар эдим! Нима, одамларимни билмайманми? Яхши тажрибани қабул қилиб келиш учун Уралгами, Узоқ Шарққами, қаерга бўлмасин боришни истайдиганлари борлигини ҳам биламан. Ўзим ҳам жон деб борар эдим-у, қайси бир ишга ёпишишимни билмайман!.. Колхоз раиси нима билан шуғулланади, деб бирон марта унинг иш кунини эртадан кечгача ёзиб юрсангиз яхши бўларди. Энг асосий масала тўғрисида ўйлашга унинг ихтиёрида қанча вақт қоларкин? Раис хўжалик мудирини эмас, у ҳам илму маърифатдан орқада қолмаслиги, ҳам кишилардан ажралиб қолмаслиги керак. Бизни эса икир-чикирлар ёзиб юборади!.. Мана, ҳозир ўртоқ Маленковнинг ўн тўққизинчи съездда қилган нутқини ўқиб чиқдим,— биз раисларга анча енгиллик бўлар экан. Эндигина ўзим черепица заводи қурмоқчи бўлиб турган эдим, ўртоқ Маленков: керак эмас, саноатимиз бунинг уддасидан чиқа олади, дейди. Тўғри, керак эмас! Ахир, нимаики бало бўлса колхоз раисининг бошида: бинокорлик учун мих топиш ҳам, том ёпишнинг ғами ҳам, отга тақа ҳам, бўйинча ҳам. Баъзи раисларга қарасанг, раисга ҳам, ҳатто хўжалик мудирига ҳам ўхшамайди, худди экспедиторнинг ўзи! Кечаю кундуз ҳар хил контораларда «снаб»ларда умри ўтади, қидиради, топади, тиланчилик қилади, бир нарсани иккинчи нарсага айрибошлайди. У бу нарсаларни қандай йўл билан топаётибди, деб колхоз раиси устидан жиноий иш қўзғатиш мумкин. Ўз заводларимизни ҳавасга очибмизми? Ёғишт пиширамыз, темирчилик учун ўтин ёқиб кўмир тайёрлаймыз, арава мойини ҳам ўзимиз қиламыз. Ёғилдирак ҳам қиламыз, тиркиш ҳам эгамиз, арғамчи ҳам эшамиз. Колхоз эмас, қандайдир ҳунармандчилик комбинати дея беринг! Хўп, мени мана шу ишлардан озод қилинг, кейин ҳосилдорлик ишлари билан кўпроқ шуғулланадиган бўламан! Хўш, қандай қилиб қутқаза оласиз? Яхши, мен ёғишт заводини ёпиб қўяйин. У ердаги одамларнинг ҳаммасини далага чиқарайлик. Лекин биз қурилиш учун ёғиштни қаердан олиб келамиз? Бизга ёғишт кўп керак! Бир юз эллик километр наридан, Курскдан олиб келамизми? Жуда қимматга тушади!

— Павел Федорич, районни ёғишт билан батамом таъмин қила оладиган завод қурамыз.

— Аллақачон қуриш керак эди! Маҳаллий саноатни ривожлантириш керак, Дмитрий Сергеич! Бу ҳақда бош

қотириш — сизнинг вазифангиз! Магазинларга бўйинча, арава ғилдираклари, мебелни тўкиб ташламайсизми!..

— Мана сенинг ёрдамнинг билан ҳамма нарса тўғрисида бош қотириб чиқамиз. Сен ҳам бюро аъзосисан. Аммо, бу ғилдираклар гапимизни четга буриб юборяпти.

— Йўқ, Дмитрий Сергеич, бу жиддий гап! Ургимчак ўраб олгандай, нима қилишимизни билмаймиз! «Уни топ, буни топ»дан қутулсак, миямизнинг ярми бошқа ишлар учун бўшайди.

Назаров дераза тоқчасига бориб ўтириб, деразани очиб юборди. Деразадан тамаки тутунни буралиб чиқиб кетди — кўчадан қараганда райкомда ёнғин бўлганга ўхшаб кўринган бўлса керак.

— Ўртоқ райком секретари, илгари қаерда эдинг? — ўзини анча босиб олган Назаров узоқ жимликдан кейин совуқ мулоим «сиз»дан «сен»га ўтиб гапирди. Унинг кўзларида табассум учқунлари чақнади. Менинг олдимда Стародубовни «сен»сирагани ҳам шу бўлса керак. — Яхшиям бахтимизга Сухояровада лойга тикилиб қолибсан. Бирон марта ҳам бизда бир соат ортиқча бўлмас эдинг. Бундай очикроқ гапириша олмасдик. Ўз билганимизча ишлаб юрибмиз! Нима учундир бизнинг колхозимиз сенга ёқмай қолган.

— Колхозингиз менга ёқмай қолганми? Аҳмоқона гаплар!

— Сен ҳам кўнгилчанлардан шекилли. Камбағалларни севасану, бойларни севмайсан. Кўряпсанми! Бойларнинг ҳам ўзига яраша дарди бор, Дмитрий Сергеич. Нимаики қилган бўлсанг, ҳаммаси бурчинг талаб этганича қилгансан. Бизни мақтадинг ҳам, бизга одамларни ўқитгани олиб бординг ҳам, лекин барибир бизни ёқтирмас эдинг... Ё мен сенга калбашара кўриниб қолганманми?

— Нима, сен қиз боламидинг? Сенинг ҳуснинг керакми менга? Калбашара кўриниб қолганманми эмиш!..

— Йўқ, шунақа ҳам бўлади... Эҳтимол ўз йўлимча иш тутиб, ҳеч маҳал райкомдан ёрдам сўрамаганим ёқмай қолгандир, менга ҳам ёрдам керак, лекин бошқаларга керак бўладиган ёрдамдан эмас. Агар менга эмтээсдан бузуқ комбайн юборсалар мен бундай бачкана иш учун райкомга югуриб юрмайман, бир балo қилиб ўзим тузатдириб оламан.

Баҳс сўнди. Мен чемоданимни олиб келгани меҳмонхонага кетдим. К. МТСга боришим керак эди, ўша ерга райкомдан машина борар экан. Йигирма минутчадан кейин Стародубовнинг кабинетида кирганимда икковлари баланд дераза тоқчасида оёқларини осилтириб, фронтда бошдан кечирганларини эслашиб ўтиришар эди.

— Демак, сен Қрим атрофида генерал Книганинг кавалерия дивизиясида бўлган экансан-да? — деб бармоқларида папиросни эзиб сўради Стародубов.

— Шундай. Иккинчи эшелон билан Михайловкада турган эдик. Фронтни ёриб ўтишга тайёрланаётган эдик, кейин бизни пиёдалаштириб юборишди.

— Мен эса денгиз пиёда аскарлари сафида, саксон иккинчи бригадада бўлганман. Рота командири эдим. Иккаламиз Керчьда биргалашиб урушган эканмиз-да? Ёнма-ён!..

— Ҳа, ёнма-ён... Биласанми, Дмитрий Сергеич, нима бўлди, Қрим фронтдан кейинроқ мени бошқа армияга олиб юборишди. Берлингача туғишган иним билан битта дивизияда бориб, учрашмабмиз. Бошқа-бошқа полкларда эканмиз. Урушдан кейин бир-биримизга хат ёзиб сўрадик: сен қайси дивизияда эдинг? Фалон дивизияда. Мен ҳам ўша дивизияда эдим-ку! Нега бунақа бўлди?... Ҳозиргача у билан кўриша олмайман. У инженер, Қозогистонда қурилиш бошлиғи бўлиб ишлапти.

Эшикни секин очиб қабулхонада ўтирганлардан бири мўралаб қўйди. Стародубов дераза тоқчасидан сакраб ерга тушди.

— Хўп, ўртоқ Назаров, эртагача хайр! Уч кунга сизларникига бораман. Сен эса шанба кунда бўладиган бюрогача «Красное знамя» колхозида ҳосилдорликни ва чорвачилик маҳсулдорлигини янада ошириш тадбирлари тўғрисида» деган тема бўйича доклад тайёрла.

— Чорвачилик ҳақида гапиришмадик, шекилли.

— Ҳечқиси йўқ, ўшанда гаплашамиз. Фермаларни экскурсиячиларсиз, икковимиз айланиб чиқамиз. Мендан хафа бўлиб юрмагин тагин. Менга одамлар айтишди, мен эса сенга айтаяпман. Кел, шундай ишлайликки, кейинчалик биронта солномачи: «бизда башараси дубдуруст, қўл-оёғи бутун, соппа-соғ фалон-фалон ўртоқлар ишлашган эди-ю, аммо эсда қоладиган ҳеч нарса қилишмаган эди», деб ёзиб юрмасин.

— Узим ҳам шундан чўчийман,— деб мийиғида кулди Назаров,— тарихга тескари тарафдан кириб қолмайин, деб қўрқаман... Бизнинг Никита Родионичми? У аямасдан ёза беради!

— Ёза беради!...

Иккалови роса кулишди.

— Сен эса менга бекорга игна санчяпсан: «Мажбурий қўниш тариқасида. Бу, эҳтимол сизга ғалати туюлгандир. Мен бўлса, колхозда яшайман» деб. Хўп, мен колхозда яшамайман. Нима қилай, вазифам шундай экан. Менга йигирма учта колхоз қарайди. Уйимда тунайман. Уйим эса колхозда эмас, район марказида. Балки обком секретарига ҳам колхозда яшашни буюрарсан?

— Ундай бўлса, улар билан яқинроқ яшиб, баъзи нарсаларни биринчи галда сен кўздан қочирибсан, деб мени ҳам айблаб ўтирманг-да. Мен уларнинг ёнидаман, сиз эса тоғнинг устидасиз. Менга қараганда камчиликлар сизга яхшироқ кўринади. Қайси томонга юришимизни бизга кўрсатиб туринглар! Нега вақтни бекорга ўтказамиз!

— Тўғри, вақтни бекорга ўтказмаслик керак... Ўртоқ Назаров, колхозда яшамасам ҳам, ерни сенчалик яхши кўраман. Ҳатто ерда нимаики ўсса, ҳаммасини яхши кўраман... Эҳтимол эртага ўсадиган нарсани бугун ўсаётган нарсага қараганда кўпроқ яхши кўрарман!

Остонада бир-бирларининг қўлини маҳкам қисишди. Стародубов яна жойига келиб ўтирди.

... Телефон жиринглади. Навбат кутиб турганлар ташриф этишди, бўлим мудирлари резолюция ва докладномалар проекти билан шошиб кириб кетишди, ёрдамчи областдан эндигина келган ва ҳали елими қотмаган телеграммаларни олиб кирди.

Райком секретарининг иш куни давом этар эди.

ИККИ ГУЛХАН

(Езувчининг заметкалари)

Областда энг қолоқ ҳисобланган М. район партия конференциясининг делегатларидан бири райком ҳисоботи юзасидан музокарага чиқиб, шундай деган эди:

— Биз бу ерда қишлоқ хўжалигининг энг яхши му-
тахассисларини, партия активининг энг яхши кишиларини
колхозларга раис қилиб юбориш керак деб бир неча кон-
ференциялардан берли бир-биримизга тушунтириб ётиб-
миз, жуда кўп гапираётимиз-ку, иш ҳамон бояги-бояги.
Колхозга боришни истовчилар нимагадир кам. Талабгор-
лар йўқ, мажбур қиладиган киши ҳам йўқ: районда қаттиқ
қўл бирон киши ҳам топилмаётир. Ҳаммамиз кўриб ту-
рибмизки, район барча кўрсаткичлар бўйича орқада суд-
ралиб қоляпти, бундай аҳволга бундан кейин чидаб бўл-
майди... Мен бир кун кечаси дарё қирғоғида икки гулхан-
ни кўрган эдим. Куз вақти, анча совуқ тушиб қолган,
балиқчилар гулхан атрофида исиниб ўтиришибди. Гул-
ханлардан бири кечаси билан гувиллаб ёниб чиқди, улар
ўтинни ғамлаб қўйишган экан, гоҳ у, гоҳ бу балиқчи
ўрнидан туриб гулханга шох-шабба ташлаб қўяр, гулхан
устидagi челақда сув қайнаб ётарди. Балиқчилар кийим-
кечакларини ҳам қуритиб олишди. Иккинчи гулхан атро-
фидаги балиқчилар эса шумшайишиб, совуққа қотган
қўлларини милтиллаб ёнаётган чўғ устида бир-бирига
ишқаб ўтиришарди, лекин ўрмондан ўтин олиб келади-
ган азамат йўқ эди. Ўрмон эса шундай яқингинада, ора-
си юз метрча келарди. Боришга талабгор ҳам йўқ, маж-
бур қиладиган киши ҳам йўқ: бригадир бўлса ухлаб қол-
ган. Бу бизнинг ташкилотимиздаги аҳволга жуда ўхшаб
кетади!..

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, бу М. райони колхозларининг
аҳволига жуда ўхшар эди.

Ҳар йили ҳосил районда ўртача ҳисоб билан олти-етти центнердан ошмайди. Ҳамма бало ана шу кам ҳосилликдан келиб чиқади. Чорвачиликда ем-хашак етишмайди, колхозчилар меҳнат кунларига кам дон оладилар, колхозларнинг пул даромадлари ҳам кам бўлади, ҳеч нарса қурилмайди, клублар йўқ, маданият йўқ, кечқурунлари зерикарли. Ҳосилнинг ёмонлигига сабаб шуки, айрим колхозларда беғам ёки иш билмас кишилар, баъзан эса ундан ҳам ёмони — пияниста, ношуд ва жамоат манфаатини кўзламайдиган кишилар раислик қиладилар. Партия ташкилотида мингга яқин коммунист бўлган районда наҳотки колхозларга яхши раҳбарлик қила оладиган ўн-ўн беш кишини танлаш шунча қийин бўлса!

М. районининг раҳбарлари раислар составини аввалги йиллардагидек қайта кўриб чиқишга ўрганиб қолганга ўхшайдилар. У вақтларда раислар состави областдан юборилган «лимит» бўйича кўриб чиқиларди. Одатда декабрнинг охирларида, колхозларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланиши олдидан райком секретарига ёки район ижроия комитети раисига областдан телефон қилишарди: «Бу йилги ҳисобот-сайлов кампаниясида сизга уч колхоз раисини алмаштиришга рухсат этилади». Агар район ходимлари: «Бизда яна бир неча ишни эплай олмаётган раислар бор. Буларни нима қиламиз?» деб эътироз билдирсалар уларга: «Шошилманг, оғайнилар, ҳали олдингизда экиш-йиғиш кампанияси борлигини унутманглар», деб жавоб беришарди. Шундай қилиб, ишга яроқсиз раисларни бутун йил бўйи ишдан олиш учун олдиндан «резерв» қолдирилар эди. Кўкламги экишни барбод этганлиги учун, йиғим-теримни барбод этганлиги учун, ғалла тайёрлаш графигини бажара олмагани учун ишдан олиш мақсадида яна битта-иккитадан «лимит» белгиланарди.

Колхоз раислари учун кадр танлашга ана шундай расмийатчилик билан қарашга ўрганиб қолган район раҳбарлари КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларининг чуқур моҳиятини ҳозиргача ҳам тўла тушуниб етганлари йўқ. Кўкламги экишни ёки йиғим-теримни барбод этиши олдиндан маълум бўлган ёмон раисни бирорта ҳам колхозда «запас учун» қолдириш мумкин эмаслигини; мутахассисларни, партия активидаги энг яхши ўртоқларни колхозларга юбориш — навбатдаги «кампания» эмас, балки расмийатчилик билан қарашга сира йўл қўйиш

мумкин бўлмаган ғоят катта давлат аҳамиятига эга бўлган иш эканлигини; колхоз раиси бўлиб ишлаётган ёки раис бўладиган кадрларни қайта кўриб чиқиш ва танлаш ишига чуқур мулоҳаза билан ёндошиш лозимлигини ва «энг яхшиларнинг энг яхшисини» танлаб олиш керак деган гап — қуруқ сафсата эмаслигини улар чуқур тушуниб етмаган эдилар. Ҳа, аппаратдаги энг яқин ёрдамчиларни, энг яхши ходимларни колхозга юбориш, балки жуда оғир бўлар. Ахир, худди ўша ерда, халқ ичида, ерда ҳосилнинг тақдири ҳал этилади, колхозлар бойлиги вужудга келтирилади-да!

Йўқ, район раҳбарлари буни негадир ҳалигача англаб ололганлари йўқ.

Бу ерда колхоз раисининг мураккаб, кўп тармоқли ишини эплай олмаслиги аниқ бўлган мутахассисларни ҳам колхозга юбориш ҳалигача давом этапти. Ёки у кишида ташкилотчилик қобилиятидан асар ҳам йўқ, халқдан кўрқади, омма билан ишлай олмайди, ёки у колхоз даласини бундан йигирма йил илгари кўрган (ҳатто комбайннинг қандай ишлашини билмайди) ва ўшандан бери ертўладаги «Зангори Дунай» пивоҳонасида эрталабдан кечгача пиво насосини тақиллатиш билан овора бўлиб, қуёшни ҳам, табиатни ҳам кўрмасдан агрономликни бутунлай эсдан чиқариб юборган. Уқиб ўрганганларини аллақачон унутган, уни қайтадан институтга командировка қилиш керак! Унинг дипломи фақат: «Қолхозларга шунча олий маълумотли мутахассис юборилди», деган сводка учунгина ярайди.

Қўлидан иш келадиган, ўзининг яхши ходим эканлигини кўрсатган агрономлардан, собиқ район агрономи ёки қишлоқ хўжалик бошқармасининг собиқ бошлиғи каби «нуфузли» кишилар шаҳарга энг яқин бўлган колхозларга жойлашиб оладилар. Улар, колхозларга бутунлай кўчиб бормасдан, район марказидаги эски, қадрдон бўлиб қолган уйларида яшаганлари ҳолда, колхознинг «ҳолидан хабар олиб турадилар», холос. Узоқ қишлоқларга, энг қолоқ колхозларга кам тажрибали ёшлар борадилар. Кадрларни жойлаштиришда: кучлироқ одамга қийинроқ вазифа, деган принципга риоя қилинмайди.

Район партия активи орасида эса колхозга бориш учун биринчи талабгор бўлиб бу ерда «шумшук» бўлиб қолган киши чиқди. Бу одам, англашилмовчиликдан, одатланиб қолганликдан активда ҳисобланарди: унинг ўзи

ҳамма мажлисларга таклифнома олишга ўрганиб қолган, унга эса илгариги лавозимлари бўйича ўрганиб қолишган эди. У қишлоқ советининг раиси ҳам, молия агенти ҳам бўлиб ишлаган, тайёрлаш базасида ҳам, тегирмон комбинатида ҳам, қанд заводида ҳам ишлаган — ҳамма жойда уни ишдан олганлар, бир-икки марта жавобгарликка ҳам тортилган, лекин бир амаллаб ишини тўғрилаб олган. Сўнгги ярим йил мобайнида «ишсиз» лақиллаб юрарди. Шунини айтиш керакки, қишлоқ жойда коммунистларнинг «ишсиз» бўлиши ғалати ҳодиса. Агар соғлиғининг мазаси бўлмаса, инвалид бўлса, далада ёки фермада ишлашга кучи етмаса, унинг қобилияти ва соғлиғига мос келадиган иш топиб бериш керак, албатта. Аммо оғирлиги олти пуд келадиган, иштаҳаси жойида, икки юзи анордек қип-қизил қўли билан ҳўкиз бўйинини қайира оладиган киши район колхозларида ишчи кучи ортмайдиган бир пайтда ойлаб райкомга қатнаб ўзига иш сўраб юрса, унга — бизда ишсизлик аллақачонлар тугатилганини эслатиб қўйиш ўринли бўлмасмикин? У тухум тайёрловчи ёки молия агенти лавозимларида ишлаб, «масъул» ходимлар ҳисобига ўтиб қолган, энди эса унинг «иззат нафси» ўроқ машинасида ишлашга ёки қўлига паншаха ушлашга йўл қўймасди.

Бочков фамилияли мана шундай «ишсиз активист» Марказий Комитетнинг сентябрь Пленумидан сўнг тезда вазиятни тушуниб олди ва энди у илгариги гуноҳларини ювиш билан бирга «замонамизнинг қаҳрамони» ҳам бўлиб олишни фаҳмлаб, қўлда янги газета кўтарган ҳолда райкомга келди ва ҳар қандай колхозга раис бўлиб боришга тайёр эканлигини билдирди.

Райкомда дастлабки кўнгиллидан жуда хурсанд бўлиб кетдилар ва ўша кунгидек ўтказилган бюронинг қисқа мажлисидан кейин бюро а'зоси — район прокурори Бочковни раисини ўзгартириш керак бўлган колхозлардан бирига олиб кетди. Колхозчиларнинг ҳаммаси янги раис кандидатурасига қарши чиқдилар: улар Бочковни қўшни қишлоқда колхоз раиси бўлиб ишлаган пайтида яхши билиб олган эдилар. Бу ерда у кечаю кундузи колхоз омборидан чиқмас эди ва қишлоқ советига тегишли пичанни сотиб, пулини чўнтакка урган эди.

Прокурор «райком қарорларини амалга ошира олмагани» учун огоҳлантирилди ва эртасига Бочковни район ижроия комитетининг раиси бошқа колхозга олиб кетди.

Бу ерда ҳам Бочков муваффақиятсизликка учради: у илгариги қилган ярамас ишлари билан ҳамма ёққа маш-хур бўлган эди.

Шундай қилиб ишнинг боши пачава бўлди.

Қилган ишлари Бочковникидан қолишмайдиган Крутилин деган «активист» райкомга иккинчи кўнгилли бўлиб келди. Бу шахс жуда кўп хотин олиб, хотин қўйганлиги билан ҳаммага танилган эди. Охирги хотини, агар мени қўйиб юборсанг ҳам қишлоққа бормайман, деб қатъий жавоб берибди. Крутилинга худди шу гап керак эди. Навбатдаги қўйди-чиқди учун бундан ҳам қулай ба-ҳона бўладими? Хотини у билан колхозга боришни иста-маяпти, партия қарорларини амалга оширишга ҳалақит бераяпти!

Бу гал Крутилинни колхозга биринчи секретарнинг ўзи олиб борди. Лекин бу сафар ҳам район прокурори ва рай-исполком раисининг Бочков билан колхозга қилган сафарлари каби муваффақиятсизликка учради: Крутилин-ни ҳам колхозчилар раисликка қабул қилмадилар. Оддий кишилар Марказий Комитет сентябрь Пленуми қарорла-рининг моҳиятини айрим раҳбар ўртоқларга нисбатан яхшироқ тушуниб олганлар.

Бу ерда улуғ ишнинг «пионерлари» Бочковлар ва Крутилинлар бўлганлиги район учун уят эмасми! Ман-сабпараст ва муттаҳам кишилар ўз шахсий манфаатлари-ни кўзлаб, катта олижаноб ҳаракатга қўшилиб олишга интиломқдалар.

Иш биларманд коммунистларчи? Улар нима қилиш-япти? М. районида яхши коммунистлар борми, ахир? Бор, албатта! Лекин улар бир-бирларига кўз қири билан қа-раб: нима учун қўшним эмас, балки мен биринчи бўлиб ўрмонга ўтинга боришим керак? — деб ўтиришибди.

Бир-бирига қараб ўтиришган экан, демак, улар балки жуда ҳам яхши коммунист эмасдирлар? Нима десак экан... Бунда чуқурроқ мулоҳаза қилиш керак: уларни ташаббус кўрсатишдан қўрқитиб қўйган нарса нима, улар билан колхоз ҳақида гаплашганингизда бўйинларини қашишга мажбур қилаётган нарса нима? Балки район-даги умумий вазият уларни хижолатга қўяётгандир. Бал-ки улар район раҳбарларининг ношудлиги, калтафаҳмли-гидан хавотирланаётгандирлар? Балки улар колхозга борганингдан кейин ҳеч қандай ёрдам ололмайсан, район-даги раҳбарлардан бирор тузукроқ маслаҳат чиқмайди,

сал муваффақиятсизликка учрасанг, қаттиқ виговор бериш билан чекланиб қўя қоладилар, деб ўйланаётгандирлар?..

* * *

Қўшни К. районида ишлар бутунлай бошқача олиб борилди.

Бу ерда илгари ҳам колхоз раисларининг состави ёмон эмас эди, бу районда энг «илғор» участкада ишловчи кишиларни ҳурматлашга ва қадрлашга аллақачонларданок ўрганиб қолишган, колхоз раиси лавозимини доим фахрли вазифалардан бири деб ҳисоблаш одат бўлиб қолган эди.

Лекин барибир бу ерда ҳам Марказий Комитетнинг сентябрь Пленумидан кейин район раҳбарларига кўпгина нарсалар устида бош қотиришга тўғри келди. Қолоқ колхозларни қолоқликдан чиқариш тўғрисидагина эмас, балки «ўрта даража» билан чекланиб, шу ҳолда қотиб қолган колхозлар ҳақида ҳам гап бораётир-ку. Ахир, юрагида ўти йўқ, кун сайин янги-янги муваффақиятлар сари интилмайдиган, кенг ижодий перспективаси бўлмаган киши колхозга раҳбарлик қила олмайди. Ҳар бир колхоз раисининг ишини синчиклаб ўрганиб, бу ерда ҳам етти кишини алмаштиришга қарор қилдилар.

Бу ерда ҳаммадан олдин район партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Лукин энг йирик ва энг қийин колхозга боришга хоҳиш билдирди. Қасби агроном бўлган, бир вақтлар МТС участкасида ишлаган, район партия ташкилотида обрўли киши ҳисобланган Лукин ўзининг энг севган ишига — деҳқончиликка қайтишни жуда хоҳларди.

Лукинни колхозга юбориш масаласи райкомда катта тортишувларга сабаб бўлди. Гўё райком секретарларини колхозларга раис қилиб юбориш билан масалани ҳал қилиб бўлмас эмиш. Бунинг устига райондаги МТСлар сонига кўра қўшимча равишда яна бир секретарь сайлаш керак. Лекин иккинчи томондан қараганда Лукин бормоқчи бўлган «Красний Октябрь» колхозини — ўн икки минг гектар ери бўлган ғоят катта хўжалиқдир. Майдон жиҳатдан бу колхоз районнинг бешдан бир қисмини ташкил қилади. Кенг миқёсдаги иш! Балки, маҳаллий шароитга қараб, баъзан ишни Лукин сингари обрўли кишилар-

дан бошлаш керакмикин? Бу ерда иш райкомнинг иккинчи секретаридан бошланди, балки бошқа районда райисполком раисининг биринчи ўринбосаридан бошлаш керакдир! Бўлмаса «энг яхшиларнинг энг яхшисини» танлаш керак деган сўзни қандай тушуниш керак? Аппаратдан кетишига кўз қийиш мумкин бўлганлардан энг яхшисиними? Бу энди энг яхши эмас. Шу билан бирга Лукин колхозда ишлашга бўлган қизгин хоҳишини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Лукин райком аппаратидаги катта партия стажига эга бўлган, омма орасида ишлай оладиган, ғайратли ходимлардан икки кишининг кандидатурасини кўрсатиб, бу кишиларни секретарликка сайлаш мумкинлигини, булардан бирини ўз ўрнига иккинчи секретарь қилиб сайлаш мумкинлигини айтди. Лукин тақлиф этган кишиларнинг кандидатуралари диққатга сазовор эканлиги тўғрисида ҳамма бир фикрга келди.

Ўйлаб кўришди, обком билан маслаҳатлашишди ва Лукин талабини қондиришга: уни «Красний Октябрь» колхозининг раислигига тавсия этишга қарор қилдилар.

Ишнинг ана шундай бошланиши колхоз ва МТСлар учун кадр танлаш ишига дарҳол тўғри тус берди. Бу ерда, ҳеч ким, қишлоқда доимий ишлаш учун қўлидан иш келмайдиган, ёқимсиз кишиларни юборадилар, деб айтолмас эди. Район раҳбарлари учун колхозга кетаётган кишилар билан гаплашиш ўн марта осонроқ бўлиб қолди. Райондаги энг яхши мутахассислардан бири, тажрибали ва кўп йиллик стажга эга бўлган қишлоқ хўжалик бошқармасининг старший зоотехниги энг узоқ, лекин чорвачиликни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга бўлган колхозга бориш истагини билдирди. У ерда уни раисликка сайлашлари билан дарҳол ўз оиласини ўша жойга кўчириб борди. Мана шундай намунали ишлар, яхши почин, кўнгиллилар сонига ҳам, колхоз ва МТСларни мустаҳкамлаш учун танлаб олинган кадрлар сифатига ҳам таъсир кўрсатди. Бутунлай бошқача вазият, бошқача кайфият, ҳаётда бошқача суръат! Ҳозир бу ерда колхозларга бориш учун истак билдираётганлар сони «айб қилиб қўйганлар» эмас, балки яхши коммунистлар керагидан ҳам кўпроқ.

Марказий Комитет сентябрь Пленуми томонидан партия ташкилотлари олдига қўйилган муҳим масалаларни ҳал қилишда район тўғри йўлдан бормоқда.

... Аммо гулхан атрофида ўтирганлар орасида ўтин олиб келишга борадиган ёки бу иш учун одам юбора оладиган киши бўлмаган жойда нима қилиш керак?

Балки, дастлабки саҳифаларда ҳикоя қилинган М. каби районларда колхоз кадрларини мустаҳкамлаш ишини район раҳбарлигини мустаҳкамлашдан бошлаш керакдир?

1954 йил,

ОЛДИНГИ САФДА

I

Кузнинг сўнги кунларидан бири, эҳтимол, охирги куни.

Кечагина қуёш кўриниш бериб, яланглик, қия жойлар, қиялама нур тикка тушган ёнбағир ерлар унча-мунча исиб ҳам қолган эди. Тонгги совуқдан сўлинқираб қолган кузги экинлар ҳали қуёшга интилиб турарди. Вақтида учиб кетмаган саъва, қизилтўш галалари яланғоч буталарда чугурлашарди. Соғлар қирғоғидаги юпқа муз тушгача эриб кетарди. Ҳавода ҳали мезонлар сузиб юрар, супурги ўтлар устида майда чивинлар айланишарди. Машина ойнасига ҳатто капалаклар келиб урилар эди.

Бугун эса эрталабдан бошлаб шимолдан шиддатли шамол эса бошлади. Дала ва дарахтзорлар жимжит бўлиб қолди: на қуш овози, на чўпон товуши эшитилади. Фақат ўз инларига кўпроқ озик тўплаб олишга шошилаётган дала сичқонлари қуриб қолган ўтлар орасида имирсилаб юрардилар. Оғир булутлар ер устида ястаниб ётгандай эди. Ҳа демай қор ёғиб, далаларда бўрон авж оладигандай, бирдан совуқ тушиб ерлар музлаб қоладигандай кўринар эди.

Ҳайдаб бўлинмаган даланинг чеккасида тракторчилар севиб «натик» деб атайдиган ўрмаловчи трактор, ёнида эса икки киши турар эди.

— Ўша ёққа бур,— деди Мартинов шоферга.

«Победа» йўлдан анғизга тушди-да тўхтади.

— Хорманглар, седовчилар! — деди Мартинов машинадан чиқиб.

Икки йигит — тракторчи билан прицепкачи — ҳали мотори совиб улгурмаган тракторнинг ёнида шамолдан пана томонда исиниб ўтиришарди.

— Салом...

— Нима учун бизни седовчилар деб атайсиз, ўртоқ Мартинов? — деб сўради тракторчи Костя Ершов. Бу юмалоқ юзли, паст бўйли, муғомбирона қора кўзли йигит эди.

— Тракторингиз ҳозир Арктикадаги музёрагга ўхшайди: шу топда худди ҳаммаёғидан муз қисиб олади-да сизлар шу ерда қишлолда қолиб кетасизлар.

— Яна ўн беш гектар ер ҳайдаш керак, — деди Ершов, — ҳамма машиналар МТС га жўнаб қолди, фақат биз Кузьма икковимиз бу ерда қийналиб ётибмиз.

— Нима учун бекор турибсизлар?

— Енилғи тамом бўлди. Енилғи олиб келишларини кутиб ўтирибмиз. Хабар бериб қўйганмиз. — Тракторчи ердан учига бир даста қуруқ супурги ўти боғланган узун пояни олди. — Ҳў ана қишлоқдан чиқиб келаяпти.

— Мен, мотор совишини кутиб турибмиз, корбюраторни қайтадан тортиб тузатмоқчимиз, дерсан деб ўйлаган эдим, — деди Мартинов. — Тариқ ўриш вақтида келганим эсингдами?

— Эсимда, — деди Ершов кўзини четга олишга интилиб. — Бир ҳазиллашган эдим-да ўшанда.

— Райком секретарининг техникадан қанчалик хабари борлигини синаб кўрмоқчи бўлган эдинг шекилли?

Мартинов ҳайдалган ердан юриб борди-да, энгашиб жўякни титкилайбошлади. Қор ёғишига бир неча соат қолганида сўнгги гектарларни ҳайдаётган бу «қишловчилар» ёнига келганида унда пайдо бўлган ёқимли туйғу бирдан ғойиб бўлди.

— Қандай экин экиш учун ҳайдаяпсизлар?

— Билмаймиз, ўртоқ секретарь, — деди тракторчи ва кулиб елкасини қисиб қўйди. — Бизга барибир. Ер ҳайда дейишса — ҳайдаймиз, боронала дейишса — бороналаймиз. Бу ерга нима экса — колхознинг иши.

— Сен колхозчи эмасмисан?

— Колхозчиман.

— Нима учун ўз хўжалигингга бепарвосан? Бу ерга нима экишларингизни билмайсанми?... — Мартинов прицепкачидан сўради: — Сен ҳам билмайсанми?

— Биламан, — деди Кузьма Ладигин. — У ҳам билади. Костя, нимага бекорчи гапларни гапираяпсан? Раис: бу ерга қанд лавлаги экилади, деган эди-ку.

— Лавлагин?.. Сизлар нима қилаяпсизлар ўзларинг? Чуқурлиги ўттиз сантиметр бўлиши керак, бу ерда эса,— Мартинов яна энгашиб, бармоғи билан ернинг қанча чуқурликда ҳайдалганини ўлчаб кўрди,— ўн беш сантиметрдан ошмайди.

— Мен айтдим унга,— Ладигин тиржайиб турган тракторчига ҳўмрайиб қараб қўйди.— Отаси темирчи, онаси ҳам далага чиқмайди, сигир соғади. Менинг онам билан синглим лавлагиди ишлашади. Балки уларга худди шу ердан участка ажратишар. Бутун оиламиз билан икки марта чой ичишга етадиган қанд олишади. Бу ерда қўлни қадоқ қилишдан бошқа фойда йўқ...

Тракторчи жим турарди. Унинг соғломлик барқ уриб турган юмалоқ, қизил юзидагў табассум ғойиб бўлди.

— Сен, Ершов, нимага ишониб таваккал қилдинг? Участкани қабул қилиш вақтида ишингни бракка чиқариб, қайта ҳайдаттиришса ёнилғининг ҳақини сен тўлайсанми?.. — Мартинов далага қараб қўйди. — У ерни кеча ҳайдаганмидинг? У ер чуқурроқ ҳайдалганга ўхшайди. Бу ерни бугун эрталаб ҳайдаганга ўхшайсан. Плуг билан тирнаб ўтибсан, холос.

Шофер Мартинов ёнига келди ва қўли билан булутни кўрсатиб:

— У мана бунга ишонган, Петр Илларионович. Қорга ишонган,— деди.

— Сен ҳайдаган ерни қабул қилиб олишга улгурмасларидан қор ёғиб, ҳамма гуноҳингни ёпиб кетади, деб ўйладингми?..

— Машинанинг кучи етмаётир, ўртоқ секретарь,— деб тракторчи ўзини оқламоқчи бўлди. — Ахир, ремонтсиз қанча ишлаш мумкин!

— Кеча етган кучи бугун етмай қолибди-да?..

Ершов шапкасини пешонасига тушириб, бўйнини қашлаб қўйди.

— Чуқур ҳайдашнинг нима кераги бор, ўртоқ секретарь? Биз ҳалигина газетада ўқидик: Сибирлик бир лауреат ерни сира ҳайдамасдан экиб, яхшигина ҳосил олаётган эмиш.

— Мальцевми?.. — Мартинов тракторчига диққат билан қараб қўйди: тентаклик қилаяптими ёки уралли колхозчи-олим Терентий Мальцев агротехикасини ҳақиқатан ҳам янглиш тушунганмикин? — Биринчидан, Мальцев ерни сира ҳайдамасдан экади, деб бўлмайди. Ҳар йили

ҳайдамаса ҳам, ҳар ҳолда ҳайдаб туради. Ҳайдаганда эса эллик сантиметрча чуқурликда ҳайдайди. Иккинчидан, у ҳайдалмаган ерга нима экади? Бугдой, арпа экади. Бу ерга эса лавлагги экилади. Сабзавот. Лавлагига юмшоқ ер керак. Бизда ҳам, Ершов, айрим ерларни ҳайдамаса бўлади. Масалан, лавлагги экилган ерни ҳайдамаса бўлади. Ерда бегона ўт йўқ, бир культивация қилиб юборсанг — шудгорланган ернинг ўзи бўлади-қўяди. Уни баҳорда қайтадан ҳайдашнинг нима ҳожати бор? Борона-лаб бугдойингни экавер. Ҳайдаш керак бўлмаган ерни бутунлай ҳайдамаслик керак. Ҳайдалиши керак бўлган ерни эса кўнгилдагидай ҳайдаш лозим.

— Бутунлай ҳайдамагин, деб кимга айтаяпсиз? Ўҳ-ҳў! Ерни ҳайдамасликка қандай ҳаққим бор?

— Сен бу далаларнинг хўжайинисан. Сен, ахир, колхоз аъзосисан-ку.

— Хўжайини?.. — Ершов чўнтагини ковлаб, бир сиқим тамаки, бир парча газета олди-да бармоқдек йўғон қилиб ўраб, тутата бошлади. — Ана у «Янги беш йиллик» колхозида бригадир Терешченко ўтган йили лавлагги экилган ердан ўттиз гектарига ҳайдамасдан эккан эди, бечорани судга беришди. Ана шу ҳайдалмай экилган ердан йигирма беш центнердан ҳосил олинди. Қайта ҳайдалган ерлар эса ўн центнердан ҳосил берди. Ҳосилни йигиб ола бошлаганларида колхозчилар: «Никита, бошқатдан суд қилишлари учун ариза бер», дейишди. Ариза берган эди, оқландими, оқланмадими, ҳали натижасини эшитганим йўқ. Бизга ўхшаганлар хўжайинлик қилса, ана шундай адабимизни еймиз!..

Мартинов тракторчининг гапига диққат билан қулоқ солди.

— Юринглар, анави гарамнинг тагига борайлик, ўтириб гаплашамиз. У ер иссиқроқ.

Тракторчи, прицеппачи, шофер ва Мартинов шамолдан пайароқ жойга, похол устига ўтиришди.

— Менга қара, Ершов, наҳотки сен колхозингизнинг юқори ҳосил олишидан манфаатдор бўлмасанг?

— Нима учун манфаатдор бўлмас эканман? Манфаатдорман...

— Нега бўлмаса бемазагарчилик қилаяпсан?

Тракторчи жавоб бермади.

— Лавлагидан кўп ҳам манфаатдор эмас, меҳнат кунига лавлагги беришмайди,— деди шофер. — Сиз, Петр

Илларионович, ундан дон ҳақида сўранг. Қандай битган буғдойни ўриб-йиғиш унинг учун фойдали: айтайлик, ҳар гектарда ўн центнер ҳосил бўлган жойними ёки ўттиз центнер бўлган жойними?

Ершов илжайиб қўйди.

— Албатта, ўн центнер бўлган жойда ишлаш фойдали-да.

— Сабаби нима, тушунтира оласанми?

— Бунинг тушунтирадиган жойи йўқ. Саводсиз кампир ҳам тушунади... Комбайнчи янчилган галла миқдори-га қараб ҳақ олади, мен эса тракторчиман, комбайнни тортиб юраман, менинг вазифам кўпроқ гектар ерни босиб ўтиш. Буғдой сийрак бўлса комбайн яхшироқ ишлайди, тўхтамасдан кетаверади! Нормани ошириб бажараман, менга прогрессив усулда меҳнат куни ёзишади. Ҳосили ўттиз центнердан бўлган участкага кириб қолсанг, буғдой зич бўлиб ётибди, комбайннинг ўрадиган аппарати тез ишлайолмайди, бир ерда ўралашиб ётамиз! Ярим нормани ҳам бажара олмайсан. Яна ортиқча ёнилғи сарфланади. Бунинг устига, ёмғир ёғиб қолса, буғдой жонивор ётиб олади. Иш ҳуржун деяверинг!..

— Тавба,— деди Мартинов. — Ўттиз центнер ўрнига, ўн центнер ҳосил берадиган экинни ўриш фойдалироқ эмиш. Қизиқ... Беш центнер бўлса янада фойдалироқми?

— Нима десам бўларкин... Бу соҳада биз учун турли минимум белгиланган. Бир меҳнат кунига икки ёки уч килограммдан дон беришади. Дон яхши битган бўлса — уч килограммдан, ёмонроқ бўлса — икки килограммдан. Лекин ёмон битган донни ўришда мен кўпроқ меҳнат куни топаман. Шунда ҳам яхши битган дон билан ёмон битган донни ўришдан олинадиган ҳақ бир-бирига тўғри келмайди.

— Ҳисоблаб чиқдингми?

— Ҳисоблаб чиққан! — деди шофер кулиб. — Юрист!..

— Бундоғ қарасанг,— деди прицепкачи Ладигин,— жуда яхши бўлган донни ўришдан комбайнчи ҳам маъфатдор эмас. У, маълум бир вақт ичида ўртача битган донни кўпроқ янчишга улгуради.

— Тўғри! — деб тасдиқлади шофер. — Ўртача битган дон бўлса иш ҳечқандай тўсиқсиз яхши кетаверади, ўттиз центнер битган ерда эса, молотилканинг кучи етмайди, тез-тез бузилиб, бекор туриб қолишга мажбур этади.

Мартинов анча вақт жим турди-да тўсатдан жуда ёмон ҳақоратли сўзни айтиб юборди.

— Англадингизми, Петр Илларионович? — сўради шофер.

— Англадим, — деди Мартинов. — Илгари ҳам буни билардим-у, нима учундир унча эътибор бермас эдим. Қаёққа кетаётимиз ўзимиз? Нимада кетаётимиз?.. Тракторчи юқори ҳосил етиштиришдан манфаатдор эмасмиш — шу ҳам меҳнатни ташкил этиш бўлди-ми? Қишлоқ хўжалик министрлигидагилар бу ҳақда ўйлашармикин? Минглаб мутахассислар колхоз ишлаб чиқаришини ўрганишяпти. МТС ва колхозларда меҳнатни ташкил этиш ҳақида неча-нечалаб диссертациялар ёзишди, брошюра-лар нашр этишди!.. Қани, Ершов, яхшилаб текшириб кўрайликчи. Наҳотки бизда ҳосилдан ҳечқандай манфаатдорлик бўлмаса? Бир меҳнат кунига икки-уч килограмм дон — бу сизларнинг гарантияли минимумингиз. Ҳарқандай ҳолда ҳам сиз буни оласизлар. Мобода колхозда бир меҳнат кунига кўпроқ — тўрт-беш килограммдан тушса — сизларга ҳам шунчадан берилади-ку.

Ершов билан Ладигин кулиб юборишди.

— Нимага куласизлар?

— Ўртоқ Мартинов, — деди Ершов, — уруш тамом бўлганидан бери районингизда беш килограммдан дон берган бирор колхоз бўлганми?

— Борзов вақтида биздаги ҳамма колхозларни бирдай қилиб қўйишган, — деди Ладигин. — Йигирма центнердан ҳосил олган колхозларни қолоқлар учун дон топширишга мажбур қилардилар. Борзов билан ишлагансиз-ку, ахир, билмайсизми? Шунинг учун биз, прицепкачи ва тракторчилар, минимумдан кўпроқ олиш мумкинлигига ишонамиз.

— Кубанда эса, Петр Илларионович, — деди шофер Мартиновга, — иш бошқача кетяпти. Менинг укам ўша ерда ўқитувчилик қилади. Тез-тез хат ёзиб туради. У ерда колхозчилар ҳам МТС ишидан хафа эмаслар, тракторчилар ҳам колхозчилардан хафа эмаслар. Улар қандайдир ҳамжиҳатлик билан ишлайдилар. У ерда тракторчилар минимумдан ортиқ олиш мумкинлигига ишонадилар! Колхозчиларга бир меҳнат кунига етти килограммдан ҳам, саккиз килограммадан ҳам дон беришади. У ерларда кадрлар яхшироқмикин.

— Балки Василий Иванич, — деди Мартинов, — трак-

торчиларга ҳақ тўлаш бошқача уюштирилса, Кубанда янада кўпроқ ҳосил олишармиди?.. Кубанни айтасиз. Бизнинг ўрта минтақада яхши МТС ва колхозлар камми? Ҳамма МТС ва колхозлар яхши бўлишига эришиш керак!

...Ёнилғи ортилган арава етиб келди. Ершов билан прицепкачи бакларга ёнилғи тўлдириб, моторни юргизиб юборди ва плугни ерни зарур чуқурликда ҳайдайдиган қилиб ўрнатди. Машина плугни осонгина судраб кетди, мотор ортиқча зўр бермай ишлай бошлади. Мартинов тракторчига ғижиниб қараб қўйди.

— Йўқ, Ершов, бу қилган ишинг учун кечирмайман! — деб қичқирди у трактор ёнида анғиздан юриб. — Оғайни, озгина бўлса ҳам виждон бўлиши керак! Ҳозир бу ерга колхоз раисини юбораман. Акт ёзсин. Ҳайдаб улгурмайсан — меҳнат кунингдан қирқилади.

Ершов худди кўзига бир нарсa тушгандек, бошини бошқа томонга буриб ўзининг ёғи чиқиб ётган камзулидек қопқора рўмолчаси билан терлаб кетган юзини арта бошлади.

Мартинов ҳа демай қор ёғай деб турган бўмбўш, ҳувуллаб ётган далалардан кетиб бораркан кўнгли жуда нотинч эди.

«Нима, энди биз ҳар бир тракторчининг ишини кузатиб туришимиз керакми? — деб ўйларди у, — жўяқларни титкилаб, «компрессия»ни текшириб, плугни чуқурлаштириб юришимиз керакми? Йўқ, бунақада иш бўлмайди. Ершовга ўхшаганларга сўм ва килограммдан бошқа нарсa билан таъсир қилиш қийинга ўхшайди... Машина-трактор станциялари олдинги саф-ку, ахир! Юзларча кишилар тақдири бир тракторчининг ишига боғлиқ. Тракторчи омборларни донга тўлдириб ташлаши ҳам, колхозчиларни донсиз қолдириши ҳам мумкин. Минг ўғит солганинг билан, ҳалиги «юрист» ерни ҳайдаш ўрнига тимдалаб ўтса, ердан қандай ҳосил олишинг маълум! Такадан сут...

Виждонгагина ишониб иш кўриш қийин, албатта. Фаршталар билан эмас, одамлар билан ишляпмиз. Механизаторларни тарбиялаш керак. Улар билан жиддий иш олиб боришга тўғри келади. Меҳнатга ҳақ тўлаш системасини ҳам қайта қуриш керак. Қандай қилиб қайта қуриш керак? Наҳотки, ҳосил қанча юқори бўлса, меҳнат

кунига шунча кўп ҳақ олишининг йўлини топиш мумкин бўлмаса? Обкомга ёзиш керак. Бизнинг обкомдагилар ташвишли хатларни ёқтиришмайди. Айтишар, ёш секретарь ўзини йўқотиб қўйибди, деб. Бошқалар ана шу тартибларга амал қилиб келдилар, унга эса қандайдир янги тартиблар тузиш керак бўлиб қолибди...

Мен Ершовга: «Ҳайдамаса ҳам бўлаверадиған ерларни — бутунлай ҳайдамай қўяқол», деб бекор айтдим. Айтадиган одамни топганимни қара-я. Келиб-келиб оддий тракторчига айтаманми? Ҳамма колхоз аъзолари ҳам бундай «ўз бошимчалик» қила олмайдилар... Бизда лавлагги экиладиган ер масаласи, жанубда эса маккажўхори ва кунга боқар майдонлари масаласи бошни қотиради «шудгор қилиб қўйилган ер» деган бош оғриғи бор. Эси бор ғаллакор яхшилаб «шудгор қилиб қўйилган ер»ни қайта ҳайдаб ўтирмайди. Бегона ўтлар тугатилган, нам сақлаб қолинган ерни безовта қилиб ўтиришга ҳожат йўқ. Бегона ўтларни йиғиштириб, далани тозалайди ва бир бороналаб буғдойни экаверади. Ҳар йили ҳосил кўп бўлади, ёгингарчилик кам бўлган йили эса баҳорда шудгор қилинган ерга нисбатан икки баравар кўп бўлади. Лекин ҳозир колхоз раиси шудгор қилиб қўйилган ерни қайта ҳайдамасдан экиб кўрсинчи! Буғдой униб чиқмасданоқ, ҳали ким ҳақ, ким ноҳақ эканлиги — кекса, тажрибали ғаллакор бўлган раисми ёки идорада ўтириб экиш ҳақида инструкциилар ёзган кишими — маълум бўлмасданоқ прокурорда мажбурий агротехникани бузган раис ҳақида «дело» пайдо бўлади. Худди Ершов гапириб берган бригадир билан бўлгандақа иш бўлади. Агар биз, район ташкилотлари «қондани бузган» кишини кечирсак бизга танбих беришади. Сводкага қарасалар — экиш плани юз процент бажарилган-у, баҳорги ҳайдаш плани бажарилмаган. «Қандай муъжиза билан экингииз? Оғайнилар, нима учундир ҳисобингиз мос келмаяпти... Ляпкии-Гяпкии-ларнинг адабини бериб қўййлик!...»

Худди колхозчилар бизнинг кўрсатмамизсиз отни аравага қўша олмаслигидан қўрққандек баъзан биз ўз инструкцииларимизда қачон экиш керак, қандай экиш керак, қандай йиғиб-териш олиш кераклиги ҳақида жуда муфассал ёзиб юборамиз. Ғаллакорлар билан ишляпмиз-ку, ахир. Икир-чикирларга берилиб кетиб, кишиларнинг онгли ташаббусини бўғяпмиз. Колхоз раиси ёки МТС директорининг қобилиятига ишонмас эканмиз,

бундай кишиларни раҳбарликда тутиш керак эмас. Қишлоқ хўжалиги зийрак, ақлли, жасоратли ва фаросатли бўлишни талаб қилади. Қишлоқ хўжалигида, худди жанг майдонида бўлганидек, даланинг ўзида қарор қабул қилишга тўғри келади. Бир йил иккинчи йилга ўхшамайди. Кабинетда ўтириб ҳамма нарсани олдиндан кўриб бўлмайди. Гоҳ баҳор эрта келади, гоҳ кеч келади, гоҳ курғоқчилик бўлади, гоҳ ёмғир ёғавериб жонга тегеди. Масалан, сурункасига ёмғир ёғиб, ўрим-йиғимга ҳалал бериб, деяйлик. Комбайн учун ажратилган участкага ўроқ машинани юбориб кўрчи! Дарҳол «механизацияга қарши кайфият!» дейишади. Ваҳоланки, бундай пайтда ҳосилни сақлаб қолиш учун ҳамма нарсани, фақат ўроқ машиналарини эмас, балки чалғи ва ўроқларни ҳам ишга солиш кераклигини ҳамма яхши билади.

Бизда саноатда бўлганидек, иш кунини тугагач тайёр маҳсулотга қараб яқун ясай олмаймиз. Ғаллакор ўз маҳсулотини кўрсатиш учун йил бўйи ишлайди. Қишлоқда жўжани кузда санайдилар. Шунинг учун бизга «қоидани бузганлик» учун виговор эълон қилишга шошилишмасамиз ҳам бўларди. Кишилар инструкцияда ёзилганидан яхшироқ иш қилмоқчи бўлганларида бундай «қоидани бузиш»ларга сал сабр билан қараш керак эди. Бутун қишлоқ хўжалик йилидан юлиб олинган қандайдир бир «кампания» учун эмас, балки ҳосил учун савалаш ёки ташақкур айтиш керак...

Бизда ҳозир энг кўрқинчли душман расмийчиликдир,— деб ўйларди Мартинов бошини суянчиққа қўйган ва кўзини юмган ҳолда.— Э, оғайни, Петр Илларионович! Бу районда кун ўтса бас демай, чинакамига ишламоқчи бўлсанг анча қийин бўлади! Бу расмийчиликнинг тармоқлари жуда кўп. Бу душман билан кўп марталаб найзабозлик қилишга тўғри келади... Расмийчилик билан раҳбарлик қилиб қолаётган колхозларни қолаётганидан чиқариб бўлмайди. «Кўрсатилсин», «топширилсин», «таклиф этилсин» деб юзта резолюция қўйишни ҳам фойдаси бўлмайди. Майда-чуйда, вассийлик қилиш колхозчиларнинг яхши ишладан чинакам манфаатдор бўлишининг ўрнини боса олмайди... Колхоз ҳосилининг тақдирини эса механизаторлар қўлида. Аммо улар ўттиз центнер ҳосил етиштиришга нисбатан ўн центнер ҳосил олишдан манфаатдор эмиш. Мана бу масалани ҳал қилиш керак! Масаланинг тугуни ана шу ерда! Тугунни ана шу ердан

еча бошлаш керак. Коммунист механизаторларни райкомга тўлаб, бир гаплашиб олсакмикин...»

— Мудраяпсизми, Петр Илларионович? — деб сўради шофер.

— Йўқ, — деб кўзини очди Мартинов. — Шундай хал суриб қолибман...

— Қор ёғяпти.

Мартинов ўчиб қолган папиросни ташлаб юбориш учун ойнани озгина очиб қўйди. Очилган тешикдан визиллаб шамол кирди. Далага қоронғулик тушиб қолган эди. Қор паға-паға бўлиб ёғаётган эди.

— Костя химикнинг ҳисоби тўғри чиқди! — деди шофер. У, кишиларнинг ҳийлакорлик даражасини икки сўз билан: «юрист» ва «химик» сўзлари билан белгилар эди. — Худди ўзи бўлди! Эрталабгача ҳамма ер оппоқ бўлиб қолади, кейин ҳеч ким эгатларни титкилаб ўтирмайди.

— Йўқ, Василий Иванович, — деб жавоб берди Мартинов бир оз жим тургач. — Биз охирига етказмаган ишни ҳеч қандай қор бекита олмайди. На қор, на сводка қоғозлари. Ёз келгач бизнинг қандай ишлаганимизни ҳосил кўрсатиб беради.

— Тўғри, Петр Илларионович! Хотинлар айтгандек, унинг сифатини ўқлоғ белгилайди.

— Худди шундай!...

Шофер чироқни ёқди. «Победа» чироқларини порлатган ҳолда вақтли уйғонган, ҳавонинг тўсатдан ўзгариб қолганидан ўзини йўқотиб қўйган, умрида биринчи марта қорни кўрган ёш қуёнларни ҳамда йўл ёқасидаги буталар орасида шамолдан бекиниб ётган какликларни қўрқитиб ҳувуллаб ётган дала йўлдан ўтиб борарди.

II

Хатто ҳамма нарсa механизациялаштирилганда ҳам, ҳар йили дала йўлидан оддий чанадан бошқа ҳеч нарсaда юриш мумкин бўлмайдиган ҳафта ва ойлар бўлса керак. Қор тозаловчи машиналар асфальтланган катта кўчаларда ишлайди, лекин бу машиналардан бир қишлоқдан иккинчи қишлоққа тўппа-тўғри музлаган сойлар, далалар ва жарликлар орқали ўтган «илон изи» йўлларда фойдаланиб бўлмас.

Ўзғирин кундузиёқ бошланган эди, ҳозир эса соат тўққизга яқинлашиб қолган. Ойсиз кеча, атрофни қоронғулик қоплаган — на бир дарахт, на телеграф столбасининг қораси кўринади. Йўлни қор босиб, жиловни бошқаришга ҳожат қолмади. Зийрак қари от оёғи остида қаттиқ йўлни сезмай қолса, ўзи гоҳ чапга, гоҳ ўнгга бурилар эди.

Мартинов билан Семидубовский МТС директори Гловов колхозда ўтказилган йиғилишдан кейин ўша ерда ётиб қолганлари маъқул эди, албатта. Энди ким олдин: «Кетамиз!» деб айтиб, айбдор бўлганини суриштириб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди. Энди фақат уйга етиб олишни ўйлаш керак.

— Чу, чу, Мальчик! — деб Гловов камчинни ҳавода ўйнатиб қўйди.

— Бу Мальчик жанвор анча ёшга кириб қолганга ўхшайди,— деди Мартинов.

— Нима? — Гловов шамолда гапни англай олмай қолди.

— Мальчигингиз энди чол бўлиб қолган бўлса керак! — Мартинов унинг юзига қараб қичқириб гапирди.

— Одам йигирма ёшда йигит бўлади. Отларнинг эса йўриғи бошқа,— деб жавоб берди Гловов. — Чу, чу! Қимирла!

Чана юмшоқ қор устида силкиниб-силкиниб зўрға борарди. Чана силкинганига мос ҳолда кузовнинг остида бир нарса ғижирлаб қўярди. Иккалалари шамол эсаетган томонга ёнбошлари блан ўтиришарди.

— Мен ишлаган районда яна бир Тихон Петрович Глушченко деган бир раис бор эди.— Мартинов музлаб ётган Сейм дарёсидан ўтиш вақтида бўлиниб қолган гапни давом этдириш учун Глововга яқинлашди, у ерда улар чанани енгиллатиш учун тик тепаликка пиёда юриб чиқишган эди.— Бу Глушченко бир вақтлар райком секретари бўлиб ишлаган экан. Эплай олмаганлиги учун уни МТСга директор қилиб юборишди. Хоҳла-масдангина борди. У ерда ҳам бирор кўзга кўринадиган иш қилмади. Шунчалик, ўртача МТС эди. Кейин уни энг қолоқ катта колхозга раис қилиб юборишди. Бормасликка кўп ҳаракат қилди, партиядан ўчиришларига сал қолди. Охири, кетди. Ана у ерда ўзини кўрсатди! Икки йилда колхозни районда энг бой колхозга айлан-

тирди. Бу Тихон Петрович ишни нимадан бошлади дегин?

Гловов бошини пўстин ёқаси орасига олиб, нимадир деб мингиллаб қўйди.

— Даставвал, барча бригадирларга ва колхоз агро-технигига ўзининг иштирокисиз МТСдан бирор гектар ҳам ерни қабул қилиб олишни тақиқлаб қўйди. «Мен,— дейди,— у бракчиларни биламан! Сифатини ўзим текшираман». Дастлабки ёздаёқ ўтган йилга нисбатан икки барабар кўпроқ ҳосил олди. Шундан кейин иш юришиб кетди ва ҳаёт яхшилана бошлади. Колхозчилар уни қўлларида кўтариб юришадиган бўлишди. Қўшни колхозларда эса уни оғизларига келган сўз билан сўкар эдилар! «Нима учун ўзинг директор бўлганингда ҳамма колхозларда ер ҳайдаш ва экишни ҳозир МТСлардан талаб қилаётганингдек ўтказмас эдинг?» Мана, ўртоқ Гловов, дунёда ана шундай ишлар бўлар экан... Чексакмикин? Қани папиросдан ол, меники тугаб қолибди.

Қўпол кийинган Гловов, зўрға қимирлаб, пўстини ва пахтали чопони барини очиб, пиджагининг чўптагидан бир пачка «Север» папиросини олди. Қўлқопларини ечишиб, қўллари совуққа қотган ҳолда салкам бир қути гургутни сарфлаб папиросни тутатиб олишди.

— Сени ҳам колхозга раис қилиб юборсакмикин-а? Ҳеч бўлмаса вақтинча юборсакмикин? Ўз ишингга четдан бир назар ташлаб кўрардинг. Ҳалиги, пастдан ўз-ўзини танқид дегандек...

— Ҳамма колхозларга директорлардан раис етказиб бўлмайди,— деб жавоб берди Гловов.— Районимизда учта МТС бор, колхозлар эса ўттизта.

— Папиросинг директорлар чекадиган эмаску,— деди Мартинов.— Ҳа, айтгандай, папирос ҳам ҳосилга қарабда. Сен колхозчилар олдида «Қазбек» чексанг уят ҳам бўлади. Муносиб иш қилмагансан.

Гловов яна бир нарсa деб пингиллаб қўйди.

— Хўп, ҳазилни бир ёққа қўйиб турайликчи, Иван Трофимич,— деди Мартинов бир оз жим тургач,— сиз, МТС директорларини қандай қилиб ҳосил учун қайғиришга мажбур қилса бўларкин?

— Биз ҳосил учун қайғурмаётирмизми?

— Сиз, жин ургирлар ҳосилга қараганда кўпроқ ҳақ олиш ҳақида қайғирасизлар! Гектар миқдори кўпайса бас. Бирор заводнинг ишига станокларнинг айланиш миқдори-

га қараб баҳо бериш мумкинми? Станоклар бу йил ўтган йилга нисбатан икки марта кўпроқ айланди, демак, завод икки баравар яхши ишлади, деб бўладими? Айланмишлардан нима фойда? Айланмишлар гўлаб кетмайдими?! Маҳсулот керак!

Глотов Мартинов томонга қайрилди.

— Петр Илларинович, ҳаммага маълум нарсани ҳадеб маъқуллаяпсан. Бу масалаларнинг ҳаммаси аллақачонлароқ ҳал қилинган.

— Нима ҳал қилинган?

— Биздан фақат норма тўлдиришни эмас, балки ҳосилни ҳам талаб қилишяпти.

— Қандай талаб қилишяпти? «Эҳ-ҳа. уят эмасми, кам ҳосил етиштирибсизлар, яхши эмас!» Шуми? Шу ҳам талаб қилиш-да.

— Қишлоқ хўжалик виставкаси иштирокчилари учун янги қоидаларчи? Энди МТС ҳайдалган гектарлар учунгина виставкага қатнаша олмайди. Ҳосил ҳам ҳисобга олинади.

— Тўғри, виставка катта иш, албатта. Лекин, сен ўзинг ёмон ҳосил учун моддий жиҳатдан қандай жавобгарсан? Яхши ҳосилдан қандай фойда оласан?... «Ҳаммаси ҳал қилинган» эмиш. Йўқ, биродар, ҳали ҳеч нарса ҳал қилинган эмас!... Кучерлик қилганингдан кейин олға қарагинда. Изғиринни қара! Далада ётиб қолиш—унча ёқимли бўлмас. Ҳеч бўлмаса бирор ғарамга ётиб олсак ҳам бўлар эди.

Глотов қамчинни чана йзига яқин жойдаги қорга тикиб кўрди ва:

— Йўлдан кетяпмиз,—деди.

— Сен, Иван Трофимич, вазмин одамсан,— Мартинов яна жаҳл билан гапира бошлади.— Колхоз йиғилишларида сени шартномаларни бажармаганинг учун уч кун тоза савалашди-ку, сен бўлсанг пинагингни ҳам бузмайсан.

— Мени савалашди, мен ҳам саваладим,— деб жавоб берди Глотов. —Менга ҳам ёнилғини ўз вақтида етказиб беришмаган, прицеппчиклар ажратишмаган вақтлар, тракторчиларни ёмон боққан ҳоллар ҳам учраган.

— Сен ўз мажбуриятларингни бажармагансан, колхозлар ҳам бажаришмаган— шу билан ора очиқ бўлди-ми? Шу билан келишиб қўяқолдингизми? Бу жанжалда ким устун бўлиши керак эди? Қишлоқда давлат манфа-

атларини ҳимоя қилувчи вакил сифатида, сен устун бўлишинг керак эди!...

Чана бир ярим метрча келадиган қор тепага келиб қолди. От тўхтади.

— Зўлама, дам олсин,— деди Мартинов ва чанадан сакраб тушди.

У белигача қорга ботиб, отнинг олдига келди, қийшайиб қолган шотини тўғрилаб қўйди, хомутни ва унинг боғланадиган жойини пайпаслаб кўриб кулиб юборди.

— Бу қанақа механизация бўлди?

— Нима?

— Хомутни қайиш билан боғлаш ўрнига гайка билан маҳкамлаб қўйибсизлар. Яна контргайка билан-а.

— Бизнинг МТСда бир парча қайишдан кўра темир-терсак топиш осонроқ.

— Отни пичан ўрнига темир қириндиси бериб боқаётганингиз йўқми? Нима учундир бизни олиб юргиси келмай қолди.

— Олиб бориб қўяди. Озгина қолди... Қимирласангчи, Мальчик!

Қор тепадан қорини шамол учуриб кетган қияликка ўтишди, юқорига кўтарилиб довол чўққисига чиқишди. Олд томонда яқингинада чироқлар — чўлдаги шаҳарча, МТС усадьбаси намоён бўлди.

— Етдик!

— Ҳали етганимизча йўқ. Усадьбага келдик. Хоҳласанг шу ерда конторада ётиб қол, хоҳласанг қишлоққа уйимга олиб кетай, яна уч километр қолди.

— Тракторчилар ётоқхонасига бур. Исиниб оламиз.

Очилган эшикдан бурқираб буғ чиқди. Бир йнгит эшик олдидаги пиллапоядан кўйлакчан ва яланг оёқ ҳолда югуриб тушдида қор тепадан бир челақ тоза қор олди, у чана келаётганини кўрди ва пиллапояда тўхтаб, қўлини пешонаси устига қўйиб тикилиб қаради: ёғдуда у ким келганини кўра олмаган эди.

— Семидубовский МТС меҳмонхонаси шу ердами? — деб сўради Мартинов чанадан тушаётиб. — Бўш номерлар борми?

— Бор, бор, ўртоқ Мартинов! — тракторчи райком секретари билан МТС директорини таниди, ҳазилни дар-

ҳол пайқаб ҳазил билан жавоб берди. — Ванна, саргарашхона, ресторани билан!

Мартинов ва Гловтов уйга киришди.

— Бўш номерларинг бор экан, — деди Мартинов сўриларга кўз ташлаб. — Ресторан қаерда?

— Мана бучи, — деди тракторчи печкани кўрсатиб, печка устидаги катта чўян қозонда нимадир қайнаётган эди. — Картошкани ҳар хил қилиб пишираяпмиз. Сув етмаса қордан қўшамиз. Ун минутдан кейин тайёр бўлади.

Катта уй яхшилаб иситилган эди. Уйдаги икки қават сўрига йигирмага яқин тракторчи жойлашган эди. Уларнинг ҳаммаси машиналарни қишқи ремонт қилишда ишлашарди. Уйлари узоқ бўлгани учун шу ерда — устахонага яқин жойда ётиб қолишади. Ётоқхонани керосин, куйган картошка, кир совуннинг ҳиди босиб кетган.

— Ух, йўл азоби қурсин, бундан нарига юришга тоқат қолмади! — деди Мартинов пўстинини ечиб. У қизиб турган печка ёнига келиб сўрига ўтирди. — Қани энди шу ерда ухлаб қўя қолсам...

— Қола қолинг, ўртоқ секретарь, — дейишди тракторчилар. — Жўй топилади.

— Бугун ҳаммамиз йиғилган эмасмиз, учтамыз қишлоққа овқат олиб келгани кетишди. Мана уларнинг «купе»лари.

— Лекин, тўшақларимиз сал кироқ-да...

— Пўстинга ўраниб ётса бўлади.

— Қандада ёки бошқа ҳашаротлардан кўнглингиз тинч бўлсин. Улар бизнинг ёнилғи-ёғ аралаш ҳидимизга бардош бериша олмайди.

— Биз билан овқатланасиз.

— Чой билан меҳмон қиламиз. Қайнадимиз, ошпазлар?

— Қайнади. Чашкаларни ювинглар.

Мартинов Гловтовга қараб қўйди.

— Бориб конторадан уйингга телефон қилиб қўй, шу ерда қоламиз. Бўлмаса хотининг, уларни бирор жойда қор босиб қолгандир, деб хавотир олиб ўтирар.

Тракторчилар иккита столни бирлаштириб, уларнинг устига газета ёзишди, идиш-товоқларни жой-жойига қўйиб, нонни кесиб қўйишди.

— Ўтиринг, ўртоқ Мартинов! Ўртоқ директор! Йўлда совуққа қотгандирсизлар, иссиқ овқатдан олинглар.

... Овқатланиб, чой ичиб бўлишди, печкадаги ўтин ёниб тамом бўлди, вақт ярим кечадан ошиб кетганига қарамай Мартинов тракторчилар билан гаплашиб ўтирарди. Баъзи кишилар сўрида, баъзилар эса чўл кишилари одати бўйича ерда чўққайиб ўтиришарди. Фақат Глотовгина сўрида ёнбошлаган ҳолда бошини деворга суяб мудрарди.

Мартинов районда ишлаган бир йил мобайнида барча трактор отрядларининг бригадирларини ва кўпгина тракторчиларни таниб олган эди. Ремонтчилар орасида ўтган йил район кўчма қизил байроғини олган ёш бригадир Егор Афанасьевич Маслов ҳам бор эди. Колхозчилар ва тракторчилар унинг қатъий, талабчан эканлиги ва техника билимига эга бўлгани учун ҳурмат қилишар, лекин уни кўз олдидагина Егор Афанасьевич деб аташар, орқасидан эса — Юрчик¹ дейишарди. У, жуда ёш — йигирма иккиларга кирган, икки юзи қип-қизил, қора кўз, қора қошли йигит эди. Бу ерда бригадир Николай Петрович Бережной бор эди. У, запасдаги капитан бўлиб, Семидубовский МТС тузилгандан берли шу ерда ишларди. Бу ерда тракторчи Василий Шатохин ҳам бор эди. Унинг оёғи протез бўлгани учун йигитлар «бизнинг Маресьев» деб аташарди. Ота-бола тракторчи Григорьевлар ҳам шу ерда эди. Бережнойнинг ёнилғи ташувчиси, етмиш ёшли чол Тихон Андронич Ступаков тракторчилардан қишда ҳам ажралмасди, уларга ремонт ишларида ёрдам бераётган эди. Мартинов билан Глотов киришганча Ступанов эски ёнилғи бакидан қилинган тоғарада кўйлагини юваётган эли. Овқатлан кейин у ҳўл кўйлагини печка устига осиб қўйди ва Мартинов ёнига ағдариб қўйилган тоғара устига ўтириб, умумий суҳбатга қўшилди.

— Ишлар қалай, Андронич?— деб сўради ундан Мартинов.— Компрессия қалай?

— Емон эмас, ўртоқ Мартинов.

— Халкалар мустаҳкамми?

— Хозирча мустаҳкам...Ўзингизники қалай?

Тракторчилар кулиб юборишди.

— Нима учун мендан бундай деб сўраяпсиз?

— Ахир, сизни биринчи секретарликка сайлашди. Қалай? Оғир эмасми?

¹ Бу сўз «юркий» сўздан олинган бўлиб, эпчил, чаққон, абжир, маъноларини беради. *Тарж.*

- Оғир.
- Ёрдамчи бўлиб ишлаш осонроқ эди, албатта.
- Сизларнинг ёрдамингиз билан эплайоларман.)
- Бозонинг цилиндри шикастланиб қолди,— деди

Шатохин.

- Цилиндри шикастлангани нимаси?

— Кеча кечқурун бизда сиёсий машғулот бўлган эди, ўртоқ Сталиннинг «СССРда социализмнинг иқтисодий проблемалари» китобини ўрганаётган эдик. Бобо жуда қойил қилди-да! «Бу икки хил мулк билан овора бўлиб ўтиришнинг нима кераги бор? — деди у,— ҳаммасини совхозларга ўтказиб қўя қолиш керак!»

— Наҳотки?— Мартинов ҳайрон бўлиб, синовчан кўз билан чолга қараб қўйди.— Андронич, нима учун сен совхозни хоҳлаб қолдинг?

- Хоҳлаётган фақат менгина эмас.

— Ҳозирча бошқа ҳеч кимдан бундай сўзни эшитганим йўқ.

— Кишилар ўйлаб юрган нарсаларнинг ҳаммасини ҳам эшитаверасизларми, ахир? Ўзларича ўйлаб, индамасдан юрадилар.

— Балки шундайдир...Хўш нима учун совхозни хоҳлаб қолдингиз?

— Совхоз яхши, ўртоқ Мартинов. У ерда қатъий иш ҳақи бор. Колхозда эса меҳнат кунига нима олишингни олдиндан билмайсан.

— Ҳамма колхозларда ҳам кишилар нима олишларини олдиндан билмайдилар, деб бўлмайди,— деди Мартинов.— Кўпгина колхозларда даромад муайян бўлиб қолди. Билишадики, даромад ўтган йилгидан кам бўлмайди. Кўп бўлиши мумкин, чунки хўжалик ўсмоқда.

— Бобо, сен ўзинг совхоз қоидаларини биласанми?— деб сўради ота Григорьев.— Совхозда ишлаганмисан?

— Э-э!— Чол қўлини силтаб қўйди.— Мени қаерда ишламаган дейсан! Сальский чўлида «Гигант» совхозида ишладим, Каспий денгизида нефть қазидим, Донбассда шахтада ишладим. Дунёни тоза кездим.

- Нега бу ерга қайтиб келдинг?

— Ватанимга қайтиб келдим... Умри тугаб қолгач, ҳар бир киши ўз элини қумсаб қолар экан.

- Бобо есир бўлиб қолган...

- Шунақами?

— Ҳа, ёлғиз қолдим. Учта ўғлим фронтда ҳалок бўлди. Кампир вафот этганига ҳам анча бўлиб қолган. Қизим билан куёвим Саратовда... Мана энди йигитлар билан эрмак қилиб умр ўтказмоқдаман. Уларга ёрдамлашаяпман. Бир вақтлар машиналарда ишлаган эдим, техникадан унча-мунча хабардорман. Машинанинг бирор деталини разбор қилиш, йиғиш, ювиш, тозалаш, жойига маҳкамлаб қўйиш қўлимдан келади. Уйим ҳам шу ер, шулар билан...

— Бобони рульга ўтқазиб қўйса ҳам бўларди-ку назариядан мазаси йўқроқ-да,— деди Шатохин.

— Намунча ёпишиб олмасаларинг? — чол тракторчиларга жahl билан қараб қўйди.— Ёзилганидан сал бошқачароқ қилиб, ўз фикрингни айтсанг, қойил қилдинг, деб кулишади. Цилиндри шикастланган эмиш!.. Мен уларга нимани исбот қилмоқчи бўлдим, денг, Ларионич. Мен ўз умримда ҳар хил бошлиқларни ҳам, директорларни ҳам, раисларни ҳам кўрганман. Колхоздаги ёмон раисдан совхоздаги ёмон директор халққа камроқ зарар келтиради. Совхозда, нима бўлса ҳам, ишчи ўз иш ҳақини олади. Қилган меҳнатингга яраша пул оласан-да, магазинга бориб, бу пулга нонми, крупами, ёғми — иш қилиб хоҳлаган нарсангни сотиб оласан. Идора иш ҳақини тутиб қолса, ишчининг ҳақини суд ҳам, касаба союз ҳам ҳимоя қилади. Колхозда эса — нима эксанг, шуни ўрасан. Бирор лапашанг, ношуд одам колхозга раис бўлиб қолса — у хўжаликни ҳам совуради, бир неча йилгача кишиларни донсиз ҳам қолдиради.

— Ҳақиқатан ҳам ошириб юбораяпсан, Андронич,— деб жавоб берди Мартинов.— «Ёмон раисдан ёмон директор камроқ зарар келтиради» эмиш. Масалани бундай ҳал қилиб бўлмайди. Ёмон директорлар ҳам, ёмон раислар ҳам бўлмаслиги керак.

— Сенга тушунтиришди-ку, ахир, Андронич.— гапга аралашди Юрчик Маслов,— колхоз мулки социалистик мулк. Бу мулкни, капиталистлардан заводларни тортиб олгандек, тортиб олиб бўлмайди.

— Сен ҳалиги кспро... привация ҳақида гапираяпсанми?

— Экспроприация ҳақида.

— Балки биз бу мулкдан ажралишдан ачинмасмиз? Уни давлатга беришга кўзимиз қияр экан, тагин қандай шубҳага ўрин қолади?

— Сен ачинмасанг, балки башқалар ачинар.

— Ҳаммани ўзингга тенглаштирма.

— Ҳа энди ҳамманинг эсидан чиқиб кетди! Анча вақт ўтиб кетди! Энди мужик ўз биясини силаб қўйиш учун колхоз отхонасига бормаиди. У колхозга нима қўшганини энди эслай ҳам олмайди, у биянинг суяги ҳам чириб кетди.

Бобо қизғин мунозара қилар, лекин ўз философ-ик-тисодий мулоҳазаларини фақат ўз ҳаётий тажрибасидан олинган мисоллар билан исботлар эди.

— Ёки, Ларионич,— у Мартиновга қараб гапира бошлади,— ҳукуматимиз, ғаллакорларга «ишчи» сўзи ёқмайди, деб ўйлармикин-а? Бунинг қўрқинчли жойи борми? Мен сенга айтсам, гудокка биноан ҳам яшаб кўрганман. Гудок чалдим — ўрнингдан туриб, ишга отланасан; гудок чалдим — танаффус, дам оласан, нонушта қиласан; яна гудок чалдим — вассалом, уйга жўнайсан! Гудок ёмонми? Яхши! Интизом, тартиб! Меҳнаткаш одамни гудок кекса солдатни жанг олдидан чалинган музика руҳлантиргандек руҳлантириб юборади. Дангаса учун эса қамчин деяверинг! Ларионич! Эшитаяпсанми? Яккаҳол мужик гудокдан Азроилдан қўрққандек қўрқар эди. Гудоксиз эркинроқ, бебошроқ яшагандек, ўзига ўзи хўжайиндек туюлади. Унинг уйида ўз гудоги йўқ дейсизми? Агар у ухлаб қолиб офтоб дарахт бўйи кўтарилганда уйдан чиқиб кўрсинчи, бундай ғаллакор ҳақида қўшнилари нима дейишаркин? Мазах қилиб кулишади! Бундай иш ёқмасни бутун округ масхара қилади! Хотини оташкурак ўхталиб қолади — бу гудок эмасми? Бу гудок бўлганда қандай! Вақтида экиб, вақтида йиғиштириб олмасанг — у қанақа ҳисоб бўлади? Болалар, чол-кампиралар печканинг устига чиқиб олиб, нон бер, деб жон-қолингга қўймайди! Бу — гудок эмасми?

Мартинов бобонинг гапларини қизиқиб эшитиб ўтирарди. Ота Григорьев чолнинг гапини бўлди.

— Тихон Андронич! Сен ўзинг колхозга нима қўшганингни ёдингдан чиқарганинг йўқми, ўз ҳиссангни эслайсанми? Актларни йўқотиб қўйганинг йўқми? Қанча мулкнигни умумлаштирган эдинг?

— Менми? Мулк дейсанми? — Бобо унга қараб қўйди.— Нима қиласан ўсмоқчилаб? Қўшни эмасмидик?... Ўзим йигирма тўққизинчи йилгача ёлланиб ишлаб келдим-ку, нимами ҳам умумлаштира эдим? Уч товуқ ва бир

жуфт ғоз — бутун мулким шундан иборат эди. Қулоқлар дастидан шу нарсаларни ҳам сақлаб қола олмадим. Мен йиғилишда колхоз учун овоз бераётганимда хотиним сизнинг ҳовлингизда чўчқа сўйилаётганини, Федька Ковриннинг эса бўғоз сигир сўяётганини эшитиб, болта билан паррандалар бошини узиб ташлабди. Мен колхозга ҳеч нарса қўшмаганман, айбимга иқрорман. Мана бу қўлларнигина, — у меҳнатдан пайга айланиб кетган, катта-катта қадоқли узун қўлларини пайжаларини ёзган ҳолда узатди, — икки қўлимдан бошқа ҳеч нарса қўшганим йўқ.

— Сен жуда илғор экансан! — деб кулди бригадир Бережной. — Ҳеч нарсаси бўлмаган, ҳеч нарсага ачинмайди! Ортиқча юксиз, бўхчангни елканга олиб, партия бошлаган йўлдан кетавергансанда! Революция солдати!..

— Бизнинг «Красный пахар» имиз правлениесида Демьян Опенкин сингари раҳбарлар бўлганида эди, — деб гапини тамомлади Ступаков бобо, — мен бу қўлларим билан колхоз учун ўн баравар кўпроқ иш қилган бўлардим! Туғилган қишлоғимдан ҳеч қаёққа кетмасдим, яхшироқ ҳаётни бошқа жойдан қидириб юрмасдим. Мени ҳатто учар деб ҳам аташди. Нима учун? Қим шундай деб атади? Ўзининг ношудлиги билан колхознинг ўсишига ҳалақит берганлар!.. Меҳнатимнинг хўжаликка фойдаси тегишини, қилган хизматим бекорга кетмаслигини билиб ишлаганимда эди — қойил қилардим!..

— Сизлар хўжайинсизлар, мана яқинда бўладиган ҳисобот-сайлов йиғилишида колхозингизнинг илғор бўлиши учун правлениега кимни сайлаш ҳақида яхшилаб ўйланглар. Сизларнинг йиғилишингизга ўзим келаман.

Мартинов, буруннинг остигагина қараш ва қолоқ колхозлар муваффақиятсизликларига ёпишиб олиб, илғор колхозлар эришган ғоят катта муваффақиятларни кўрмаслик яхши эмаслигини; совхозларда ҳам ҳамма иш ўз-ўзидан бўлавермаслигини; совхозларда ҳам аҳвол ҳар хил бўлиши мумкинлигини, у ерда ҳам калласи ишлайдиган директорлар, софдил бригадирлар, ишбилармон парторглар кераклигини, акс ҳолда совхоз зиён келтириши ва у етиштирган дон давлатга жуда қимматга тушиши мумкинлигини; колхоз тузуми, — артель мулкига ижтимоий эғалик қилиш, — кечагина майда хусусий мулкчи бўлган кўпчилик колхозчиларга ҳозир ҳам ёқишини ва улар

хоҳишини ҳисобга олиш кераклигини; колхоз тузилгандан бери ўтган йигирма уч йил — минг йиллик якка хўжалик даврига нисбатан тарихда унча катта муддат эмаслигини, бундай қисқа муддат ичида ҳамма ишни қилиб улгуриш мумкин эмаслигини, агар идрок ва куч сарфланса, колхоз тузуми барча маҳсулотлар бўйича мўл-кўллик келтира олишини ва қишлоқ хўжалигидаги янги формаларга, яхлит давлат секторига колхозларда бирор ишни қилиб улгурмаганимиз учун эмас, балки мўл-кўллик орқали боражагимизни Тихон Андронович Ступаковга узоқ гапириб муфассал тушунтирди.

— Демак, — қўли билан оғзини беркитиб йўталиб қўйди Ступанов бобо, — сизларча, партия тили билан айтганда, мен сўлга қинғаяётган эканманда?

— Ҳа, шундақароқ... Бунинг қандай аталишини ўзинг эсимизга тушурганинг яхши бўлди.

Ҳаммалари кулиб юборишди.

— Умуман, бизда ҳозироқ гудокдан қўрқмайдиган ғаллакорлар борлигини ҳисобга олиб қўямиз. Балки, бирор жойда колхозчиларга бутун мулклари билан совхозга қўшилишни таклиф қилиб кўриш керакдир.

Мартинов гапни бошқа ёққа бурди.

— Яхлит давлат секторига ўтиш бундан буён қандай амалга ошишини ҳозир ҳеч ким аниқ ва муфассал ҳолда тасаввур қилаолмайди. Умр берса — кўраверамиз. Келинглари, қолақ колхозларни қандай қилиб қолақликдан чиқариш ҳақида ўйлаб кўрайлик. Сизлар бутун айбни раисларга тўнкайсизлар. Тўғри кўп нарса раисга боғлиқ. Ҳамма колхозларда правлениеларга яхши раҳбарлар, муносиб кишиларни сайлашда колхозчиларга шу вақтгача ёрдам бераолмаганимиз учун райком ҳам айбли. Лекин сизлар ўзларингизга ҳам бир қараб қўйинглари. Колхоз далаларини ким ҳайдаб, экин экади? Сизлар, МТС ходимлари, механизаторлар. Ерни қандай ҳайдаб, экишни қандай ўтказяпсизлар? Шундай иш қиляпсизларки, баъзи жойларда колхозчилар сизларни «маханизаторлар» деб атайбошлаганлар. Уят, ўртоқлар! Келинглари шу ҳақда гаплашиб олайлик... Директорингиз билан уч кундан бери колхозларни айланиб юрибмиз, у шартномаларнинг бажарилиши ҳақида ҳисобот берди. Сизларнинг бекор турганингиз, брак ишларингиз ҳақида колхозчилар қанчадан-қанча шикоят қилишди, қанчадан-қанча дашном айтишди! Нима учун сизлар ҳар бир бошоқ учун қайғира-

диган хўжалик сифатида эмас, балки пудратчи сингари ишлайсизлар?

— Ҳамма ҳам пудратчи сингари ишламайди! Бизларни ҳафа қилманг, ўртоқ Мартинов! — деб шовқин кўтаришди тракторчилар.

— Демьян Богатийнинг «Власть Советов» колхозида йигирма икки центнердан ҳосил олинди. Уни ким етиштирди? Тракторчилар эмасми?

— «Октябрь», «Заря» колхозларидачи? Бу колхозларда ҳам деярлик йигирма центнердан ҳосил олинди.

— Бизни айблаш осон иш. Сиз бизнинг аҳволимиздан хабар олинг — қандай шароитларда ишлаётганимизга бир назар ташланг!

— Мана ремонтни олиб кўринг. Машиналарни қорда йиғаяпмиз!

— Тракторларни яхшироқ ремонт қилсак бекор туриш камроқ бўлар эди. Бундай шароитларда яхши ремонт қилиб бўладими?

— Яхшироқ ишлашимизга нима ҳалақит бераётганини билмоқчи бўлсангиз, — ҳаммасини айтиб берамиз!..

...Мартинов мудраб ётган Глотовга қараб, жаҳли чиқар эди: «Қандай одамлар, қандай фикрлар, бу бўлса ухлаб ётибди! Тепса тебранмас!»

— Мудрамасангчи! — у тоқат қилолмай охири директорнинг елкасига туртиб қўйди.

— А? Нима? — Глотов кўзини очди.

— Йигитларнинг гапини эшитсангчи.

— Эшитиб ётиб, ухлаб қолибман...

— Тўғриси, Петр Илларионич, — деди Юрчик Маслов, — бизга икки-уч йилгача янги машина беришмаса ҳам бўлади. Бор тракторлар билан ишни эплаймиз. Тракторлар экин майдонларимизга етади. Шундай кунлар бўладики, дизель қиладиган иш бўлмай, бекор ётади. Яхшиси, бизга қурилиш учун кўпроқ пул беришса бўларди!

— Яхши иш бўлмаяпти-да, ўртоқ Мартинов, — деди ота Григорьев. — Қишлоқларга миллиардларча маблағ беришади — ҳар бир МТС да қанчадан-қанча қиммат баҳо машиналар бор — лекин бу миллиардларнинг ҳосил учун тўла ишлашига ёрдам берадиган қандайдир бир неча минг сўмни аяшади.

— Инжилда айтилганидек: ўнг қўлинг билан шундай бергинки, чап қўлинг билмай қолсин,— деб гапга қўшилди Ступанов бобо.— Бир министр комбайнлар беради, иккинчи министр эса бу комбайнлар учун бостирма қуришга пул бермайди ва комбайнлар қишда қор тепада қолиб кетаверади.

— Балки бюджетимиз жуда қатъий тузилгандир,— деб давом этдирди Маслов,— менингча, биз учун планлаштирилган тракторларни бошқа давлатларга сотилса — пул бўлади-ку, ахир.

— Эшитяпсанми? — деб Мартинов Гловни туртиб қўйди.

— Эшитяпман.

— Сен нима дейсан бунга?

— Мен Масловнинг фикрига қўшиламан... Бизга ҳозирча машина етади, борларидан тўла фойдаланиш керак. Янги тракторларсиз ҳам бир-икки йил ишни бемалол эплай оламиз, лекин яхши устахона жуда зарур! Машинани ҳовлида разбор қилиб, йиққандан кейин, қандай ремонт бўлади? Совуқда темир билан ишлаш осон эмас! Айниқса мана бунақа ҳавода! Йигитлар трактор атрофида бир соат ишлашади, икки соат ўтхонада исиниб ўтиришади. Устахонада фақат бешта машинага жой бор. Шунинг учун ҳам йигитлар қишки ремонтга жуда кам пул ишлашади,— Глов анча жонланиб гапира бошлади.— Станокларимизни кўрдингми, Петр Илларионич? Абжағи чиқиб кетган!.. Мен неча марта ўйлаб кўрдим: нима учун бизда шундай ажойиб, қиммат баҳо техника бор-у, яхши ремонт базаси йўқ? Мукофот олган Орлов йўрға оти учун яхши абзал сотиб олишга қизғонгандек гап.

— Демак, Масловнинг фикрига қўшиласан?.. Нима учун бўлмаса министрликка, шундай, шундай, вақтинча трактор паркининг тўлдирилмай турилишига розимиз, лекин унинг ўрнига фалон-фалон нарсаларни: катта устахона, станоклар, тракторчилар учун яхши ётоқхоналар, инвентарь сақлаш учун бостирмалар талаб қиламиз, деб ёбормадинг?..

— Министрликда бизнинг эҳтиёжларимизни билишмайди, дейсанми?

— Билишади, билишади... Йўлни билган киши ҳам йўл сўрайди,— деб қўйди Ступанов.

— Бир оғиз сўзим бор мумкинми, Петр Илларионич? — деб ўрнидан кўзгалди бригадир Николай Бережной.—

Бошқа масала ҳақида гапирмоқчиман. Сиз Олешенский МТСида ишлайдиган йигит Костя Ершов ҳақида гапирдингиз. Бизда тракторчи яхши битган донни ўришда нима учун камроқ меҳнат кун ишлашини у сизга тўғри тушунтирибди. Меҳнат кунини бошқачароқ ёзишса бўларди. Фақат қанча ишлаганига эмас, балки ҳосилга ҳам қараш керак. МТС директориға ҳам ерга, ҳосилга қараб ёнилғи нормасини ошириш ҳуқуқини бериш керак. Бўлмаса шундай ҳоллар ҳам юз бермоқдаки, йигит беихтиёр ҳийла ишлатиб, ерни чуқур ҳайдамайди, ёнилғини тежайди, чунки у бундан олдин бошқа участкада, нормага риоя қилиш сира мумкин бўлмаган оғир ерда анчагина ёнилғини ортиқча сарфлаб юборган. Ёки чорак хедер билан ўрилган ғалла майдонида ортиқча ёнилғи сарфлаб қўйган. Мен яна МТСнинг маош оладиган ходимлари ҳақида гапирмоқчиман. Бош агроном, бош инженер, участка агрономлари, разъездной механиклар, қолаверса директорнинг ўзи — булар ҳам ҳосил учун жавобгарлар-ку, ахир.

— Булар ҳам эмас, балки булар биринчи ғалда жавобгардирлар!.. Иван Трофимович, — сўради Мартинов, — сизларда юқори ҳосил учун маош бўйича ҳеч қандай раббатлантириш йўқми?

— Ҳеч қандай, — деб жавоб берди Глотов. — Фақат диплом учун ва кўп йил ишлаганлик учун қўшимча бор.

— Демак, дипломли ва кўп йил ишлаган, лекин унча яхши ҳосил етиштирмаган директор дипломи ҳам йўқ, кўп йил ҳам ишламаган, лекин ажойиб ҳосил етиштирган директордан кўпроқ маош олар эканда.

— Ха, кўпроқ олади.

— Шундай денг... Бунинг ҳам бир иложини топса бўлади, — деди Мартинов. — Балки шундай қилиш керакдир? МТС колхозлар бўйича ўртача ўн центнердан ҳосил етиштира, директорга минг сўм ёки борингки бир минг уч юз сўм берилса, ҳосил ўн беш центнердан бўлса — икки минг сўм, йигирма центнердан бўлса эса икки ярим минг ёки уч минг берилса. Диплом ва кўпйиллик хизмат эса ўз йўли билан. Асосан — ҳосилни ҳисобга олиш керак. Агрономлар, механиклар учун ҳам шундай қилинса. Қалай сенинча, Иван Трофимович? Айтайлик, сен йил бўйи минимум бўйича маош олиб келдинг. Кейин эса донни йиғиб олиб, ҳосилни ҳисоблаганда — йигирма центнердан чиқди, дейлик. Қани, министр, ўн минг сўм тафовутни чўзиб қўй, десанг, қандай бўларкин?

Готов кулиб қўйди.

— Нимасини айтасан? Кўпроқ ҳаракат қилардик, яхшироқ ишлардик, албатта... Борлиқ онгни белгилайди.

— Материалистлар-эй!..

Мартинов сўридан туриб, қорайиб кетган дераза ёнига келди. Ташқарида бўрон қутурарди. У бир оз шу ерда турди-да, тирноғи билан ойнадаги музни тимдалаб қўйди.

— Николай Петрович, сен тракторда нечанчи йилдан берли ишлайсан,— деб Бережной томон ўғирилди у.

— Бизнинг шеркатларда дастлабки «Фордзон»лар пайдо бўлган йилдан берли, йигирма бешинчи йилдан берли.

— Йигирма етти йил бўлдимми?

— Йигирма уч йил. Тўрт йил танка ҳайдадим.

— Офицермисан?

— Ҳа, офицерман.

— Армиядан бўшаганингдан кейин тузукроқ иш қилмадингми? Ўз бригаданга қайтдингми?

— Қайси иш сенга ёқса, шу иш яхши-да. Мен бу ишни яхши кўраман, Петр Илларионич! Ерни ҳам яхши кўраман— мен ғаллакор деҳқонман,— ишчилар синфи томон ҳам қалбим мойил... Туғилган жойингдан кетмай туриб, МТС орқали ишчилар синфи қаторига кириш мумкин. Мансабимни пасайтиришмади. Бу ерда ҳам бешта машина менга қарайди.

— Қишлоқда тракторчи ажойиб фигура-да,— деди Мартинов хаёл суриб.— У ҳам колхозчи, ҳам ишчи...

— Бизни колхоз раиси ҳам сўкади, МТС директори ҳам! — деб кулди бир тракторчи.— Икки хўжайиндан ўнг биқинимизга ҳам, чап биқинимизга ҳам қамчин тушиб туради!..

— Бизнинг колхозчи эканлигимиз қўл келяпти, ўртоқ Мартинов,— деди Василий Шатохин.— Юқори ҳосил учун курашнинг бизга унча қизиғи йўққа ўхшайди, лекин бундай ўйлаб қарасанг: ўзим ҳам шу колхознинг аъзосиман, хотиним, болаларим, бутун қариндошларим ўша ерда. Ўзинг униб-ўсган жойинг. Жонкуярлик қилмаслик мумкинми, ахир?..

— Биз, Петр Илларионич, сиз йўғингизда ҳам,— деб сўз бoshлади Бережной,— кечқурунлари шашка ўйнаш жонга теккач, колхозларга бизнинг ишимиз кўпроқ фойдали бўлиши учун нима қилиш кераклиги ҳақида гаплашиб ўтирамиз. Биз билан бу сўриларда икки кеча ётиб

қолсангиз, қанча гапларни эшитган бўлардингиз!.. Кеча нима ҳақида гаплашганимизни айтай. Шундай қилиш керакки, МТС ҳақиқий ҳосил учун, яъни омборга тушадиган ҳосил учун ҳам жавобгар бўлсин. Ахир, ҳамма техника қўлимизда-ку. Сигирларни омовга қўшиб ер ҳайдаган вақтлар ўтиб кетди. Дала ишларининг саксон процентини механизациялаштирдик. Демак, биз энди колхоз ҳосили учун кўпроқ масъулият сезишимиз лозим! Бизда нима қилинаётир? Ҳосилни экин ўсиб турган пайтида белгилайдилар. Уни «биологик» ҳосил деб атайдилар. Колхозлар билан натура ҳақи бўйича ҳисобот шунга қараб қилинади. Экин ўсиб турганида ҳосилни ўн тўрт центнердан ҳисоблашди, дейлик. Бугдой ёмон бўлмаган. Уриб-йиғабошлайсан. Урим-йиғимни ҳам биз, тракторчилар, комбайнерлар ўтказамиз. Уримни нобудгарчилик билан, ёмон ўтказдик, дейлик. Қулай вақт ўтиб кетиб, ёмғир ёғабошлагач бугдой пояси ётиб қолади — энди тоза ўриб бўлмайди. Ўн тўрт центнердан фақат ўн центнери омборга тушади. Лекин ҳосилдорлик группаси илгаригича қолаверади, ҳечқандай ўзгариш киритилмайди. Ҳосилдорлик группасини эса инспекторлар тақдим қилган маълумотларга қараб белгилайдилар. Ҳосилдорликни белгиловчи бу инспекторлар бошқа ҳеч нарса билан шуғулланмайдилар. На шудгор, на кузги экиш, на чорва қишлови — уларни ҳеч нарса қизиқтирмайди. Келаси йилги ҳосилнинг қандай бўлиши ҳам уларни қизиқтирмайди. Уларни фақат бир томонлама хатолари учун: группани пастроқ белгилаганликлари учунгина жазолайдилар. Агар группани ошириб юборсалар, ҳатто биз ғаллани нобудгарчиликка йўл қўймай яхшилаб йиғиб олганимизда ҳам, колхоз давлатга ғалла топширганидан кейин аранг кун ўтказадиган бўлиб қолса — бунинг учун уларни жазоламайдилар.

— Ундай бўлса,— Готов иккинчи марта ва бутунлай уйғониб кетди,— агар мен омборга тушадиган ҳосил учун жавобгар бўлсам!.. Бу ерда Бережной қилган ҳисоб — саксон процент иш механизациялашган экан, ҳосил учун масъулиятнинг саксон проценти бизнинг бўйинимизда, дейиш, бемаъни гап! Нима, сенинча, колхозда масъулиятнинг йигирма проценти қолиши керакми? Сен, бир қошиқ қора мой билан бир қозон асални бузиш мумкин, деган мақолни эшитганмисан? Шунини яхши билки, биз ерни қанча яхши ҳайдамайлик, қанча яхши экмайлик, ерга

Ўғит солинмаган бўлса бизнинг ориқ еримиздан ҳосил кутмай қўяқол! Маҳаллий ўғитни ким ташиб чиқариши керак? Колхоз. Минерал ўғитничи? Озиқлантиришни ким ўтказиши керак? Қанд лавлагини ишлашда ҳали қанча қўл меҳнати сарфланмоқда?.. Мен «биологик» ҳосил учун ҳам, ҳақиқий ҳосил учун ҳам — ҳаммаси учун жавобгар бўлишга розиман. Лекин бу ҳолда менга катта ҳуқуқлар берилиши лозим.

— Қандай катта ҳуқуқлар? — деб сўради Мартинов кулиб. — Колхоз раислари маҳаллий ўғитни ташиб чиқармасалар, уларни қамаб қўйиш ҳуқуқими?

— Сен, Петр Илларионич, кулма. Ўзингни менинг ўрнимга қўйиб кўр!

— Мен, Иван Трофимич, сенинг ўрнингда бўлганимда эди, — деди Мартинов, — шундай қилардим. Колхоз правлениеси билан биргаликда бир йиллик агро-ишлаб чиқариш планини ишлаб чиқардик. Мен МТС директори, фалон муддат ичида фалон-фалон ишларни бажариш мажбуриятини оламан. Мен коммунист эканман, бу мажбуриятни бажараман. Лекин, ўртоқ колхоз раиси, сени ҳам тинч қўймайман! Сен ҳам ўз мажбуриятларингни аниқ бажаришинг шарт!

— Яна Америка очаяпсан! — деди Глотов қўлларини ёзиб. — Бундай шартнома бор. У, МТС билан колхоз ўртасидаги типовой шартнома деб аталади. Биринчи сатрларида шундай деб ёзилган: шартнома қонун кучига эга.

— Қонун кучига эга... Демак, шартнома бузилса ҳар бир модда бўйича акт тузиб, судга бериш керак эканда? МТС директори, колхоз раислари қаерда? Судда, судлашмоқдалар... Йўқ, сен йигитларнинг гапига қулоқ сол. Бу шартномада нимадир етишмаяпти. Юқори ҳосилдан ҳаммани — сени ҳам, колхоз раисини ҳам манфаатдор қиладиган модда йўқ. Шартнома шундай қизиқтириши керакки, бир-бирингизнинг устингиздан шикоят ёзишга вақтингиз бўлмасин. Шикоятга икки соат кетади, шу вақт ичида эса кўп нарса йўқотиш мумкин!..

Қор бўрони тинди. Йўлни давом этдиришга, район марказига бир неча километр яқинроқ бўлган қишлоққа боришга қарор қилдилар.

Ступаков бобо хайрлашаётиб Мартиновга шундай деди:

— Бир кеча уйқудан қолган бўлсак ҳам, вақтни ёмон ўтказмадик. Ўтган йили колхозимизга йигирмата лектор

келиб кетди. Уларнинг ҳаммаси ҳам ернинг қандай келиб чиққани, ерда ҳаётнинг қандай бошлангани ҳақида гапиришдан нарига ўтмади. Ишни яхшилаш ҳақида сиз билан гаплашгандек ҳеч ким билан гаплаша олмаган эдик!...

— Петр Илларионич, сир бўлмаса Борзовнинг нима учун ишдан олинганини бизга айтсангиз,—деб сўради Василий Шатохин.

— Газетада ўқигандирсиз, ахир,—деб жавоб берди Мартинов пўстинини кияётиб.

— Газетада қисқагина: танқидни бўққани учун, деб ёзилган эди.

— Ҳа, танқидни бўққани учун.

— Биз бундай деб эшитдик: бир коммунист партия активида унга қарши чиққан экан, Борзов бўлса ўша куннинг эртасига милицияга: «Сизда бу одам тўғрисида бирорта кичкинагина бўлса ҳам дело йўқми? Бўлмаса, дело очинг», деб телефон қилганмиш.

— Шундай воқиа бўлган эди.

— Жуда ҳаддидан ошиб кетган экан-да!..

— Демак, у шунчалик бемазагарчиликкача бориб етмаганида, бизда ҳозиргача секретарь бўлиб ишлайверар экан-да? — деди Шатохин. — Уни нотўғри раҳбарлик қилгани учун ишдан олишмаган экан-да?

— Бизда баъзан ана шундай бўлиши яхши эмас-да,— деди ота Григорьев: — масъулиятли бошлиқ қандайдир ўтакетган разилликкача бориб етганидагина ишдан олади-лар. Балки у умуман раҳбарликка ярамагандир, нотўғри методлар билан ҳаракат қилгандир, халқдан четда юргандир, халқ ҳаётини яхшилаш ўрнига фақат ўз шахсий манфаати ҳақида ўйлагандир?...

— Эсимда,— деб кулиб қўйди Бережной,—бир куни кечаси Борзов бизнинг бригадага келди. Кузги шудгор қилаётган эдик. Ҳамма машиналар ишлаб турибди. Мен вагончада ухлаб ётибман. У бирдан бақириб қолди-ю: «Қандай бригадирсан, ўзинг! Тракторлар ишлаб турса-ю, сен бўлсанг ухлаб ётибсан!» Мен унга: «Ўртоқ Борзов! Ҳамма тракторлар ишлаб турганидан кейин мен нима қилишим керак? Тилимни осилтириб улар орқасидан югуриб юришим керакми? Ҳамма машиналар эгатда экан, бирортаси ҳам бекор турмаган экан, демак, мен, бригадир, тракторларни тузатиб қўйган эканманда. Энди эса дам олишга ҳаққим бор», дедим. Бақирди, бақирди-да,

жўнаб кетди. Ундан: «Дангасалар! Иш ёқмаслар!» деган сўздан бошқа нарса эшитмас эдик.

— Бағри тош одам эди,— деди Василий Шатохин,— ҳеч ким унга ёқмас эди. У бизда уч йил ишлади, лекин эсда қоладиган бирорта яхши иш қилмади. Отлиқ қоравулдек далама-дала кезиб юарди. Одамлар орасида раисни кўриб қолса, яқинроққа келар, раисни бир чеккага чақириб, у билан ниманидир пичирлашар, лекин бошқа одамлар билан бир оғиз ҳам гаплашмас эди.

— Унинг ишини охиригача ҳал қилмадилар! — деди Юрчик Маслов қўлини силтаб. — Нима учун, нима сабабдан ишдан олингани ҳақида муфассал қарор чиқаришганида эди, колхозчилар учун ҳам равшан бўларди, Борзовдан кейин райкомда ишлайдиганлар учун ҳам сабоқ бўлар эди!..

— Ўртоқ Мартинов, эндиликда бизга ким раҳбарлик қилиши бизни жуда қизиқтиради,— деди Ступаков бобо. — Қандай замонда яшаяпмиз, ахир. Ҳамма ўз бурчагида ўтириб, суварак каби печка орқасига яширинадиган вақтлар ўтиб кетди. Подшо Николай вақтида биз умр бўйи бошлиқларни кўрмас эдик! Улар қишлоққа фақат солиқларни ундириб олиш учун келардилар. Келарди-ю кетарди — ҳамма унинг тезроқ кетишини истарди! — Ҳаёт эса ўз йўриғи билан кетаверарди. Ўз еринг бўлса, ўз отинг бўлса, уруғлик ҳам ўзингники бўлса (ҳаммаси ҳам агар бўлса) қандай экдинг, қандай йиғиб олдинг — бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Энди бўлса колхоз. Умумий иш. Сизларсиз, партиясиз биз бу умумий ишни қандай эплай оламиз? Сизларсиз биз бир қадам ҳам ташлай олмаймиз. Биз энди бошлиқни қандай киши эканлигини — парвардигор бизга қандай одамни лойиқ кўрганини билишни истаймиз. Масалан, бизнинг райком секретаримиз, ижроком раисимиз қандай одам? У бизнинг районга узоқ вақтга келганми ёки меҳмон бўлиб келганми? Юраги жўшқинми, ёки шунчаки илиққинами? Ундан яхши гапларни эшитдик, лекин ишни ҳам қойил қила оладими? Ҳушчақчақми, довюракми? Ҳушчақчақ бўлса — биз ҳам хурсанд бўламиз. Довюрак бўлса яна ҳам яхши. Командир жасур бўлса — солдатлар у билан бирга ўтдан ҳам, сувдан ҳам ўтадилар!...

Уч кундан кейин Глотов райкомга Мартинов ёнига келди.

— Нима учун сизлардаги тартибсизликлар ҳақида МТС директори бўлган сенга нисбатан оддий тракторчилардан кўпроқ эшитдим?— деди Мартинов. У, стол ёнида туриб креслода ўтирган Гловго, унинг кенг пешоналик оқсочли бошига, қип-қизил бўйнига, кичкина, ичига тушиб кетган кўзлари остидаги шишга юқоридан ёқтирмасдангина қараб турарди. — Бу нарсалар сени ташвишлантирмайдими? Сен пудратчилик ролига ўрганиб қолгансан, бошқа роль ўйнашни хоҳламасанг ҳам керак? Иккинчи даражали ролни ўйнаш ташвишсизроқ-да-а?... Йўқ, МТСларимиз колхоз қурилишида раҳбарлик ролини ўйнашни керак!.. Мен, ўртоқ Гловго, тракторчилар билан суҳбатлашганимдан кейин кўп нарса устида ўйлаб кўрдим. Кеча кечаси мана бу диванда ётиб, бизнинг машина-трактор станцияларимиз қандай бўлиши кераклиги ҳақида хаёлга чўмиб кетдим. МТСлар — ҳосил учун курашнинг ташкилотчилари, кадрлар етиштирувчи жой, маданият ўчоғи-ку, ахир! Уларнинг обрўсини ошириш, уларни мустаҳкамлаш учун катта капитал маблағ, кўпгина нарсалар керак, албатта. Лекин, йигитлар айтган камчиликлардан ташқари яна бир нарса: яхши директорлар етишмайди! Энг яхши коммунистларни ана шу лавозим учун танлаб олиш керак эди-да! Қишлоқда энг асосий лавозим! Балки, директорларга сиёсий бўлим бошлиқларида бўлган ҳуқуқларни бериш керакдир. Ҳеч қандай вакилга ўзбошимчалик билан трактор ва комбайнларни бошқа жойга юбориш ҳуқуқини бериш керак эмас!.. Менинг-ча, МТС директори обрўли, маълумотли, қишлоқ хўжалигини яхши биладиган, ва албатта, партияга садоқатли, иш учун жонкуяр одам бўлиши лозим. Ана шунақа директорлар бўлганда Иван Трофимич сенга қийин бўлиб қолармикин, деб қўрқаман. Сен улар билан беллаша олмайсан. Ўз ўрнини ҳаракатчанроқ одамга бўшатиб беришга тўғри келиб қолармикин. Сен жуда тепса тебранмас, совуққон кишисан!

— Характерим шунақа, нима қилай,— деб жавоб берди Гловго.

— Характер? Характер нима ўзи? Бу — одамнинг ўзи дегани... Биров, айтайлик, хафақон бўлади. Биров совуққон бўлади. Бу хафақон одам нимага ғусса чекади? Балки унга ҳеч нарса ёқмас, на ўз кучига, на халқ кучига ишонмас? Бошқа биров эса ҳамма нарсага бепарво қарайди ва «ўзини бил ўзгани қўй». «Билдим дедим ту-

тилдим, билмадим дедим қутулдим», «қўлингдан келмаган ишга уринма» деган принциплар билан яшайди...

— Сенга қўйиб берса—сен совуққон ва хафақон кишиларни партияга ҳам олмас эдинг-а? Анкетага қарар эдинг: «Савол: темпераменти? Жавоб: сокин». Бундайлар керак эмас!..

— Биласанми, ўртоқ Глотов, сенинг сокинлигинг—тўғридан-тўғри сиёсий пассивлик. Тўппа-тўғриси айтиб қўя қолайлик. Йил бўйи сендан МТС ишини яхшилаш йўллари ҳақида бирорта ҳам тузукроқ гап эшита олмадим... Ун тўққизинчи съезд қарорларини ўқияпсан, ўрганияпсанку, ахир! Партия Уставини, партия аъзосининг бурч ва ҳуқуқларини, ўрганияпсанку, ахир!...

Глотов кулиб қўйди.

— Пассивлик эмиш... Мен, Петр Илларионич, тракторчилар билан қай тарзда гаплашаётганингни эшитиб, сенинг активлигингга ҳайрон қолдим: «Сизларнинг фикрингизча, яна нималарни тузатиш керак? Яна нималарни ўзгартириш лозим?»—гўё бу нарсаларнинг ҳаммаси сенга боғлиғ-у: эртагаёқ тегишли қарорлар чиқарилади-да ишларимиз юришиб кетади. Гапларингни эшитиб, тўғриси айтсам, ичимдан кулиб ўтирдим.

— Бекорга кулиб ўтирибсан! Қонунларни ўзгартишга, янги фармойишлар чиқаришга бизнинг ҳаққимиз йўқ, албатта. Аммо халқдан эшитган ҳамма гапларни, халқнинг истакларини раҳбарларимизга маълум қилиб туришимиз керак. Сенинг тракторчиларинг давлат нуқтаи назаридан ўйлайдиган кишилар. Улар, МТСларнинг ҳақиқатан ҳам давлатнинг қишлоқдаги қудратли корхонасига айланишини истайдилар. Улар МТС—ҳосил учун курашнинг олдинги сафи эканлигини биладилар. Улар, ўз МТСлари ва колхоз ҳақида айрим раҳбарлар каби хизмат вақтидагина ўйламайдилар. Биз колхозга борамиз-у қайтамиз, колхозлардан меҳнат кунига ҳақ олмаймиз. Колхоз—уларнинг уйи. Колхоз—уларнинг бутун ҳаёти, ҳозирги ва келгусидаги ҳаётидир. Улар ўз ҳаётлари ҳақида кечасию кундузи ўйлайдилар!..

Кабинетга Марья Сергеевна Борзова кириб келди.

— Ҳалал бермайманми?—деб сўради у остона олдида тўхтаб.

— Йўқ, ҳалал бермайсан, киравер. Ўтир.

Марья Сергеевна дераза ёнидаги стулга келиб ўтирди. Унинг сочлари пала-партиш таралган, юзлари худди яқин-

да йиғлагандек кўпчиб кетган эди. Мартинов унга диққат билан узоқ қараб қолди.

— Мана бу хотин ўз жойида ишламаганидан қийналяпти, — деди Мартинов ва стол тортмасидан папирос олиб чекди. — Уруғчилик конторасида мудир. Илгари эса тракторчи эди. Тагин қанақа трактсрчи дегин! Паша Ангелина билан мусобақалашган. Ленин ордени олган... Менга қара, Марья Сергеевна! Мана бунга, — у имо қилиб Глотовни кўрсатди, — сиёсий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб борасанми? Улардаги директор ўринбосари яхши йигит-ку, лекин касал, инвалид, бригадаларни айланиб юришга қийналяпти. Унга енгилроқ иш топиб берамиз. Сен чўлни, тракторчиларни, машиналарни яхши кўрасан-ку, ахир!

— Нима деяпсан ўзинг? — Глотов ҳайрон бўлди. — Уни бизга юбормоқчимисан? Виктор Семенични бошқа районга юборишди, шекилли?.. Қайси районга, Марья Сергеевна?

— Юборишгани йўқ, — деб жавоб берди Борзова, — унинг ўзи кетди. Борисовкага. Ўрта мактабга тарих ўқитувчиси бўлиб ишга қиряпти.

— Мен кетганини билганим йўқ, — деди Мартинов. — Биз унга шу ерда, сельхозснабда ишлашни таклиф қилган эдик-ку... Қачон кетди?

— Ўтган куни.

— Бу қанақаси бўлди энди? — деб елкасини қисиб қўйди Глотов. — Эри бошқа районда ишлайди-ю, хотини бу ердами? Бу Марья Сергеевнага тўғри келмайди.

Борзова индамади.

— У ҳали учётдан чиққани йўқ, — деди Мартинов. — Балки фикрини ўзгартирар?

— Петр Илларионич! — Борзова Мартиновга қараб қўйди. — Мен сенинг ёнингга жуда муҳим иш юзасидан маслаҳатлашгани келган эдим... Мен учун муҳим... Сенинг вақтинг бўлмаса, кейин келарман.

Глотов ўрнидан турди.

— Мен кета қолай. Гап тамомми, Петр Илларионич?

— Йўқ, гап тамом бўлгани йўқ. Сенга характерингни ўзгартиришга тўғри келади.

— Ҳаракат қилиб кўрамиз... Агар ҳақиқатда шундай иш қилиш мумкин бўлса.

— Қилиш мумкин, Иван Трофимич, кишининг ёши

улғайиши билан характери ўзгаради. Кетиб қолма. Соат иккида бюро.

Глотов чиқиб кетди.

— Нима гап, Марья Сергеевна? — деб сўради Мартинов. У столни айланиб ўтиб, дераза ёнида тўхтади.

Борзова дераза томонга қаради, унинг лаблари титраб кетди. У жавоб бериш ўрнига пешонасини стул суянчигига қўйди-да ўпкасини тута олмай йиғлаб юборди. Мартинов нима қилишини билмай стаканга графиндан сув қуйиб дераза тоқчасига, Борзова яқинига қўйди.

— Мен у билан Борисовкага боришни истамайман, Петр Илларионич,—деб гап бошлади Борзова ўзини тутиб олгач. — Менга жуда қийин бўлди! Нима қилишимни билмай қолдим... Менга қолса шу ерда қолар эдим. МТС га борар эдим. Сендан бошқа иш сўрамоқчи эдим. Нима қилишим керак?.. У билан яшашни хоҳламайман. Яшай олмайман! У билан яшаш жуда қийин бўлиб қолди! Мен унинг бирорта ҳам сўзига ишонмайман... Ун икки йил умримни ким билан ўтказдим ўзим? Аҳмоқ бўлмасам илгарироқ кетмасмидим. Энди бўлса уят. Юқори лавозимда эканлигида бирга яшадим, кўниб келдим, энди унинг бошига кулфат тушганида ташласам? Болалар-чи? Иккита боламиз бор. Мен уларни ташламайман! Унга бермайман. Болалардан қандай одам тарбиялаб етиштирарди, дейсиз? Ўзига ўхшаган эгоистларними? Бермайман. Нима қилишим керак?..

Мартинов анча вақтгача ҳеч нарса демай турди. Девордаги соат иккита занг урди.

— Кечирасан, Марья Сергеевна... Ҳозир бу ерга одамлар келишади. Соат иккида бюро. Агар шу тўғрида мен билан гаплашмоқчи бўлсанг, эртага мен шу ерга вақтлироқ, соат саккизда етиб келай. Бўптими? Сен ҳам кел, гаплашиб оламиз.

Борзова ўрнидан турди.


— Йўқ, кетма, ўтиравер. Бугун бизнинг кун тартибимизда: МТСлар иши масаласи. Ҳаммани мажлис ўтказишга юборамиз. Балки сен ҳам борарсан? Нима дейсан?

Район ижроия комитетининг раиси Иван Фомич Руденко, иккинчи секретарь Медведов, район газетасининг редактори Посохов, Глотов, Олешенский МТСининг директори Никифоров, шу МТС партия ташкилотининг секретари, разъездной механик Гришин, учинчи МТС директори Зарубин киришди. Мартинов Марья Сергеевнанинг

кўз ёшидан, унинг ҳаётидаги оғир мусибатдан кўнгли бузилган ҳолда улар билан нохушгина сўрашди ва фикрини бир жойга йиғиб олиш учун бир неча минут индамай турди. Стол ёнига бориб ўтирди-да, звонок кнопкасини босди.

— Ҳаммани чақир,— деди у эшикдан қараган ёрдамчисига.— Яна ким йўқ?.. Ўртоқ бюро аъзолари! Биз бугун МТС директорлари ва партия ташкилотлари секретарларининг докладини эшитмоқчи эдик. Аммо менинг фикримча, аввал шундай қилайлик: МТСларга бориб, ўша ерда партия мажлислари ўтказамиз. Коммунистлар билан ўша жойнинг ўзида гаплашиб оламиз. Колхозлардан ҳам коммунистларни таклиф этамиз. МТСларимиз нима учун ёмон ишлаётганлигининг сабабларини ўша жойнинг ўзида яхшироқ аниқлаймиз. Камчиликларимиз қаерда эканлигини, қайси камчиликларни ўзимиз тугата олишимизни, область ташкилотларидан ва Москвадан қандай ёрдам сўраш кераклигини — ҳаммасини аниқлаб оламиз. Лекин мажлисдан ярим соатгина илгари етиб бориш керак эмас, балки ўша ерда камида бир-икки кун яшаш керак. Юриш, кишилар билан гаплашиш, фикр юритиб кўриш керак. Нима дейсизлар?.. Қани, аниқлаб оламиз: ким қаёққа боради?..

1953 йил.



М У Н Д А Р И Ж А

Районнинг иш кунлари <i>Турғун Пўлат</i> таржимаси	3
Бир колхозда <i>Турғун Пўлат</i> таржимаси	36
Икки гулхан <i>Илҳом Фозилов</i> таржимаси	77
Олдинги сафда <i>Илҳом Фозилов</i> таржимаси	85

На узбекском языке

ВАЛЕНТИН ВЛАДИМИРОВИЧ ОВЕЧКИН

ОЧЕРКИ

Госиздат УзССР — 1956 — Ташкент

Редактор *А. Ражабова*
Рисом *Р. В. Левицкий*
Техн. редактор *Л. Ф. Демидова*
Корректор *В. Мақсудова*

* * *

Теришга берилди 29/VI 1956. Босишга рухсат этилди 24/XI 1956. Формати 84×108^{1/32}. Босма л. 3.75. Шартан босма л. 6.15. Напр л. 6.48. Тираж 15000. Индекс *на* Узбекистон ССР Давлат Nashриёти, Тошкент, Полиграф кўчаси, 71. Шартнома № 449—55

* * *

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздатининг 1-босмачонаси, Тошкент. Ҳамза кўчаси, 33. Зак. № 732. Баҳоси 3 с. 45 т.